


# Ўзбекистоннинг Диний ва Сиёсий Маҳбуслари

РЕПРЕССИЯ АСОРАТИ МУХОКАМАСИ



АҚШ ХАЛҚАРО ДИНИЙ ЭРКИНЛИК БҮЙИЧА КОМИССИЯСИ

# USCIRFНИНГ МАҚСАДИ

Ушбу асосий хуқуқقا таҳдидаларни мустақил баҳолаш ва тинмай қаршилик кўрсатиш орқали ҳалқаро дин ёки эътиқод эркинлигини ривожлантириш.

ПРЕДСЕДАТЕЛЬ Nadine Maenza

ЗАМЕСТИТЕЛЬ ПРЕДСЕДАТЕЛЯ Nury Turkel

РУКОВОДИТЕЛИ  
Anurima Bhargava  
James W. Carr  
Frederick A. Davie  
Khizr Khan  
Sharon Kleinbaum  
Tony Perkins

ИСПОЛНИТЕЛЬНЫЙ ДИРЕКТОР Erin D. Singshinsuk

Муқова: Хозир епилган Жаслиқ қамоқхонаси камераси деразасидан кўриниш. 2019 йилнинг август ойида Ўзбекистон ҳукумати фожиали танилган--ва қийноқлар ҳақидаги хабарларнинг доимий оқими марказига айланган--Жаслиқ қамоқхонасини ёпилишини эълон қилди. Ушбу қамоқхонада кўплаб диний маҳбуслар, шу жумладан, ушбу ҳисоботдаги шахслар, сакланарди. Сурат 2003 йил 28 сентябрда олинган. Шамиль Жуматов REUTERS



АҚШ ҲАЛҚАРО ДИНИЙ ЭРКИНЛИК БҮЙИЧА КОМИССИЯСИ

# МУНДАРИЖА

- 3 **Ўзбекистон Харитаси**
- 5 **Якуний Ҳисобот**
- 8 **Тавсиялар**
- 10 **Методология**
- 12 **Тушунча ва Атамалар**
- 14 **Асосий Хуносалар**
- 17 **Ўзбекистонда Диний ва Сиёсий Маҳбусларнинг Бугунги Сони**
- 36 **Тақдирли Ташвишга Солаётган Диний Маҳбуслар**
- 50 **Ўзбекистонда Диний Қатағон Тарихи**
- 58 **Тегишли Ҳалқаро ва Ички Ҳуқуқий Қоидалар**
- 65 **Миннатдорчилик**
- 67 **Муаллиф Ҳақида**
- 68 **А-Илова: Ўзбекистон Қамоқхоналари Рўйхати**
- 70 **Б-Илова: Ўзбекистонда Терористик Ёки Тақиқланган Деб Топилган Ташкилотлар Рўйхати**
- 71 **С-Илова: Ўзбекистоннинг Тегишли Давлат Органлари Вакилларига Тақдим Этилган Саволнома**

*Бу саҳифа атайлаб бўши колдирилган.*

# ЎЗБЕКИСТОН ХАРИТАСИ



*Бу сахифа атайлаб бўши колдирилган.*

# ЯКУНИЙ ҲИСОБОТ

“Улар мени ҳибсга олиш учун келишганида, ўт устида турганимни ҳали ҳам эслайман. Мен ҳаётимнинг ярмидан кўп муддатга олиб кетишаётганини ҳаёлимга ҳам келтирмаганман. ... Улар мени “Хизб ут тахрир” даги одамларнинг исмларини айтиб беришимни хоҳлашарди. Ислмарни айтишдан бош тортганимда, мени қаттиқ калтаклашди. Бир йил ичидаги менинг оиласмининг беш нафар аъзоси, жумладан, учта ака-укам ва иккита амакиваччам ҳибсга олинган ва қамоққа ҳукм қилинган. Умид менинг ҳаётимни сақлаб қолди”.

– Рустам Р., Марғилон, Ўзбекистон, 2020 йил декабрь.

Айни пайтда Ўзбекистон қамоқхоналарида қанча диний маҳбус сақланмоқда? 2016 йил август ойида собиқ авторитар президент Ислом Каримов вафотидан кейин неча киши озод қилинди? Ўзбекистонда виждан, эътиқод эркинлиги ва қамоқхона тизимиға боғлиқ бундай фундаментал масалалар узоқ вақтдан бери Ўзбекистон ҳуқуқ ҳимоячилари, Америка Қўшма Штатлари ҳукумати, Европа Иттифоқи ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти органлари учун ташвиш ўйғотадиган инсон ҳуқуқлари соҳасидаги муаммолар рўйхатинининг тепасида келмоқда. Бироқ уларни И.Каримовнинг 27 йиллик қаттиққўллик бошқаруви даврида батафсил ўрганиш деярли мумкин эмас эди.

Бугунги кунда, АҚШ Халқаро диний эркинлик бўйича комиссияси (USCIRF) ҳомийлигида ўтказилган, Ўзбекистонда олиб борилган 113 дан ортиқ батафсил сухбатлар ва кенг кўламли тадқиқотлар асосида ўтказилган бир йиллик ўрганиш натижаларига кўра, ушбу ҳисоботда 2016 йил охиридан бўён 1000 дан ортиқ диний маҳбуслар Президент томонидан авф этилганлиги ва қамоқ жазоларининг табиий равишда тугаши туфайли озодликка чиқарилганига қарамай, Ўзбекистон ҳукумати 2000 дан ортиқ оддий диндорларни қамоқда сақлашда давом эттираётгани қайд этилади. Бу собық Совет Иттифоқининг барча давлатларида диний қарашлари туфайли қамоқда сақланётгандардан ҳам кўп, ҳам жаҳонда энг юқори кўрсаткичлардан биридир.

Ўзбекистон диний маҳбуслари қўйида келтирилган тушунчага кўра, “конституциявий тузумни ағдаришга уриниш”, тақиқланган адабиётларни сақлаш ёки тарқатиш, ёки тақиқланган гуруҳларга аъзоликда айбланиб қамоқда сақланмоқда. Жиноят қонунчилигидаги моддалар шунчалик ноаниқ ва кенгки,

улар Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари ва дин эркинлиги соҳасидаги шартли халқаро мажбуриятларини бузмоқда. Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистоннинг диний маҳбуслари, жумлаадан, ушбу ҳисоботда батафсил баён этилган 81 нафар ташвиш ўйғотаётган алоҳида диний маҳбус (ТУДМ), зўравонлик, зўравонлик таҳдиди ёки зўравонликка ундаш, ёки бошқа ҳар қандай жиноий ҳатти-ҳаракатларда иштирок этганликлари ва алоқадор бўлганликлари ҳақида ишончли далиллар йўқ. Президент Шавкат Мирзиёев даврида Ўзбекистонда дин эркинлиги соҳасидаги айрим яхшиланишларга қарамасдан, диний ва сиёсий сабабларга асосланган айловларга кўра шахсларни озодликдан маҳрум қилиш кенг тарқалганлигича қолмоқда.

Узок вақт давомида Ўзбекистоннинг авторитар президенти Каримов собық Совет Иттифоқи ҳудудида диний амалиёт ҳақида энг тажовузкор ва энг репрессив қонунларни яратиш ва жорий этишга кўмаклашди. Каримовнинг маҳсус хизматларининг 1990-йиллар бошидан бошлаб, кейинчалик ўн йиллик охирига келиб тобора кенгайиб бораётган тактикаси ўз динини қатъий давлат назоратидан ташқарида эътиқод қиласидан минглаб оддий мустақил мусулемонларни қамоққа олинишига олиб келди. Диний таъқиблар, Каримов сиёсати авжига чиққан пайтда, 7000 дан 10 000 гача диний ва сиёсий маҳбусларнинг озодликдан маҳрум этилишига олиб келди. Бу барча собық Совет давлатларини биргаликда олгандан каттароқ рақамдир. Ўзбекистон ҳуқуқ ҳимоячилари ва Россиянинг “Мемориал” инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилоти каби гуруҳларнинг қаҳрамонона саъи-ҳаракатлари 1998 йилдан бошлаб ва Каримов вафотигача диний маҳбуслар сонининг тобора ўсишини қузатиш имконини берди.

Президент Шавкат Мирзиёев 2016 йилдан бүён бир қатор ислоҳотларни, жумладан, диний ва сиёсий маҳбусларнинг айрим тоифаларини озод қилишни ва 20 000 дан ортиқ мустақил мусулмонларни ва уларнинг қариндошларини гумон қилинаётган эҳтимолли диний “экстремистлар”нинг шармандали “қора рўйхатлари”дан чиқарип ташлашни бошлади. Бугунги кунда Мирзиёев ҳукумати 65 нафардан зиёд юқори мартабали сиёсий маҳбусларни ва диний маҳбусларнинг катта аниқланмаган гурухини озод қилди. Бироқ, диний маҳбусларга нисбатан, БМТ механизмларининг бир неча бор чақиравларини эътиборсиз қолдириб, ҳукумат ҳеч қачон озод қилингандан ва ҳали ҳам қамоқда сақланаётганларнинг сони ёки шахсларини ошкор қилмаган.

Шунинг учун ушбу ҳисоботнинг мақсади Ўзбекистон диний маҳбусларини тахмин қилинаётган сони ва сақлашнинг ҳозирги шароитлари ҳақида ишончли маълумот беришдир, хусусан, 2016 йилдан бүён уларнинг қанчаси озод этилганлигини ва “диний экстремизм” ва тақиқланган диний гуруҳларга аъзо бўлиш ёки зўравонлик, зўравонлик таҳди, зўравонликка ундаш ёки бошқа жиноий фаолиятда иштирок этиш ҳақидаги ишончли далиллар ёки иddaolарга олиб келмайдиган айловлар билан қамалганларнинг сонини аниқлашдир. Ушбу ҳисоботда диний маҳбусларга қарши қилингандан айловлар ушбу шахсларнинг тинч амалиёти ёки диний эътиқодлари ёки эътиқодлари асосида ёки улар билан боғлиқ равишда илгари сурилганми ёки йўқми, ёки улар ихтиёрий ёки сохталаштирилиб илгари сурилганми ёки йўқми деган саволга жавоб топиш ҳамда Ўзбекистон ҳукуматининг ҳукмларни қайта кўриб чиқиш ва тегишли чоралар кўриш борасидаги саъӣ-ҳаракатларини баҳолашга қаратилган.

Муаллиф 2016 йилдан бүён озод этилганлар ва ҳозирги кунда ҳибса қолаётган диндорларнинг сони қанча эканлиги тўғрисида аниқ маълумот олиш мақсадида 2020 йил сентябр ойида Ўзбекистоннинг бир қанча давлат идораларига Тошкентда расмий учрашивлар ўтказиш учун сўровномалар ва мурожаатлар юборган. 2020 йил ноябр ойида эса, у АҚШ элчихонаси вакиллари билан биргаликда Ўзбекистонда қамоқхона ислоҳотларини амалга ошириш, ёки рухсат этилган диний фаолият чегарасини белгилаш вазифаси юкланган билан қанча ҳукумат амалдорлари билан учрашди. Ҳукумат ушбу муаллифнинг ахборот сўровномаларига бундай маълумотларнинг маҳфийлигига асосланиб, ёзма жавобларни тақдим этмаган бўлса-да, бир нечта муассасалар маҳбусларнинг умумий сони ҳақида қисман жавоб берди. Улар, шунингдек, ушбу муаллифга

ва USCIRFга келажакда ташвишга солаётган диний маҳбуслар билан учрашиш учун қамоқхоналарга боришига рухсат беришга келишиб олдилар.

Ушбу ҳисоботда тақдим этилган Ўзбекистонда сиёсий ва диний маҳбусларнинг аниқ сонига оид миқдорий ва статистик хulosалар ҳеч қандай ҳолатда якуний ҳисобланмайди. Шу билан бирга, ушбу тадқиқот диний ва сиёсий сабабларга кўра кўплаб шахсларнинг ҳибсга олиниши ҳақида хавотирли ҳақиқатни кўрсатиб турибди, улар, шу жумладан, ушбу ҳисоботда қайд этилган алоҳида маҳбуслар зудлик билан ва шартсиз равиша озод қилиниши керак. Ҳисоботнинг миқдорий хulosаларидан ташқари, ушбу тадқиқот диний маҳбусларга нисбатан зўравонлик муносабатининг бир неча муҳим йўналишлари ва қонуниятларини аниқлади:

**Биринчидан**, бу ерда тасвирланган маҳбусларнинг аксарияти қийноқлар ва зўравонлик муносабати ҳамда ҳибсга олиш ва суд жараёнида тегишли ҳуқуқий процедурага ёки адвокат билан учрашишга рухсат берилмагани ҳақида ишончли баёнотлар беришиди. Бундан ташқари, ушбу ҳолатлар орасида диний маҳбусларни қамоқقا олиш муддатларини ихтиёрий равиша узайтириш ва уларни қамоқда сақлаш вақтида озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилингандан ташвиши тенденцияси кузатилмоқда.

**Иккинчидан**, Ўзбекистонда диний маҳбусларга нисбатан чиқарилаётган ёки чиқариладиган ҳукмларнинг ҳайратлантирувчи даражада узоқ муддатли бўлиши муҳим масала бўлиб қолмоқда. Каримов ҳукмронлиги даврида қамалган маҳбусларнинг ярми ёки ундан кўп озод қилингандан ёки афв этилган. Аммо минглаб диний маҳбуслар ҳали ҳам қамоқда сақланиб, ҳозирги вақтда давомийлиги 20 йилдан ортиқ бўлган жазони ўтамоқда. Бу Ўзбекистоннинг диний маҳбусларини дунёда дин билан боғлиқ энг узоқ муддатта ҳукм қилингандар қаторига кўяди.

**Учинчидан**, қийноқлар, қайта судланишлар ва ҳукмларнинг узоқ муддатлилиги билан бир қаторда, репрессиялар кўпинча бутун оиласаларга таъсир қилади, бир неча авлодни қамраб олади.

**Тўртинчидан**, тадқиқот Ўзбекистоннинг қолган диний маҳбусларининг кўпчилиги *фақат* тақиқланган гуруҳларга алоқадорлиги шунингдек зўравонлик ёки бошқа жиноий фаолият билан алоқадорлиги ҳақида ишончли далилларсиз гумон қилингандилари асосида узоқ муддатли жиноий жазоларни ўтаетганини тасдиқлайди.

**Бешинчидан**, тадқиқот диндорларга нисбатан  
репрессиялар трансмиллий хусусиятга эга эканлигини  
ҳам аниқлади. Ҳозирда қамоққа олингандарнинг  
аксарияти чет элдан мажбурий равишда, айrim ҳолларда  
тегишли ҳуқуқий тартиб ва инсон ҳуқуқлари бўйича  
бошқа нормаларига зид ҳолда қайтариленган.

**Нихоят**, Ўзбекистон ҳукумати ўнлаб йиллар давомида  
оддий диндорларни, шунингдек, сиёсий мухолифларни  
жазолаш учун фойдаланган Ўзбекистон жиноят ва  
маъмурий қонунчилиги Ўзбекистон Конституцияси ва  
Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро  
битим (ФСҲҲБ) ва бошқа бир қатор мажбурий халқаро  
ҳужжатлар билан кафолатланган виждан ва дин  
эркинлиги ва сўз эркинлигини чеклашда давом этмоқда.

# ТАВСИЯЛАР

USCIRF АҚШ Хукуматига Ўзбекистон Хукумати билан қўйидаги йўналишларда ҳамкорлик қилишни тавсия қилади:

- Диний ёки сиёсий сабаблар асосида Жиноий Кодекснинг 159, 216, 216-1, 216-2, 244-1 ва 244-2 моддалари ва улар билан боғлиқ бошқа айбловлар билан қамоқца олинган барча шахсларни, шу жумладан, ушбу ҳисоботда ишлари кўриб чиқилган барча шахсларни **озод қилиш**;
- Жиноят кодексининг диний эркинлик ва инсон ҳуқуқлари борасида жиддий муаммолар билан боғлиқ 155, 156, 157, 158, 160, 242-моддаларининг ўзи ёки юқорида қайд этилган моддалар билан бирга ҳукм қилинган шахсларнинг ишларини мустақил суд томонидан тез ва пухта кўриб чиқиш, айбга икror бўлишга ўзига асосланган ҳукмларни, бундай икror бўлиш қўйноқлар ёки зўравонлик қўлаш натижасида олинган бўлиши мумкинлигини тан олиб, қайта кўриб чиқиш.
- Очиқлаш, ёки шахсий ҳаётнинг дахлсизлигини таъминлаш заруратидан, халқаро ҳамкорларга ва инсон ҳуқуқлари бўйича органларга Ўзбекистонда Жиноят кодексининг юқорида қайд этилган моддалар бўйича ҳукм қилинган шахсларнинг тўлиқ рўйхатини, шу жумладан, идентификация маълумотларини, яъни маҳбуснинг исми-шарифи, туғилган жойи ва санаси, у ҳукм қилинган барча айбловлар бўйича белгиланган жазоси, жазони ўташ жойи ёки озодликка чиқиш санаси, очиқлаш, ёки тегишли ҳамкорларга юқорида қайд этилган моддалар бўйича ҳукм қилинган ва амнистия ёки президентнинг авф этиши туфайли озодликка чиқсан маҳкумларнинг тўлиқ рўйхатини бериш;
- Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларига мувофиқ Ўзбекистоннинг амалдаги Жиноят кодекси ва таклиф этилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг шахсларни диний ёки сиёсий сабабларга кўра ҳукм қилиш учун қўлланилган моддаларини, жумладан, 159-модда (конституциявий тузумга тажовуз қилиш), 216 (Жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларни қонунга хилоф равища тузиш), 216-1 (ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолиятида қатнашишга ундаш), 216-2 (диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчиликни бузиш), 244-1 (жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этиш), 244-2 (диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш) каби моддаларнинг репрессив ва бошқа моддаларини **бекор қилиш**, диний сабабларга кўра ихтиёрий равища масалан, 155-модда (тероризм), 156 (миллий, ирқий, этник ёки диний адовар қўзгатиш), 157-модда (давлатга хоинлик қилиш), 158-модда (президентга тажовуз қилиш), 160-модда (жосуслик), 242-модда (жиноий жамоа тузиш) бўйича жазо муддатини узайтириб сунестомол қилмаслик;
- Ўзбекистон Жиноят-процессуал кодексининг инсон ҳуқуқлари бузилиши қурбонларини реабилитация қилиш ва уларга тегишли компенсация тўлаш тўғрисидаги 83-моддасини қўллаган холда Ўзбекистонда ўтиш даври одил судлови масалалари бўйича кенг сиёsat доирасида диний ва сиёсий маҳбусларни ёки ноқонуний судланганларни оқлаш ёки реабилитация қилиш сиёsatини қабул қилиш, фуқаролик жамияти ва мустақил эксперталар иштироқида ўз вазифасини бажариш учун тўлиқ мустақил комиссия тузиш;

- Халқаро стандартларга мувофиқ мустақил нодавлат ташкилотлари (ННТ), жумладан, дин эркинлиги ва жиной одил судлов соҳасидаги масалалар билан шуғулланадиган ташкилотларнинг рўйхатдан ўтиши ва фаолият юритиши учун қонуний тўсиқларни бекор қилиш;
- БМТ нинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси (2020), БМТ нинг Қийноқларга қарши қўмитаси (2019), БМТ нинг Дин ёки эътиқод эркинлиги бўйича Махсус Маъruzачиси (2018), БМТ нинг судьялар ва адвокатларнинг мустақиллиги бўйича Махсус маъruzачиси (2019) тавсияларини, шунингдек, Венеция Комиссияси/Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюросининг яқинда қабул қилинган “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ти қонунга ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги қўшма холосасида билдирилган таклифларни тўлиқ бажариш.
- Полное выполнение рекомендаций Комитета ООН по правам человека (от 2020 г.), Комитета ООН против пыток (от 2019 г.), Специального докладчика ООН по вопросам свободы вероисповедания и убеждений (от 2018 г.), Специального докладчика ООН по вопросу независимости судей и адвокатов (от 2019 г.) и совместного заключения Венецианской комиссии/БДИПЧ (от 2020 г.) о внесении изменений в недавно принятый закон «О свободе совести и религиозных организациях» (далее — законодательство о вероисповедании).

# МЕТОДОЛОГИЯ

Ушбу ҳисобот яқинда озод қилинган диний ва сиёсий маҳбуслар, ҳамда ҳозирги маҳбусларнинг оила аబзолари, ҳуқуқ ҳимоячилари, журналистлар, адвокатлар, давлат амалдорлари, диний раҳбарлар, халқаро ташкилотлар вакиллари ва бошқа эксперталар билан 2020 йилнинг июль ойидан 2021 йилнинг август ойигача ўтказилган 113 дан ортиқ батафсил сұхбатларга асосланган. Ушбу сұхбатлардан 73 таси 2020 йил октябр-декабр ойларида Ўзбекистонга тадқиқот миссияси давомида шахсан амалга оширилди. Яна 40 та сұхбат айрим шахслар билан телефон орқали тадқиқот миссиясидан олдин ва кейин Ўзбекистонда ва собиқ маҳбуслар, ҳозирги маҳбусларнинг қариндошлари, уларнинг адвокатлари ва бошқа фаоллар яшаб келаётган бошқа давлатларда, жумладан, Қозогистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон, Туркия ва Қўшма Штатларда ўтказилди.

Сұхбатлар инглиз ва рус тилларида иккى тилде равон гаплаша оладиган муаллиф томонидан ўтказилди. Баъзи сұхбатлар ўзбек тилида бўлиб ўтди, уларни (она тили ўзбек тили бўлган) таржимон инглиз ва рус тилларига таржима қилишда ёрдам берди. Муаллиф ҳар бир сұхбатдошга сұхбат ўтказишнинг мақсадини ва тўпланган маълумотларнинг қандай ишлатилишини тушунтириб берди. Сұхбат учун ҳеч қандай компенсация таклиф қилинмаган ва ҳеч қандай ҳақ тўланмаган.

Муаллиф билан сұхбатлашган барча шахсларга уларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳисботовда маҳфийликни сақлаш, уларнинг кимлигини ошкор этиши мумкин бўлган маълумотларни чиқариб ташлаш, ёки уларнинг ҳикояларини ҳисботовдан умуман чиқариб ташлаш имконияти берилди. Сұхбатлар Ўзбекистоннинг деярли ҳар бир ҳудудида ўтказилди. Муаллиф етиб боролмаган ҳудудлар учун вакилларни пойтахтга, Тошкентга таклиф қилиш чоралари кўрилди. Барча респондентларга тадқиқотнинг мақсади ва олинган маълумотларнинг қандай ишлатилиши ҳақида маълумот берилди. Уларга сұхбатнинг ихтиёрий табиати тўғрисида ва интервью беришдан бош тортишлари, ҳар қандай саволга жавоб беришдан бош тортишлари ва исталган

вақтда сұхбатни тўхтатишлири мүмкинлиги ҳақида маълум қилинди.

Ҳисботовда Ўзбекистондаги шахсий ёки телефон орқали интервьюлар келтирилган ҳолларда, манбаларнинг айрим номлари, саналари ва жойлашган жойлари келтирилмади. Сўровда иштирок этганларнинг аксарияти ҳақиқий номлардан фойдалансалар-да, бошқаларнинг шахсиятлари уларнинг хавфсизлиги билан боғлиқ ташвишлари ёки уларнинг илтимослари туфайли яширилган. Ушбу сұхбатдошларга тасодифий танланган исмдан ва исмнинг биринчи ҳарфига мос келадиган фамилиядан иборат тахаллус (масалан, “Алишер А.”) берилди. Сұхбатлар турли шароитларда амалга оширилди ва уларда бир-бири билан ҳеч қачон алоқа қилмаган сұхбатдошлар иштирок этди ва уларнинг ҳаммаси ўхшаш тажрибалар ҳақида хабар берди.

“Конституцияга хилоф фаолият” айблови ва “диний экстремизм” билан боғлиқ бошқа айбловлар билан ҳукм қилиниб, ҳозирда қамоқда сақланаётган маҳбуслар сони, бундай айбловлар билан қамалиб, 2016 йилдан бўён озод этилган шахслар сони ва шу билан боғлиқ бошқа масалалар юзасидан аниқ расмий маълумот олиш учун 2020 йилнинг сентябрь ойида муаллиф Тошкентда бир қанча давлат муассасаларига, шу жумладан Ўзбекистон Жазони ижро этиш Бош бошқармаси, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) идораси, Ўзбекистон мусулмонлари кенгаши (Муфтиёт) ва Дин ишлари бўйича давлат қўмитасига батафсил сўровномани юборган ва расмий учрашувларни сўраб мурожаат қилган.

2020 йил ноябр ойида муаллиф АҚШ элчихонаси вакиллари билан биргаликда юқорида қайд этилган давлат муассасалари вакиллари билан учрашиди, уларнинг барчаси Ўзбекистонда қамоқхоналарни бошқариш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун бевосита масъудлир, ёки рухсат этилган диний фаолиятга аниқлик киритишида муайян рол ўйнайдилар.

Ўзбекистон давлат муассасалари сўровномада (С-иловасига киритилган) маълумот тақдим этиш бўйича сўровларга бундай маълумотларнинг маҳфийлигини билдириб, ёзма жавоб бермаган бўлса-да, бир нечта муассасалар маҳбусларнинг умумий сони ва жазони ижро этиш муассасалари ҳақидаги саволларга қисман жавоб бердилар. Шунингдек, улар USCIRF ва ҳисбот музаллифига тақдири ташвишга solaётган маҳбуслар билан учрашиш учун қамоқхоналарга ташриф буориш учун қўшимча имкониятлар беришга розилик билдирилар. Аввалроқ, 2018 йилнинг декабр ойида, Ташқи ишлар вазирлиги ва Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг (Омбудсман) бошқармаси кўмагида Хьюман Райтс Вотч ташкилотининг вакили сифатида музаллиф иккита қаттиқ режимли қамоқхонага ташриф буориб, маҳбуслар билан уларни қамоққа олиш шартлари ҳақида суҳбатлашди.

Музаллиф Ўзбекистоннинг ўзгача фикрлаш ва дин ва эътиқодни эркин ифода этишни жиноий қилмишга тенглаштириш учун ҳуқукий асос яратадиган тегишли жиноят қонунчилиги ва дин ва экстремизм тўғрисидаги қонун ҳужжатларини чуқур ўрганиб чиқди. Қамоқда сақданаётган ва 2016 йилдан бўён озод этилган маҳбусларнинг тоифалари тўғрисидаги расмий маълумотларнинг ўrniga, Ўзбекистон қамоқхоналари (ёпиқ қамоқхоналар ва колониялар) аҳолиси ва ҳар бир муассасада 159, 216, 216-1, 216-2, 244-1, 244-2-моддалар ва бошқа тегишли жиноий қонунлар бўйича айбланиб, қамоқ жазосини ўтаётган маҳбусларнинг контингентларини баҳолаш учун музаллиф, шунингдек, яқинда озод этилган маҳбуслар ва ҳозирги маҳбусларнинг қариндошлари билан интервюолар ўтказди.

Музаллиф шунингдек, сиёсий ва диний сабабларга кўра судланган шахсларга нисбатан айблов хulosалари ва судларнинг ҳукмларини, маҳбуслар сони бўйича ҳукуматнинг баёнотларига ва расмий статистикага ҳавола келтирилган матбуот хабарларини, шунингдек, БМТ органлари ҳисботларини кўриб чиқди. Ушбу ҳужжатларнинг баъзилари оила аъзолари ва маҳаллий ҳуқуқ ҳимоячилари томонидан тақдим этилган. Суд ҳужжатлари ҳисботда келтирилган сиёсий ёки диний сабабларга кўра ҳукмларнинг табииати ва чиқариш амалиётини таъкидлашга ёрдам берди. Ушбу ҳисботнинг изоҳларида ҳаволаси келтирилган Россиянинг етакчи “Мемориал” инсон ҳуқуқлари ташкилоти томонидан йиллар давомида тўпланган минглаб алоҳида ишларнинг кенг қамровли кўп жилдли тўплами ушбу тадқиқотга асос бўлган диний ва сиёсий маҳбуслар сонини баҳолашнинг яна бир муҳим манбаидир.

Бу ерда тасвиrlанган айрим шахслар музаллифнинг ўзи кўп йиллар давомида кузатиб келган ҳолатларидан. Бошқалари мамлакатда ва ундан ташқарида ҳуқуқни ҳимоя қилиш ҳамжамиятидаги ҳамкаслар ва ташкилотлар, жумладан, Агзам Турғунов, Аҳмаджон Мадмаров, Халқаро Амнистия, Марказий Осиёда Инсон ҳуқуқлари ассоциацияси, Журналистларни ҳимоя қилиш қўмитаси, Эзгулик, Форум 18, Фронтлайн, Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари жамияти, Инсон ҳуқуқлари бўйича Альянс, Ҳуқуқий Таянч, Мустақил ҳуқуқ ҳимоячиларининг (марҳум Сурат Икрамов бошчилигидаги) ташаббускор гуруҳи, Халқаро инсон ҳуқуқлари Федерацияси (FIDH), Жаҳонгир Кудижонов, Мемориал, Виталий Пономарев ва бу ерда номлари келтирилмаган бошқалар томонидан аниқланган. Ушбу одамлар ва гуруҳлар мазкур тадқиқотга беқиёс ҳисса қўшдилар.

# ТУШУНЧА ВА АТАМАЛАР

## СИЁСИЙ ВА ДИНИЙ МАҲБУСЛАР

Ушбу ҳисобот Европа Кенгаши Парламент Ассамблеясининг 1900 (2012) қарорида баён этилган “сиёсий маҳбус” атамасидан фойдаланади.<sup>1</sup> Ўзбекистон таърифда қайд этилган Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлар тўғрисидаги Европа Конвенциясининг (ИХХК) иштирокчиси эмаслиги сабабли, бу таъриф Ўзбекистон унинг аъзоси бўлган Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пактга (ICCPR) асосланади ва фикрлаш, виждан ва дин эркинлиги, сўз, тинч йигилишлар ва уюшмалар эркинлиги каби асосий ҳуқуқларнинг деярли бир хил таърифини ўз ичига олади (ICCPR 18, 19, 21, 22-моддалари).<sup>2</sup>

Ушбу ҳисобот турли диндорлар ва раҳбарлар, ҳуқуқ ҳимоячилари, сиёсий мухолифат арбоблари, журналистлар, тахмин қилинган ҳукумат танқидчилари ва бошқаларни айбланишини, таъқиб қилинишини ва озодлиқдан маҳрум этилишини тавсифлаш учун “сиёсий сабабларга кўра” атамасидан фойдаланади, чунки ушбу шахслар томонидан диний эътиқодлар, сиёсий қарашлар ёки турли форматдаги сиёсий жиҳатдан сезгир масалалар бўйича фикрларни зўравонликсиз ифода этилиши учарни давлат органлари томонидан таъқиб қилиниши учун катализатор бўлиб хизмат қилди. Ушбу таърифда “диний сабабларга кўра” айловлар ҳам, шунингдек, “сиёсий сабабларга кўра” бўлиб, ҳозиргина тақдим этилган таърифга мос келадиган кенг миқёсли айловлар гуруҳининг қуйи тоифасини ташкил этади.

“Диний маҳбус” атамаси халқаро ҳукуқда аниқ таърифга эга эмас. Ушбу атама бу ерда Ўзбекистондаги сиёсий маҳбусларнинг умумий сонининг қуйи тоифасини - дин ёки эътиқод эркинлигини амалга ошириш давлат органлари томонидан жиноий жавобгарликка тортилиш учун катализатор ёки омил бўлган ҳолларни тасвирлаш учун фойдаланилади. Аникроқ бўлиши учун, диний маҳбуслар бу сиёсий маҳбуслар. Уларнинг озодлиқдан маҳрум этилиши Ўзбекистон жиноят кодексининг “конституцияга хилоф фаолият” (159 - модда), “тақиқланган диний, экстремистик” гуруҳларда иштирок этиш ёки “тақиқланган адабиётлар”га эга бўлиш (216, 242 ва 244-моддалари) каби инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро нормаларга мутлақо мос келмайдиган, шунчалик ноаниқ ёки ҳаддан ортиқ қоидаларни ўз ичига олган қоидаларига асосланади.

## МУСТАҚИЛ МУСУЛМОНЛАР

Ушбу ҳисоботда “мустақил мусулмонлар” атамаси Ислом динига қатъий давлат назоратидан ташқарида эътиқод қиладиган ва ҳукумат томонидан белгиланган диний урф-одатлар, ифодалар ёки эътиқодларга бўйсунмайдиган мусулмонларни таърифлаш учун қўлланилган. Ушбу гуруҳ 1990-йиллар охиридан бошлаб ва ҳозирги кунга қадар, бугунги кунда уларнинг сони камроқ бўлса-да, Ўзбекистон қамоқхоналаридағи экстремизмда айланган ва ҳисбга олинган диний маҳбусларнинг ядросини ташкил этади. “Мустақил” бўлиш дегани шартли равишда анъанавий диний амалиётдан воз кечиш ёки сиёсий мухолифатга қўшилиш ёки ҳукуматни ағдариш ниятида бўлишни

<sup>1</sup> Европа Кенгашининг Парламент Ассамблеяси 1900 (2012) қарорида шундай дейилган: “Шахсий эркинлиқдан маҳрум бўлган шахсга қўйидағи ҳолларда “сиёсий маҳбус” деб қаралиши керак: а) агар озодлиқдан маҳрум этиши Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Европа конвенцияси ва унинг Протоколларида (ИХХК) баён этилган асосий қафолатлардан бирини, ҳусусан, фикрлаш, виждан ва дин эркинлиги, сўз ва ахборот эркинлиги, йигилишлар ва уюшмалар эркинлигини бузган ҳолда қўлланилган бўлса; ва б) агар озодлиқдан маҳрум этиши ҳар қандай жиноят билан бояник бўлмаган фақат сиёсий сабабларга кўра қўлланилган бўлса; ва в) агар сиёсий сабабларга кўра қамоқ муддати ёки унинг шароитлари шахснинг содир қылганлиқда айланбаётган ёки гумон қилинаётган жиноигига яққол номутаносиб бўлса; ва д) агар у сиёсий сабабларга кўра бошқа шахсларга нисбатан камситувчи тарзда ҳисбга олинган бўлса; ёки, э) агар ҳисбга олиш адолализ бўлган суд жараёнининг натижаси бўлса ва бу ҳоқимиятнинг сиёсий мақсаддари билан бояник бўлса.” (SG/Inf(2001)34, 10 -банди) (муаллиф ажратилиб кўрсатган).

<sup>2</sup> Шундай қилиб, озодлиқдан маҳрум этилган шахс қўйидағи ҳолларда “сиёсий маҳбус” нинг таърифига мос келади:

1. Қамоққа олиш Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт (ICCPR) томонидан қафолатланган фикрлаш, виждан ва дин эркинлиги, сўз эркинлиги, тинч йигилишлар ва уюшиш эркинлиги каби асосий ҳуқуқларга зид ҳолда тайинланганида;
2. Озодлиқдан маҳрум қилиш бирор бир жиноятни ҳисбога олмаган ҳолда яққол сиёсий сабабларга кўра қўлланилгананида;
3. Сиёсий сабабларга кўра, қамоқ муддати ва унинг шартлари, шахснинг судданган ёки гумон қилинган жиноигига нисбатан номутаносиблигида;
4. Шахс сиёсий сабабларга кўра бошқа шахсларга нисбатан камситувчи тарзда озодлиқдан маҳрум этилганида;
5. Озодлиқдан маҳрум қилиш ҳоқимиятнинг сиёсий мотивлари туфайли процесдурул кафолатларнинг аниқ бузилиши билан ўтказилган суд жараёнининг натижаси бўлганида.

Агар шахс “сиёсий маҳбус” деб ҳисбланса, ушбу тахмин рітим facie (“бошлангич”) далиллари билан тасдиқланиши керак ва агар ҳукумат озодлиқдан маҳрум этиши Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пактта мувофиқдигини, мутаносиблик ва камситаслик тамойилларига риоя этилганлигини ва озодлиқдан маҳрум қилиш адолати суд жараёнининг натижаси эканини исботласа, ушбу тахмин қайта кўриб чиқилиши мумкин.

бидирмайди. Аксинча, давлат бу шахсларни оддиндан шубҳали деб ҳисоблайди, чунки улар ўзларининг диний эътиқодларини маҳсус белгиланган параметрлар доирасидан ташқарида ифода этадилар. Ҳукуматнинг мустақил Исломга қарши кампанияси аксинча, давлатга қаршилик кўрсатмаган, бироқ барибир “ўта диндор” ва шунинг учун ҳам бузғунчи деб ҳисобланган мусулмонларга қарши қаратилган эди.

## ҚАМОҚХОНА ТЕРМИНОЛОГИЯСИ

Ушбу ҳисобот доираси жиноят учун судланганидан кейин ўз иродасига қарши шахсий озодликдан маҳрум бўлган маҳбуслар билан чекланган. Бу ҳибсга олинганларни, яъни қамоқхонада сақланганларни, ҳатто улар жиноят

учун ҳали ҳукм қилинмаган бўлса ҳам, истиносно қиласи. Шундай қилиб, тадқикот қамоқхоналарда ёки ҳибсоналарда эмас, балки жазони ижро этиш муассасаларидаги муносабат ва сақлаш шартлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади. Ҳисоботдаги қисқартмалар ёпиқ муассасаларга, жазони ижро этиш колонияларга (ЖИЭК) ва Манзил-колонияларга (МК) тегишли. Сўнгги йилларда ҳукумат Ўзбекистон қамоқхоналарининг тартиб рақамларини икки қисмдан иборат (64/46) белгилар сериясидан иборат бўлган совет тизимидан 1-дан 51-сонгача бўлган тизимга ўзгартириди. Маҳбуснинг қаердалигини аниқлаш мумкин бўлган имкон қадар тўлиқ маълумотни тақдим этиш ниятида ушбу ҳисоботда эски ва янги рақамлаш тизимларидан фойдаланилди.

# АСОСИЙ ХУЛОСАЛАР

Хукуматнинг яқинда эълон қилган маълумотлари, 2020 йилнинг июлидан 2021 йилнинг августига қадар жойларда давлат хизматчилари, яқинда озод этилган маҳбуслар, адвокатлар, инсон ҳуқуқлари фаоллари ва маҳбусларнинг қариндошлари билан ўтказилган интервьюлар, шунингдек, суд ҳужжатларининг шархи 2016 йилнинг охирида минглаб маҳбусларнинг озод этилишига қарамасдан, Ўзбекистон ўзининг халқаро мажбуриятларини бузган ҳолда 2000 яқин шахсларни “конституциявий тузумга тажовуз қилиш”, тақиқланган адабиётларни сақлаш ёки тақиқланган гуруҳларга аъзо бўлиш каби ноаниқ ва ҳаддан ортиқ кенг қўлланиладиган айловлар билан қамоқхоналарда сақлашда давом этाटганини кўрсатмоқда.

Ҳисоботда тўлиқ таърифланганидек, Ўзбекистоннинг ёпиқ қамоқхоналарида (1176 та) ва манзил колонияларида (1000 та) диний ва сиёсий маҳбусларнинг тахминий сонини қўшиш Ўзбекистон қамоқхоналарида тахминан 2176 нафар диний маҳбус ( $1176 + 1000 = 2176$ ), ёки тахминан 2200 диний маҳбус халигача жазо муддатини ўтмоқда деган хulosага олиб келади. 2020 йилнинг охирига келиб, Ўзбекистоннинг 43 та қамоқхонасида расмий равишда 22 867 нафар маҳбус бор эди. 43 та қамоқхонадан 18 таси “ёпиқ колониялар” (“зоналар” деб ҳам аталади), 25 таси очиқ турдаги, “манзил” колониялари - маҳкумлар жазонинг маълум фоизини ўтаганидан кейин ўтказиладиган, уларга кўпроқ шахсий автономия ва иш, учрашувлар ҳамда мулоқот имтиёzlари бериладиган муассасалардир. 2200 киши деб тахмин қилинган рақам яқинда озод этилган диний ва сиёсий маҳбуслар, ҳозирги маҳбусларнинг қамоқхона идораларига мунтазам равишида ташриф буорувчи қариндошлари, адвокатлар ва ҳуқуқ ҳимоячилари билан ўтказилган интервьюларга, шунингдек, муаллифнинг Ўзбекистон ҳукумати расмийлари билан учрашувлари ва маҳбуслар сони ва маҳбусларни озод қилишга оид расмий ҳукумат матбуот хабарларини кўриб чиқиши натижаларига асосланган. Агар аниқ тахмин қилинадиган бўлса, демак, Ўзбекистон қамоқхоналарида маҳбусларнинг тахминан 10 фоизи диний маҳбуслардир.

Муаллиф томонидан тўпланган интервьюларнинг кенг доираси диний ва сиёсий сабабларга кўра бугунги кунда қамоқда сақланаётган шахсларнинг сонини баҳолашга ёрдам берди. Аксар айловларда, жумладан, ушбу ҳисоботда айтиб ўтилган ҳозирги кундаги диний

маҳбусларнинг 81 нафарининг ишида ҳам, уларнинг зўравонлик, зўравонлик таҳди迪 ёки зўравонлика ёки бошқа ҳар қандай жиноий хатти-ҳаракатларга унданлиги ёки уларга алоқадор бўлганлини тўғрисида бирор бир ишончли далил йўқ. Шунга кўра, диний ва сиёсий маҳбусларнинг ишлари инсон ҳуқуқлари ва дин эркинлиги борасида жиҳдий ташвиш уйғотмоқда ва уларни зудлик билан ва сўзсиз озод қилиш масаласи ҳукумат томонидан тез фурсатда кўриб чиқилиши керак. Бу ҳолатлар Ўзбекистоннинг халқаро ҳамкорлари, жумладан, АҚШ ҳукумати, Европа Иттифоқи, Буюк Британия, БМТ механизмлари ва Ўзбекистондаги дипломатик миссиялар учун ҳам устувор бўлиши керак.

Ҳисоботнинг миқдорий хулосаларидан ташқари, ушбу тадқиқот диний маҳбусларга нисбатан зўравонлик муносабатининг бир неча муҳим йўналишлари ва қонуниятларини аниқлади:

Биринчидан, бу ерда тасвиrlenган маҳбусларнинг аксарияти қийноқлар ва зўравонлик муносабати ҳамда ҳибсга олиш ва судланиш жараёнида тегишли ҳуқуқий процедурага ёки адвокат билан учрашишга рухсат берилмагани ҳақида ишончли баёнотлар беришиди. Бундан ташқари, ушбу ҳолатлар орасида диний маҳбусларни озодликдан маҳрум этиш муддатларини ўзбошимчалик билан узайтириш ва уларни қамоқда сақлаш вақтида озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилишнинг ташвиши тенденцияси мавжуд. Хусусан, Каримов ҳукмронлиги даврида Жиноят кодексининг диний ва сиёсий маҳбусларнинг озодликдан маҳрум қилиш муддатларини ўзбошимчалик билан узайтириш учун кўпинча қўлланилган 221-моддаси бекор қилинишига қарамасдан, бугунги кунда Ўзбекистоннинг кўплаб диний ва сиёсий маҳбуслари жазони ўташ пайтда янги айловлар бўйича судланганлик сабабли қамоқда сақланмоқда. Ҳукм чиқариш адолатли суд жараёнининг стандартларини бузган ҳолда амалга оширилмоқда.

Ҳукумат диний маҳбуслар учун бундай тақрорий ҳукмлар ҳақида аниқ маълумот бермади. Бироқ, мазкур тадқиқот шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистон Жиноят кодексининг 159, 216, 244-моддалари ва экстремизм билан боғлиқ бошқа моддалари бўйича ҳукм қилинган кўплаб маҳбуслар тақрор судланади ва бу уларни олти йилдан 18 йилгача бўлган янги муддатларга озодликдан маҳрум қилинишига олиб келади. Шу

тариқа, ушбу ҳисобот ҳукуматга зўдлик билан бугунги маҳбуслар орасидан жазони ўташ давомида 221-модда асосида қамоқ муддати узайтирилган ёки тақороран судланганларнинг ҳар бирини чуқур ўрганиб чиқишни тавсия этади.

Соҳталаштирилган узоқ муддатли жазога тақороран ҳукм қилинган жорий маҳбуслар қаторига ушбу ҳисоботда кўриб чиқилган **Файзулла Агзамов, Жахонгир Камолов, Тохир Джуманов, Миразиз Мирзахмедов, Равшан Каримов, Жамшидбек Атабеков, Шамсиiddин Гиясов, Рустам Носиров, Турназар Бойматов, Забикхулло Муминов, Машрап Рабиев, Номоз Нормуродов, Бакхромжон Иногомов, Шухрат Усманов, Эркинжон Орипов, Нематулло Ибрагимовва кўплаб бошқалар киради. Нематулло Ибрагимов учта алоҳида ҳолатда “конституцияга хилоф фаолият”да (159-модда) айбланиб ҳукм қилинган. Маҳкум Аваз Тўхтаходжаевга 1999 йилдаги дастлабки ҳукмидан бўён қамоқ жазоси беш марта узайтирган.**

Иккинчидан, Ўзбекистонда диний маҳбусларга нисбатан ўта узоқ муддатли ҳукм чиқарилганлиги ёки чиқарилаётганланлиги мұҳим масала бўлиб қолмоқда. Каримов ҳукмронлиги даврида қамалган маҳбусларнинг ярми ёки ундан ҳам кўпи озод қилинди ёки афв этилди, аммо минглаб диний маҳбуслар ҳали ҳам қамоқда қолмоқда. Уларнинг салмоқли қисми 2000-йиллар бошида қамоққа олинган. Бугунги кунга келиб, бу маҳбуслар 20 йилдан отиқ жазони ўтаган. Гарчи маҳбусларнинг аксарияти Каримов даврига тегишли бўлса-да, Умар Бадалов (2017 йилда қўлга олинган), Муҳаммад Рашидов (2018) ва кўплаб бошқалари Мирзиёев президентлиги даврида қамоққа олинган. Сиёсий сабабларга кўра 2018-йил декабр ойида давлатга хиёнат қилишда айбланиб ҳибсга олинган собиқ дипломат **Қодир Юсуповнинг давом этаётган қамоқ жазоси дин эркинлиги ва инсон ҳуқуқларига жиҳатдан жиiddий ташвиш уйғотади, чунки у маҳбуслардан Рамазон ойида рўза тутишни талаб қилгани учун қасдан қамоқ жазосига ҳукм қилинган.**

Бу ерда тасвирланган 81 нафар алоҳида маҳбуснинг аксарияти диний сабабларга кўра чиқарилган ҳукмлар бўйича 15, 20 ёки ҳатто 25 йиллик жазони ўтаган, бу Ўзбекистоннинг диний маҳбусларини дунёда дин билан боғлиқ энг узоқ муддатга ҳукм қилинганлар қаторига кўяди. Бунинг ўзи, инсон ҳуқуқлари органларининг шошилинч эътиборини талаб қиласди.

Мисол учун, **Файзулла Агзамовнинг ишини олайлик. 2001 йилдан бўён жазони ўтаётган бу шахс, агар у ўз муддатини тўлиқ ўтаб бўлса, қамоқхонада 30 йил -**

эҳтимол дунёдаги сиёсий сабабларга кўра чиқарилган энг узоқ муддатли қамоқ жазосини ўтаган бўлади. Агар 1999 йилдан бери қамоқда сақланиб келаётган диний маҳбус **Аваз Тўхтаходжаев** ўзининг тўлиқ муддатини ўтаб бўлса, у қамоқхонада 25 йил ўтказган бўлади.

1999 йил декабр ойида ҳибсга олинган ва 2021 йил июн ойида озод қилинган собиқ диний маҳбус **Хабибулла Мадмаров** панжара ортида 21 йилдан ортиқ ўтказган.

Учинчидан, қийноқлар, судланишлар ва ҳукмларнинг давомийлиги билан бир қаторда, репрессиялар кўпинча бутун оиласларга таъсири қиласди ва бир неча авлодни қамраб олади. Умуман олганда, Каримов ҳукмронлиги даврида қамоққа олинган диний маҳбуслар бир неча авлод қариндошлари, кўпинча бевосита ака-ука ва опа-сингиллари, ота-оналари ёки фарзандлари билан биргалиқда жазога тортилган, бу эса жамоавий жазо туридир. Бу ҳодиса диний маҳбуслар **Файзулла Агзамов, Муҳаммад Рашидов, Равшан Игамбердиев, Искандар Искандаров** ва **Муҳамаджон Аҳмаджоновлар** нинг ҳолатларида кузатилади. Бошқа ҳолларда, баъзи диний маҳбуслар ҳибсга олинниб, ўз жазо муддатларини ўтаб бўлганларидан кейин йиллар ёки ўн йилликлар ўтгач ҳайратланарли даражада ўхшаш уйдирма айбловлар билан тақороран ҳибсга олинниб, ҳукм қилиниш учунгина озодликка чиқарилган ёки амнистия қилинган.

Тўртинчидан, тадқиқот Ўзбекистоннинг қолган диний маҳбусларининг кўпчилиги фақат тақиқланган гуруҳларга алоқадорлиги ёки зўравонлик ёки бошқа жиноий фаолият билан алоқадорлиги ҳақида ишончли далиллариз алоқадорлиқда гумон қилинганларни асосида узоқ муддатли жиноий жазоларни ўтаётганини тасдиқлайди. Ҳар йили “Ҳизб ут-Тахрир”га алоқадорликда гумон қилинган ўнлаб шахслар ҳибсга олинади. Аввалги, Каримов ҳукмронлиги даврида бўлгани каби, ҳукумат “Ҳизб ут-такрир” ва бошқа тақиқланган гуруҳларга тарафдорликда гумон қилинаётган шахсларни зўравонликка алоқадорлик ёки зўравонликка уринишнинг далиллари асосида эмас, балки уларнинг гумон қилинган гоялари асосида жиноий жавобгарликка тортишда давом этмоқда. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, ҳукумат радикал мағкура тарафдорлари деб ҳисобланиши мумкин бўлган оддий мусулмонларни фақат диний эътиқодларига асосланиб, зўравон экстремистлар деб ҳисоблайди.

Афв этиш тўгрисидаги расмий эълонларида ишлатиладиган жумлалардан равшан бўладики, диний маҳбуслар «йўлдан адашган» ёки «алданган» ёки ҳукуматнинг диний асосларга кўра қамоқ жазосига ҳукм қилишга оид ноаниқ ва ҳаддан отиқ сиёсатининг эмас, балки экстремистик гуруҳларнинг «қурбонлари»

бўлган одамлардир. Бу сўзлар Ўзбекистон тақиқданган гуруҳларнинг зўравонлик ҳаракатларини содир этмаган оддий аъзоларини қамоққа олаётгани ҳақидаги холосани янада кучайтиради. Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон ҳукумати сиёсати диний ёки сиёсий маҳбусларни, улар ўз айбига икror бўлиши шарти билан озод қилишдан иборат, бу эса кўп ҳолларда уларнинг диний эътиқодларини бузиши мумкин ва ҳукуматни биринчи навбатда, уларнинг ноқонуний қамалишини келтириб чиқарган аввалги ва ҳозирги муаммоларни текшириш зарурлигидан озод қиласди. Шубҳасиз, ҳукумат зудлик билан жиноий жавобгарлиги Ўзбекистон ҳукумати «экстремистик» ёки «террористик» деб ҳисоблайдиган гуруҳларга аъзоликка асосланган барча ҳолатларни бундай маҳбусларни озод қилиш мақсадида кўриб чиқиши керак.



Халқаро Ислом академияси, Тошкент, Ўзбекистон © Стив Свердлов, 2020 йил октябрь.

**Бешинчидан**, тадқиқот диний имонлиларга нисбатан репрессиялар трансмиллий ҳусусиятга эга эканлигини ҳам аниқлади. Ҳозирда қамоққа олинганларнинг аксарияти чет элдан мажбурий равишда, айрим ҳолларда тегишли ҳуқуқий тартиб ва инсон ҳуқуқлари бўйича бошқа нормаларига зид ҳолда қайтарилган. Бирлашган Араб Амирликларидан экстрадиция қилинган **Муҳамажон Акмалжон ўғли Аҳмаджонов** ва Россиядан меҳнат муҳожирлигидан қайтиб келганида ҳибсга олинган **Умар Бадалов** бундай шахслар жумласидандир. Собиқ диний маҳбуслар муаллифга чет элликлар ёки хорижий ҳукумат ёки ташкилот билан алоқаси кўпинча бундай ҳолатларда уларнинг мажбуrlанган уйдирма икror бўлишларида муайян рол ўйнагани билдиришган.

**Ниҳоят**, Ўзбекистоннинг ҳукумат ўн йилликлар давомида оддий диндорларни, шунингдек, сиёсий муҳолифларини жазолаш учун қўллаб келган жиноят ва маъмурий қонунлари Ўзбекистон Конституцияси ва Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги

Халқаро Пакт ва ҳуқуқий жиҳатдан мажбурий бўлган қатор бошқа халқаро ҳужжатларда кафолатланган дин ва виждан эркинлиги, сўз эркинлиги, шу жумладан, бошқалар билан учрашиб, диний маросимларни биргалиқда адо этиш, ўз эътиқодлари бўйича таълим олиш ва таълим бериш, шунингдек, диний адабиётларга эга бўлиш каби эркинликларга ҳақоратли чекловларини ўрнатади.

Жиноят кодексининг экстремизм ва терроризмнинг ноаниқ белгиланган тушунчаларидан иборат қоидаларининг мураккаб мажмую Ўзбекистоннинг виждан эркинлиги тўғрисидаги қонуни билан биргалиқда ҳукумат учун диндор ва бошқа шахсларни таъкиб қилишнинг оддий усули сифатида ҳукуматга хизмат қилди. Ўзбекистон Жиноят кодексининг кўплаб қоидлари, шу жумладан, 2021-йил март ойида таклиф қилинган ва “диний экстремизм” ва “конституцияга хилоф фаолият” га оид тузатишлар шунчалик ноаниқ ва ҳаддан ортиқи, улар инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқни бузади. Ушбу муаллиф ва “Мемориал” каби етакчи инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш гуруҳларининг фикрига кўра, демак, ушбу айловлар бўйича қамоққа олинган шахсларга нисбатан ҳукмлар ҳақиқий эмас ва бекор қилиниши ёки фақат шу асосда ҳақиқий эмас деб топилиши керак.

Ушбу ҳисобот нашрга тайёрланаётган пайтда, Ўзбекистон виждан эркинлиги тўғрисидаги қонунни ҳам, Жиноят кодексини ҳам янгилаш ва қайта кўриб чиқиш жараёнида эди, ўзгаришлар ўз мазмун-моҳиятига кўра ушбу масалаларга чуқур чекловчи ва жазолаш ёндашувини таъминловчи ўзбек ҳуқуқий базасини кам аҳамиятли ислоҳ қилишни таклиф этади. Бундан ташқари, 2021 йилнинг март ойида, президент сайловларидан етти ой олдин, президент мавжуд жиноий қонунларни амал қилиш доирасини ижтимоий тармоқлар платформаларига тарқатадиган ва “жамоат тартибсизликлари” учун жазони назарда тутадиган бир нечта қоидаларни ўз ичига олган қонунни имзолади. Бундай қоидалар виждан эркинлигини ва сўз эркинлигини янада чеклаб қўйиши ва мустақил мусулмонлар ва бошқаларни қамоққа олиш учун ишлатилиши мумкинлиги ҳақида жиiddий ташвиш мавжуд.

# ЎЗБЕКИСТОНДА ДИНИЙ ВА СИЁСИЙ МАҲБУСЛАРНИНГ БУГУНГИ СОНИ

## ҚАМОҚХОНАЛАР ВА МАҲБУСЛАР ҲАҚИДА РАСМИЙ МАЪЛУМОТ

Ўзбекистон жазони ижро этиш тизими Ички ишлар вазирлиги (ИИВ) ваколати доирасига киради ва Жазони ижро этиш Бош бошқармаси - ЖИЭББ (кўпинча унинг русча қисқартмаси ГУИН деб аталади) томонидан бошқарилади. 2020 йилнинг 22 май куни Вазирлар Маҳкамаси вазирликка жазони ижро этиш муассасалари ва тергов ҳибсоналарида сақланаётган шахслар сони; жазони ижро этиш муассасалари ва тергов ҳибсоналари сони; бундай жазони ижро этиш муассасаларида ишлаб чиқариладиган саноат товарлари турлари ва ишлаб чиқарилган товарларнинг пул қиймати тўғрисида маълумот; жазони ижро этиш муассасаларида ва тергов ҳибсоналарида сақланаётган шахслар орасида ўлимлар сони, ҳамда жазони ижро этиш муассасаларида ва тергов ҳибсоналарида сақланаётган шахслар орасида тиббий йўсиндаги мажбурий чоралар қўлланилаётган маҳбуслар сони тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиб бориш вазифасини юклайдиган қарор чиқарди.<sup>3</sup>

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг (316-сонли) қарорига асосан АҚШ элчихонасининг ходимлари ва ушбу муаллиф Ўзбекистон ЖИЭББ вакиллари билан учрашув ўтказишни сўрашди. 2020 йилнинг ноябр ойида ЖИЭББ раҳбари Баҳромбек Адилов Ўзбекистондаги диний ва сиёсий маҳбуслар сони тўғрисида маълумот алмашиш учун АҚШ элчихонаси муаллифи ва вакиллари билан учрашди.<sup>4</sup> Адиловнинг маълум қилишича, 2020 йилнинг 27 ноябрь ҳолатига жазони ижро этиш тизимида жами маҳбусларнинг сони 22 867 нафарни, ташкил этган, бу 2020 йилнинг август ойида эълон қилинган рақамга teng.<sup>5</sup>

Ўзбекистонда 43 қамоқхона ва 11 тергов ҳибсоналари мавжуд,<sup>6</sup> 43 та қамоқхонадан 18 таси “ёпиқ колониялар” (“зоналар” деб ҳам аталади) ва 25 таси очиқ турдаги, “манзил” колониялари - маҳкумлар жазонинг маълум фоизини ўтаганидан кейин ўтказиладиган, уларга қўпроқ шахсий автономия ва иш, учрашувлар ҳамда мулоқот имтиёzlари бериладиган муассасалардир.<sup>7</sup> (Ёпиқ турдаги колониялар ва манзил колониялар рўйхати А-иловада келтирилган)

Ёпиқ колониялар орасида умумий режимли, қаттиқ режимли ва “маҳсус” режимли қамоқхона сифатида белгиланган яна бир муассаса мавжуд.<sup>8</sup> Вазирлик аёл маҳбуслар учун алоҳида муассасани (Зангиота), шунингдек, вояга етмаганлар ва сил касалига чалинган шахслар учун алоҳида қамоқхоналарни бошқаради.<sup>9</sup> Ички ишлар вазирлигининг маълумотларига кўра, 2020 йил охирига келиб қамоқхоналар сигимидан 56 фоиз тўла бўлган. Ўзбекистоннинг 43 та жазони ижро этиш муассасаларидағи қарийб 23 000 маҳбусларнинг 14 000 дан зиёди 18 та ёпиқ колонияда ва 7000 дан зиёди 25 та манзил-колониялarda жазони ўтамоқда.<sup>10</sup>

Ёпиқ колонияларда маҳбуслар бутунги кунда ёпилган, фожиали танилган Жаслик колониясидаги каби алоҳида қамоқхона камераларда эмас, балки асосан баракларда — маҳбуслар яшайдиган ва катта умумий хоналарда ухладиган бино ёки бир нечта биноларда сақланади. Ўзбекистоннинг 25 та очиқ манзил колониялар бошқа тузилишга эга ва уларда камроқ маҳбуслар сақланади.

Ўзбекистонда озодликдан маҳрум этилганларнинг расмий 22 867 сони ҳар 100 000 фуқарога 67 маҳбусга тенгdir. Бироқ, бу рақамга Ўзбекистоннинг 11 та тергов ҳибсонасида, жумладан, Ўзбекистон Давлат хавфсизлик

<sup>3</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 майдаги 316-сонли қарори

Жазони ижро этиш Бош бошқармаси (ЖИЭББ) бошлиги Баҳромбек Адилов билан интервью, 2020 йил 27 ноябрь, Тошкент шаҳри.

<sup>5</sup> Шунингдек қаранг: “Ўзбекистонда маҳбуслар сони эълон қилинди”, [Kun.uz](https://kun.uz/ru/05654825), 2021 йил 17 январь. [В Узбекистане обнародовано количество заключённых]

Жазони ижро этиш Бош бошқармаси (ЖИЭББ) бошлиги Баҳромбек Адилов билан интервью, 2020 йил 27 ноябрь, Тошкент шаҳри.

Жазони ижро этиш Бош бошқармаси (ЖИЭББ) бошлиги Баҳромбек Адилов билан интервью, 2020 йил 27 ноябрь, Тошкент шаҳри.

<sup>8</sup> “Инсонпарварлик асосида: Ўзбекистон Республикасининг жазони ижро этиш тизими фаолияти”, *Narodnoe Slovo*, 2000 йил сентябр. “Умумий тартиб” тахминан минимал хавфсизликка, “қаттиқ тартиб” - ўртача хавфсизлик ва “маҳсус тартиб” - максимал хавфсизликка мос келади. Маҳкумнинг ҳукм қилинган тартиби маҳкумнинг судланганилигига ва содир этилган жиноятнинг турига боғлиқ ва маҳбуснинг имтиёzlари даражасини белгилайди.

<sup>9</sup> Id.

<sup>10</sup> Шунингдек қаранг: “Ўзбекистонда маҳбуслар сони эълон қилинди”, [Kun.uz](https://kun.uz/ru/05654825), 2021 йил 17 январь. [В Узбекистане обнародовано количество заключённых]

хизмати (ДХХ) га тегишли тергов изоляторларида сақданаётган шахслар кирмаган. Судгача хибсда сақданаётган шахсларнинг Ўзбекистон бўйича умумий ёки муассасалар кесимидағи сони тўғрисидаги расмий маълумотлар эълон қилинмаган.

Давлат ахборот агентлигига 2020 йил 15 август куни берган интервьюсида ички ишлар вазири Пўлат Бобожонов Ўзбекистон жазони ижро этиш тизими тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан қамоқхоналарда ва тергов ҳибсоналарида одамлар ўлими ҳақидағи маълумотлар расмий веб-сайтларда очик бўлиши кераклигини айтди. Бобожоновнинг таъкидлашича, шаффофлик тадқиқотчиларга Ўзбекистон қамоқхоналари ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлиш имконини беради ва шу билан уларнинг кейинги баҳоларини янада объектив қиласи. Вазир, шунингдек, илк бор Ўзбекистон қамоқхоналари 100 дан ортиқ турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш жойлари эканини очиқдан-очиқ тасдиқлади. Маҳбусларнинг қарийб 80 фоизи ишлаб чиқариш билан шугууланади ва уларга ходимнинг ихтинослашуви даражасига қараб, 70 дан 200 АҚШ долларигача бўлган ойлик иш ҳақи тўланади.

## КАРИМОВ ДАВРИДА ДИНИЙ МАҲБУСЛАРНИ БАҲОЛАШ

Ўзбекистон ҳукумати ҳибсга олиш ва қамоқ жазоларининг ҳақиқий сони борасида ҳеч қачон шаффоф бўлмаган. Ҳар ҳолда, 2005-йилдаги Андикон қирғинига қадар Ўзбекистонда жойлашган маҳаллий ҳуқуқ ҳимоячилари, халқаро инсон ҳуқуқлари ташкилотлари ва дипломатик ҳамжамият нисбатан аниқ маълумотларни тўплаши ва Ўзбекистон ҳукумати расмийларидан даврий брифингларни олишлари мумкин эди. Бироқ, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, 2005 йил май ойидан кейин ҳукумат тескари қараганидан ва оммавий ахборот воситалари ва халқаро инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш гуруҳларининг аксариятини мамлакатдан чиқариб юборилганидан сўнг бунинг имкони бўлмади.<sup>11</sup> Каримов ҳукмонронлигининг иккинчи ярмида, гувоҳлар деярли

қолмаган пайтда, расмий Тошкент диний ва сиёсий маҳбуслар ҳақида маълумот беришни тўхтатди.<sup>12</sup>

## 2016 ЙИЛГАЧА РАСМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Тошкент маҳбусларнинг умумий сони ёки “диний экстремизм” жиноятларида айбланган шахсларнинг аниқ сони тўғрисида ҳеч қачон расмий маълумот бермаган. 1999-йилда ҳукумат газеталаридан бири 10 700 нафар “диний ақидаларастлик тарафдорлари” маҳсус рўйхатга киритилганини ва маҳалла қўмиталари (туман кенгашлари) назорати остида бўлганини, 1570 киши ўз айбига икror бўлганини ва 2000 дан ортиги маъмурий жавобгарликка тортилганлигини маълум қилди.<sup>13</sup>

Бу ҳокимият полиция ёки хавфсизлик идоралари диний эътиқоднинг ташки ифода этилиши ёки тақиқланган диний гуруҳлар билан шубҳали алоқалар туфайли шубҳали деб ҳисобланган шахслар учун ишлаб чиқилган қора рўйхатларга дастлабки мурожаат эди. Кора рўйхатта тушиш одам ўзининг қаердалиги ва фаолияти ҳақида милицияяга вақти-вақти билан хабар бериш, тақиқланган диний амалиётларда ёки гуруҳларда иштирок этмасликка ваъда бериш зарурлиги, шунингдек, саёҳат қилиш ва иш борасида муайян чекловларга дуч келишини англатарди.

2000 йилнинг 5 сентябрида Олий суд вакили телевизион нутқида, “давлатга қарши жиноятлар” учун ҳукм қилинган маҳбуслар сони тахминан 2000 нафарни ташкил этаётгани ҳақида айтди.<sup>14</sup> Ички ишлар вазирилигининг Жазони ижро этиш Бош бошқармаси (ЖИЭББ) бошлиғи Михаил Гуревич 2001-йил октябрь ойида мамлакатда 3500 нафар “сиёсий маҳбуслар” борлигини айтди.<sup>15</sup> 2001 йилнинг июнь ойида Тошкентлик инсон ҳуқуқлари бўйича адвокат, ҳозирда марҳум ҳурматли Полина Браунерг Ўзбекистонда 4500 маҳбус диний сабабларга кўра қамоқца олинган, деб ҳисоблаган.

<sup>11</sup> Дипломатик вакилларнинг ўзгариши ва узоқдашишини АҚШ давлат департаментининг инсон ҳуқуқлари бўйича йиллик ҳисоботларининг таърифлари ва умумлаштирилшидан сезиш мумкин эди, улар жойлардаги эзхихонанинг бевосита интервьюларидан ва сиёсий маҳбуслар сонини баҳолашдан бошқа ташкилотлар ва инсон ҳуқуқлари ҳимоячиларининг “ҳисоботлари”дан иктибос келтиришга ўтди. Однинг йиллардан фарқли ўлароқ, 2005 ва 2006 йилларда чоп этилган инсон ҳуқуқлари бўйича йиллик мамлакат ҳисоботларида биринчи марта маҳкумлар орасида сиёсий фаоллар ва диндорлар сонини баҳолашни ўз ичига олмади. Америка Кўшима Штатлари давлат департаменти, АҚШ давлат департаментининг 2006 йилда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги амалиёт тўгерисида мамлакат ҳисоботи - Ўзбекистон, 2007 йил 6 марта, <https://www.refworld.org/docid/45f0569511.html>.

<sup>12</sup> “Гувоҳлар қолмади: Ўзбекистонда қийноқлар, Хабеас корпус ва мустақил ҳуқуқий касбни йўқ қилиш”, Human Rights Watch, 2011 <https://www.hrw.org/sites/default/files/reports/uzbekistan1211webcover.pdf>.

<sup>13</sup> Қаранг: А. Раҳматов, Огоҳлик - муқаддас бурҷ (“Огоҳлик”), Тошкент, 2000, 74 бет.

<sup>14</sup> Қаранг: “Ўзбекистонда сиёсий ва диний сабабларга кўра ҳибсга олинган ва ҳукм қилинган шахслар рўйхати: 1997 йил декабр - 2003 йил декабр”, “Мемориал” инсон ҳуқуқлари маркази, 2004 йил май, 10-бет.

<sup>15</sup> Гуревич баёнотида айтилишича, бу шахслар “ноқонуний диний ташкилотларга аъзолик” учун қамоқца олинган.



Ҳазрати Имом масжиди мажмуаси, Тошкент Стив Свердлов, 2020 йил ноябрь

Хукумат ва Браунергнинг рақамлари сунъий равища да камайтирилган кўринарди, чунки улар Ўзбекистоннинг барча худудларини, хукумат томонидан қўлланиладиган жиной айловларнинг кенг доирасини ва Россия, Қирғизистон ёки бошқа яқин давлатлардан экстрадиция қилинганидан кейин қўлга олинган ва уйдирма айловлар бўйича қамоқ жазосига ҳукм қилиниши мумкин бўлган шахсларнинг сонини ҳисобга олмаган. “Мемориал”га кўра, 2003 охирида келиб хукумат сиёсий ёки диний сабабларга кўра камида 5900 кишини қамоққа ташлаган.<sup>16</sup> 2004 йилда Хьюман Райтс Вотч хукумат томонидан олиб борилган диний таъқиблар кампанияси аллақачон 7000 кишини ҳибсга олиш, қийноққа солиш ва қамашга олиб келганини аниқлаган.<sup>17</sup> 2004 йилнинг март ойида хукумат экстремистик диний ташкилотларда иштирок этгани учун ҳукм қилинган 2836 нафар маҳбусларнинг мавжудлигини тан олди. АҚШ Давлат департаментининг ўша даврдаги баҳолари 5000-5500 кишини ташкил этди.

Андижондан сўнг, ахборотдан хабардор бўлишни қисқартириш натижасида АҚШ Давлат департаментининг инсон хукуқлари бўйича йиллик ҳисоботларида тавсифларнинг ўзгариши ва кўпроқ умумлаштириш сезилади. Хабарлар жойлардаги элчинонанинг бевосита интервюларидан ва сиёсий маҳбуслар сонини баҳолашдан бошқа ташкилотлар ва

инсон хукуқлари ҳимоячиларининг “ҳисоботлари”дан иқтиbos келтиришга ўтди.<sup>18</sup> Олдинги йиллардан фарқли ўлароқ, 2005 ва 2006 йилларда чоп этилган инсон хукуқлари бўйича йиллик мамлакат ҳисоботларида биринчи марта маҳкумлар орасида сиёсий фаоллар ва диндорлар сонини баҳолашни ўз ичига олмади.<sup>19</sup>

2010 йилга келиб БМТ Инсон хукуқлари бўйича кўмитасига Ўзбекистон ҳукуматининг расмий ҳисоботида қарийб 1400-1700 киши 159, 244-1 ва 244-2-моддалар бўйича жазони ўтаётганлиги тўғрисида жуда ноёб тан олиш ўрин тутди. “Мемориал” бу фикрни шубҳа остига қўйди ва бу ҳақиқий рақамдан анча камроқ эканлигини айтди. Энг юқори рақамлар 2014 йил июл ойида ҳукуқ ҳимоячиси марҳум Сурат Икромов бошчилигидаги мустақил ҳукуқ ҳимоячиларининг ташаббус гурӯҳи томонидан қайд этилган, унда кўра, диний маҳбусларнинг умумий сони таҳминан 12 000 кишини ташкил этган ва 2013 йилнинг ўзида 200 дан ортиқ янги маҳбуслар ҳукм қилинган.



Ҳукуқ ҳимоячиси ва дин эркинлиги бўйича эксперт Сурат Икромов (ўнгда) 2021 йил 3 майда вафот этди. 2020 йилнинг сентябрь ойида у озод қилинган диний маҳбус ва таниқли руҳоний Руҳиддин Фахритдинов билан бу киши озод қилинганидан кейин ойнинг бошида учрашди © Сурат Икромов, 2020 йил сентябрь.

<sup>16</sup> “Ўзбекистон: авторитар Президент Каримов вафот этгани эълон қилинди”, Хьюман Райтс Вотч, 2016 йил 2 сентябрь, <https://www.hrw.org/news/2016/09/02/uzbekistan-authoritarian-president-karimov-reported-dead#:~:text=By%20the%20end%20of%202003,of%20new%20arrests%20each%20year>.

<sup>17</sup> “Давлат душманларини яратиш: Ўзбекистонда диний таъқиблар”, Хьюман Райтс Вотч, 2004 йил 29 марта, 111-бет, <http://www.hrw.org/reports/2004/03/29/creating-enemies-state>.

<sup>18</sup> Америка Кўшима Штатлари давлат департаменти, АҚШ Давлат департаментининг 2006 йилда инсон хукуқлари соҳасидаги амалиёт тўгерисида мамлакат ҳисоботи - Ўзбекистон, 2007 йил 6 март, <https://www.refworld.org/docid/45f0569511.html>. ИҚТИБОС - Мемориал, “Шу нунктан назардан, биз АҚШ Давлат департаментининг 2010 йилда дин эркинлиги, Ўзбекистон тўғрисидаги ҳисоботида келтирилган баёнотларга кўшилмаймиз”, ўтган йиллардан фарқли ўлароқ, ишончли маълумотлар бўлмаган... ҳукумат диний экстремизмга тақиқланган ташкилотларнинг аъзолари бўлмаган мўтади диндорларни таъқиб қилиш учун сабаб сифатида мурожаат қилимоча”. Бундай байёнот, “тақиқланган гурӯҳларга” даҳдорлик айловларини олдиндан асосли эканлигини ва барча маҳкумларнинг кўпинча “ҳаддан ташкари диндорлик”га эга эканлигини эътироф этиб, деярди ҳукуматнинг репрессив ҳаракатларини оқлади. Аслида, 2009-2010 йилларда “тақиқланган ташкилотлар”га алоқадорлиги ҳақидаги айловлар асосан ўзбошимчалик билан амалга оширилди ва ҳам рафикал, ҳам мўтади диндорлар таъқиблар курбоналари бўди”.

<sup>19</sup> Америка Кўшима Штатлари давлат департаменти, АҚШ Давлат департаментининг 2006 йилда инсон хукуқлари соҳасидаги амалиёт тўгерисида мамлакат ҳисоботи - Ўзбекистон, 2007 йил 6 март, <https://www.refworld.org/docid/45f0569511.html>.

## ХИЗБ-УТ-ТАҲРИР, ВАҲҲОБИЙЛАР ВА БОШҚА ДЕМОГРАФИК ГУРУҲЛАР

Сўнгги икки ўн йиллик давомида Ўзбекистондаги диний ва сиёсий маҳбусларнинг ярмидан кўпига, одатда, ҳақиқат бўлиши ёки бўйамаслигидан қатъи назар “Хизб-ут-таҳрир” (Озодлик партияси) тарафдори” тамғаси босилар эди, бу. Ушбу ҳисоботда баён этилган ўнлаб диний маҳбуслар, жумладан, Аваз Тўхтаходжаев, Тоҳир Жуманов ва Жаҳонгир Камолов дастлаб гуруҳга аъзоликда гумон қилиниб қамоққа олинган. 1953 йилда Қудусда сиёсий ташкилот сифатида Ислом олими Таки Ад-дин Ал-Набҳани томонидан ташкил этилган “Хизб-ут таҳрир” панисломий халифалигини яратиш, шунингдек, унинг тақводор ислом амалиёти талқинига риоя қилиш тарафдори бўлган диний ташкилотdir.

Гуруҳнинг таълимоти бу мақсадга эришишда зўравонликни рад этади. Ўзбекистонда тақиқланган, 2000-йиллар бошидан бўён ушбу гуруҳга тегишли бўлган минглаб кишилар қамоққа олинган. Ҳукумат томонидан “Хизб-ут-таҳрир” нинг таъқиб қилиниши заминида ушбу гуруҳ томонидан исломий ҳукуматнинг муқобил шаклини қўллаб-қувватлаши давлатни ағдаришга бевосита ундаш эканлиги тўғрисидаги фикр ётади. Ўзбекистон ҳукумати кўпинча Ўзбекистон Ислом ҳаракати (ИДУ) ва “Хизб-ут-таҳрир” ваҳҳобийлар деб аталадиганлар билан биргалиқда ягона ҳаракат ташкил этишини таъкидлаган, бироқ у буни тасдиқлайдиган ҳар қандай мoddий далилларни ҳеч қачон келтирмаган. Бундан ташқари, ҳукумат “Хизб-ут-Таҳрир” исломий давлат фойдасига таълимотларини экстремистик деб ҳисоблайди, аммо унинг аъзолари зўравонлик ёки бошқа жиноий фаолиятда иштирок этганлиги ёки қўллаб-қувватлаганлигининг ишончли далилларни келтирмаган.<sup>20</sup>

Ушбу муаллифнинг суд қарорлари таҳдили шуни кўрсатадики, “Хизб-ут-таҳрир” нинг ҳақиқий ва тахмин қилинган аъзолари елкасига Каримовнинг динга нисбатан қатағонларининг энг оғир юки тушган.<sup>21</sup> Бироқ, ҳукумат гуруҳларининг кенгроқ доирасини “ваҳҳобий” деб ҳисоблаган.<sup>22</sup> Уларнинг барчаси, жумладан, Ислом

уйғониши партиясининг, Адолат, Ислом лашкарлари (“Ислом қўшинлари”), Товбаларнинг собиқ аъзолари, ИДУнинг гумонланган аъзолари ва Намангандаги 1991 йил декабрь ойида исломдан илҳомланган тўқнашувларда иштирок этишда гумон қилинганлар, қамоққа олиш обьектига айланди. Бу даврда ҳибса олинганларнинг камчилиги “Ақромия”, “Нур” ва “Таблиги Жамаат” деб номланадиган ҳаракатларнинг аъзолари бўлган.

Ҳибса олишнинг изчил тўлқинлари мамлакатнинг барча ҳудударидан бўлган одамларни қамраб олган бўлсада, ҳибса олинганларнинг аксарияти Тошкент ва Тошкент вилоятидан, шунингдек, Фарғона водийсининг Андижон, Намангандаги Фарғона вилоятларидан эди. Шуниси эътиборга лойиқки, диний сабабларга кўра чиқарилган ҳукмларнинг 84 фоизи 159-модда бўйича “конституцияга хилоф фаолият” учун айбловлар билан боғлиқ.<sup>23</sup> Диний маҳбуслар орасида бошқа асосий айбловлар 216-модда (ноқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотларни ташкил қилиш), 244-1-модда (жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид солувчи материалларни тарқатиш) ва 244-2-модда (диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотларни ташкил этиш, бошқариш ва уларда иштирок этиш) лардан иборат. Ўзбекистонда террорчиллик сифатида тақиқланган ёки белгиланган гуруҳлар рўйхати Б иловада келтирилган.

Минглаб маҳбусларнинг аксарияти мустақил мусулмонлар эди, аммо ўнлаб одамлар тинч мухолифат фаоллари, журналистлар ва ҳуқуқ ҳимоячилари эди. Каримов ҳукмронлиги даврида жуда кам насронийлар қамоққа олинган, аммо уларнинг юзлаб вакиллари рейдлар ва маъмурий жазоларга дуч келган.<sup>24</sup>

## 2016 ЙИЛДАН КЕЙИН ДИНИЙ ВА СИЁСИЙ МАҲБУСЛАРНИ АФВ ЭТИШ

Собиқ президент Каримов вафотидан сўнг Ўзбекистон ҳукумати озод этилган маҳбусларнинг сони ва тоифалари тўғрисидаги маълумотларни кўпроқ ошкор қила бошлади. Бироқ, тақдим этилган маълумот ҳали ҳам тўлиқ эмас, эпизодик ва баъзан зиддиятли ҳамдир.

<sup>20</sup> Виталий Пономарёв, “Ўзбекистонда сиёсий ёки диний сабабларга кўра ҳибса олинган шахслар рўйхати (2004 йил январь - 2008 йил декабрь)” (Москва: Мемориал инсон ҳукуқлари маркази, 2009), 10-бет.

<sup>21</sup> Мемориалнинг Марказий Осиё бўйича эксперти Виталий Пономарёв мустақил мусулмонларнинг бостирилиши диндор мўмнилар орасида таъқиб қилиш туйгусини кучайтириб, имонлиларнинг янада кўргонини Ўзбекистон Ислом ҳаракати (ИДУ) каби яширин, руҳсат этилмаган ёки ҳатто радикал мағкураларга мажбурлашиб, бузгунчи таъсир кўрсатганини таъкидлайди. Эҳтимол, расмийларнинг ҳаракатлари, беихтиёр “Хизб-ут-таҳрир” сафини янада кенгайтириди.

<sup>22</sup> Ўзбекистон қонунчилигида ваҳҳобийликнинг аниқ таътифи мавқуд эмас. Амада, ҳукумат соқол кўйиган ёки “шубҳали масжидлар”— биринчи навбатда, уларнинг имомларини давлат томонидан буюрилган ваъз айтишларни рад этишгани учун 1994-йилдан 1998-йилгача ёшилган масжидларнинг жамоати бўлган одамларни ҳибса олган.

<sup>23</sup> “Ўзбекистонда сиёсий ва диний сабабларга кўра ҳибса олинган ва ҳукм қилинган шахслар рўйхати: 1997 йил декабрь - 2003 йил декабрь”, “Мемориал” инсон ҳукуқлари маркази 2004 йил май.

<sup>24</sup> 1999 йилдан 2000 йилгача бўлган даврда ҳукумат тўққизга насроний маҳбусни озод қилди. Қаранг: “Давлат душманларини яратиш: Ўзбекистонда диний таъқиблар”, Ҳьюман Райтс Вотч, 2004 йил

2016-йилнинг сентябрь ойидан бошлаб Президент Мирзиёев афв этиш тўғрисидаги бир қатор фармонларни чиқарди ва улар маҳбусларнинг умумий сонини сезиларли даражада камайтириди. Сиёсатдаги қатъий ўзгаришларни тасдиқлаш учун қўшимча тадқиқотлар талаб этилса-да, президент Мирзиёев маҳбусларнинг гурухларига амнистия қўллаган ўтмишдошидан фарқли ўлароқ, бунинг ўрнига фақат жазо муддатини қисқартириш ва маҳбусларни озод қилиш учун афв этиш президентлик ҳуқуқига таянган кўринади.

Ушбу ўзгариш бир неча сабабларга кўра эътиборга лойик. Бир томондан, Ислом Каримов томонидан эълон қилинган амнистиядан деярли ҳар доим чиқарби юборилган диний маҳбусларни озод қилиш учун Президент томонидан афв этиш ҳуқуқидан фойдаланиш, албатта, ижобий воқеа бўлди. Бироқ, бошқа томондан, қуидаги параграфларда батафсил муҳокама этилганидек, Ўзбекистонда афв этиш ҳуқуқидан фойдаланиш муаммоли, чунки у ҳукумат томонидан ҳибсга олиш ёки ҳукм қилишнинг ноқонуни хусусиятини тан олишга эмас, балки маҳбусларнинг ўз айбига иқрор бўлишига боғлиқ.

Расмий статистика маълумотларига кўра, Ўзбекистон қамоқоналарида маҳбусларнинг умумий сони 2014-йилдаги 44 000 маҳбусдан 2020-йил охирида 22 867 нафаргача, яъни олти йил ичида қарийб 50 фоизга камайди. Афсуски, Ички ишлар вазирлиги, аввалгилик, озод этилган айрим маҳбусларнинг аниқ тафсилотлари ёки айловларнинг аниқ тоифалари тўғрисида маълумот беришдан бош тортмоқда. Шундай бўлсада, ҳукуматнинг афв этиш тўғрисидаги эълонларида, одатда, “диний экстремизм” ёки “тақиқланган диний ташкилотлар” га аъзоликда айланган маҳбуслар тўғрисида гап боради — бу сиёсий ёки диний сабабларга кўра айловларнинг кенг кўламини ўз ичига олади.<sup>25</sup>

Масалан, 2020-йил 26-август куни Ички ишлар вазирлиги матбуот хизмати томонидан айрим маҳбуслар 2020-йил сентябрь ойида Мустақиллик куни муносабати билан афв этилиши ёки озод қилиниши ҳақида хабар берилган видеони эълон қилди.<sup>26</sup> Ташқи ишлар

вазирлиги, кўплаб афв этилганлар “диний экстремизм” айлови билан ҳукм қилинганлигини таъкидлади. Видеода ва унга боғлиқ матбуот хабарларида ҳукумат 2016-йилда Каримов вафотидан кейин 4500 нафар маҳбусни, шу жумладан, 1584 нафар диний маҳбусни озод қилган ёки афв этганлиги эълон қилинди (улардан 1215 нафари озод қилинди, 369 нафарига эса жазо енгиллаштирилди). 2020-йил 27-август куни мамлакатнинг мустақиллиги куни арафасида яна 113 нафар маҳбус, жумладан, 105 нафар диний маҳбус афв этилди. 7 декабрь 2020, Конституция кунини нишонлаш муносабати билан ҳукумат 104 маҳбусларини, шу жумладан 21 нафар диний маҳбусларини, сўнгра март ойининг охирида Наврӯз байрамини нишонлаш муносабати билан 14 нафар диний маҳбусларини озод қилди.<sup>27</sup> 2021 йил май ойида, Муқаддас Рамазон ойининг охирини нишонлайдиган Исломий байрам - Ийд Ал-Фitr арафасида, Президент Мирзиёев 100 та маҳбусларини афв этди, улардан, давлат оммавий ахборот воситаларига кўра, фақат учта маҳбус қамоқдан озод қилинди, 43 таси шартли равишда озод қилинди ва ўнта маҳқумнинг жазоси енгилроқ жазо билан алмаштириди. Баёнотда айтилишича, озод этилган ва жазо муддатлари қисқартирилган шахслар орасида 52 нафари “тақиқланган гурухлар” фаолиятида иштирок этиш учун ҳукм қилинган. Шундай қилиб, 2016-йилдан бўён озод қилинган ёки жазо муддатлари қисқартирилган диний маҳбусларнинг умумий сони 1776 га этиди.

Ушбу эълонларда келтирилган умумий маълумотларни ҳисобга олган ҳолда, тахминан 1800 нафар маҳбуслар охириги тўрт ярим йил ичида Мирзиёев президентлиги давомида озод қилинганларнинг умумий сонини акс эттирадими-йўқми аниқлаш қийин. Бундан ташқари, расмийлар афв этилгани туфайли озод бўлганлар эмас, балки, озод қилинган бир неча таниқли ҳуқуқ ҳимоячилари билан содир бўлгани каби, янги суд қарорига биноан айловлари енгиллаштирилиши туфайли озод этилган диний ва сиёсий маҳбуслар сонига аниқлик киритмадилар.<sup>28</sup> Бироқ, улар озодликка чиқариш даражаси ва изчил тўлқинлар пайтида афв

<sup>25</sup> Карапп: “Сўнгги афв этиш билан Ўзбекистон экстремистлар томонидан алданиб қолганларни қайта тиклашга давом этмоқда”, Карвон сарой, Максим Енисеев, 2019 йил 10 декабр, [https://central.asia-news.com/en\\_GB/articles/cnmi\\_ca/features/2019/12/10/feature-01](https://central.asia-news.com/en_GB/articles/cnmi_ca/features/2019/12/10/feature-01).

<sup>26</sup> Видео талабга кўра тақдим этилади.

<sup>27</sup> АКШ давлат департаменти, Халқаро диний эркинлик бошқармаси, Twitter-даги хабар, 2021 йил 26 марта, <https://twitter.com/StateIRF/status/1375499540283949058>.

<sup>28</sup> “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабула қилинганлигининг 25 йиллиги муносабати билан жазони ижро этиш муассасасида жазони ўтайдиган маҳкумларни афв этиш тўғрисидаги материалларни тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида”, Президент, 2017-йил 10-февраль [О мерах по подготовке материалов о помиловании осужденных, отбывающих наказание в учреждении для исполнения наказаний, в связи с 25-летием принятия Конституции Республики Узбекистан], - Президент, <https://president.uz/ru/lists/view/1095>;

Шавкат Мирзиёев 104 нафар маҳбусни афв этди, [Kun.uz](https://kun.uz/), 2020 йил 12 июль. [«Шавкат Мирзиёев помиловал 104 осужденных»] <https://kun.uz/ru/news/2020/12/07/shavkat-mirziyoyev-pomiloval-104-osujdennyx>;

“Мен тўхтамайман”, Андрей Кубатининг синглиси - қўйноқдар учун товоғ, апелляция тўғрисида [Gazeta.uz](https://www.gazeta.uz/ru/2020/12/14/kubatin/) 14 декабрь 2020 йил [«Я не остановлюсь, сестра Андрея Кубатина, о компенсации за пытки, апелляция»] <https://www.gazeta.uz/ru/2020/12/14/kubatin/>.

этилган маҳбуслар гуруҳларининг сони ҳақидаги маълумотларга муайян ойдинлик киритади.

Ўзбекистон қонунчилигида диний экстремизм айлови билан ҳукм қилинган маҳбусларнинг ишларини кўриб чиқиш учун қамоқхона матьмуряти, хавфсизлик хизматлари, Президент матьмуряти, Бош прокуратура ва Олий суд вакилларидан иборат комиссия назарда тутилган.<sup>29</sup> Яна бир бошқа комиссия “адашиб тақиқланган ташкилотларнинг аъзолари бўлиб қолган” шахсларнинг илтимосларини кўриб чиқади. Ушбу комиссиялар Президент Аппаратига ўз тавсиялари орқали фуқароларни ҳар қандай жиноий жавобгарликдан озод қилиш ҳуқуқига эга ва Ўзбекистонда давом этажтан диний ва сиёсий маҳбусларни озодлиқдан маҳрум этиш амалиётини қисқартириш ёки йўқ қилишда фаол рол ўйнайди. Бироқ, ҳозирги маҳбусларнинг фаоллари, адвокатлари ва қариндошлари, комиссиялар кўриб чиқадиган кўп ҳолларда бу кучдан фойдаланмасликлари ҳақида хабар беришади.<sup>30</sup> Тошкентнинг 2017-йилдан кейин ҳалқаро инсон ҳуқуқлари гуруҳлари билан алоқалари кенгайтирилгач, адвокатлар комиссиялар доимий равиша ўз таркибиға фуқаролик жамияти ва парламент вакилларини киритишини ва ўз ишларини янада ошкор этиб, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон мажбуриятларига аниқ ҳавола қилиб амалга оширишини тавсия қилдилар.<sup>31</sup> Ижобий воқеа сифатида, Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссари бошқармаси ушбу муаллифга 2020 йилдан бўён Омбудсман энди Президент матьмурятининг афв этиш масалаларини кўриб чиқадиган ва тавсия қиладиган комиссия таркибиға кирганлигини маълум қилди.<sup>32</sup>

2020 йилнинг октябрь ойида муаллиф ҳукуматга сиёсий ёки диний сабабларга кўра айловлар билан боғлиқ, шу жумладан 155, 156, 157, 158, 159, 216, 216(1), 216(2), 221, 223, 242, 244, 244-1, 244-2-моддалар бўйича жазони ўтажтан маҳбуслар сони тўғрисида батафсил сўровнома юборди.<sup>33</sup> Сўровномада (С иловасини қаранг) ҳукуматдан 2016-йил сентябрь ойидан бўён бундай айловлар эълон қилинганидан кейин озод қилинган, афв этилган,

амнистия қилинган ёки бошқа сабабларга кўра озод қилинган шахслар сонини маълум қилиш сўралди.

Бунга жавобан, ҳукумат тегишли давлат муассасаларининг кенг доираси билан учрашувларни ташкил этишга рози бўлди. Бироқ, у муаллифнинг сўровномасига, маҳфийлик ва миллий хавфсизлик тўғрисида важ келтириб, ёзма равишда жавоб бермади. Шу билан бирга, расмий учрашувлар чоғида ЖИЭББ Ўзбекистонда жами маҳбуслар сонини тақдим этди (2020 йилнинг ноябрь ойи ҳолатига кўра - 22 867 нафар) ва ҳар бир қамоқхона муассасасининг номлари ва жойлари рўйхатини тақдим этди.<sup>34</sup>

Бошқа расмий манбалар сиёсий ёки диний айловлар билан қамоққа олингандарнинг ҳозирги сони тасаввур қилиш имконини беради. 2020-йил ноябрь ойида Олий Мажлис Сенати, юқори палатасининг тўққизинчи ялпи мажлисида Сенатнинг мудофаа ва хавфсизлик қўмитаси раиси Кутбиддин Бурҳонов Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси (2017-2021-йиллар) ҳақида маъруза қилди.<sup>35</sup> Давлат дастурининг 251-моддасида «диний экстремизм гоялари қурбонига айланган фуқароларни ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш» тизимини яратиш борасидаги саъй-ҳаракатлар муҳокама қилинади.

Бурҳоновнинг сўзларига кўра, ҳукумат диний ҳаракатларнинг «таъсири остида адашган», ўз қилмишларидан «тавба қилган» ва тузатиш йўлида қатъий турган маҳбусларни афв этишга алоҳида эътибор беради. Давлат дастури «диний экстремизмга жалб қилинган фуқароларнинг соглом ҳаётга қайтиш, шунингдек, уларнинг ижтимоий муаммоларини аниқлаш ва ҳал қилиш ва аҳоли ўртасида заرارли диний гояларни тарқатишнинг олдини олиш»га қаратилган.<sup>36</sup> Бундан ташқари, дастур озод этилган маҳбусларнинг ушбу тоифасини иш билан таъминлаш, таълим ва ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган.

Ташқи ишлар вазирлиги томонидан эълон қилинган юқоридаги рақамларга кўра, Бурҳонов президентнинг

<sup>29</sup> Бош прокурор ўринбосари Светлана Ортикова билан интервью, Тошкент, 25 ноябрь, 2020 йил.

<sup>30</sup> Адвокат Сергей Маёров билан интервью, Тошкент, 2020 йил 24 ноябрь; Татьяна Довлатова билан интервью, Тошкент, 2021 йил 8 декабрь; “Саида С.” билан интервью, Фарғона, 2020 йил 5 декабрь.

<sup>31</sup> Стив Свердлов, “Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари учун Наврӯзга мухтож”, *The Diplomat*, 2021 йил 1 март, <https://thediplomat.com/2021/03/uzbekistan-needs-a-navruz-for-human-rights/>.

<sup>32</sup> Инсон ҳуқуқлари бўйича сабиқ вакил Үлугбек Мұхаммадиев билан интервью, Тошкент, 2020 йил 19 ноябрь.

<sup>33</sup> Қаранг: С илова

<sup>34</sup> Қаранг: А илова

<sup>35</sup> “Ўзбекистонда “терроризм ва диний экстремизм гоялари учун қанча одам “кечирим сўрамаганлиги” маълум бўлди”, [Стало известно, сколько человек в Узбекистане не «раскаялись» за идеи терроризма и религиозного экстремизма.

Сообщается, что данные лица находятся в местах заключения и не отказываются от своих идей] [repost.uz](https://repost.uz/ne-otkazalis), November 22, 2020, <https://repost.uz/ne-otkazalis>.

<sup>36</sup> Id.

фармонлари 4611 нафар маҳбусларини афв этишга олиб келди. Унинг сўзларига кўра, 2020 йил ноябрь ойидан бошлаб терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноятлар учун қамоққа олинган 750 киши «тузатиш йўли» га кирмаган ва ўз ғояларидан воз кечмаган.<sup>37</sup> Бурҳоновнинг баёнотида айтилишича, ҳозирги кунда Ўзбекистонда камида 750 киши 244 ва 159-моддалари каби диний экстремизм билан боғлиқ айблолар бўйича қамоққа олинган.

Ушбу расмий эълонларида ишлатиладиган жумлалардан равшан бўладики, диний маҳбуслар ҳукуматнинг диний асосларга кўра қамоқ жазосига ҳукм қилишга оид ноаниқ ва ҳаддан ортиқ сиёсатининг эмас, балки экстремистик гуруҳларнинг қурбонлари ёки алданганлар бўлган.

### АФВ ЭТИШ ВА (ЗЎРАВОНИКСИЗ) ЭКСТРЕМИЗМ

Бурҳоновнинг бу 750 маҳбуслар ўз қарашларини инкор этмаганлар ва ўзларининг нотўғри хатти-ҳаракатларини тан олмаганлар эканлиги ҳақидаги сўзлари ҳолатга ойдинлик киритмоқда. Биринчидан, бу Каримов даврида бўлгани каби, ҳозирги ҳукумат ҳам «Ҳизб-ут-тахрир» ва бошқа тақиқланган гуруҳларнинг тарафдорларини зўравонлик ёки зўравонликка уринишнинг исботдалиллари эмас, балки уларнинг ғоялари асосида жиноятчи деб ҳисоблайди. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, ҳукумат радикал мафкура тарафдорлари деб ҳисобланиши мумкин бўлган оддий мусулмонларни фақат диний эътиқодларига асосланиб, зўравон экстремистлар деб ҳисоблайди. Ушбу сўзлар Ўзбекистон зўравонлик ҳаракатларини содир этмаган тақиқланган гуруҳларнинг оддий аъзоларини қамоққа олишда давом етадиган ҳақидаги хуносани тасдиқлайди. Иккинчидан, бу ҳукуматнинг бугунги сиёсати диний ёки сиёсий маҳбусларни, улар ўз айбига иқрор бўлиши шарти билан озод қилишдан иборат эканлигини тасдиқлайди, бу эса кўп ҳолларда уларнинг диний эътиқодларини бузиши мумкин ва ҳукуматни биринчи навбатда, уларнинг ноқонуний қамалишини келтириб чиқарган аввалги ва ҳозирги муаммоларни текшириш зарурлигидан озод қиласи.

Марғилонлик инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси Аҳмаджон Мадмаровнинг ўғли, собиқ диний маҳбус ва мустақил мусулмон Ҳабибулла Мадмаровнинг иши бундай сиёсатнинг давом этаётганинг яхши намунасиdir - бу киши «конституциявий тузумни ағдаришга уриниш»да (159-модда (3) (б)), (216-модда), (244 (1) (3) (а)) ва (244 (2) - модда) айбланиб, тўққиз йилга озодликдан маҳрум

етишга ҳукм қилинган, ҳукм кейинчалик 27 йилгacha ўзбошимчалик билан узайтирилган. Мадмаровнинг 21 йиллик қамоқда сақланиши давомида ҳукумат уни зўравонликка ёки у билан боғлиқ жиноятларга алоқадорлиги ҳақида ҳеч қандай ишончли далиллар келтирмади. У ўзининг айбисзилигини таъкидлаб келган бўлса-да, 2004 йилда қамоқхона мулозимлари унга «кечирим» сўраши учун босим ўтказдилар.



Собиқ диний маҳбус Ҳабибулла Мадмаров, 1999-йил декабридан 2021-йил июнига қадар қамоққа олинган, экстремизмда уйдирилган айблолар бўйича 21 йилдан ортиқ вақт давомида озодликдан маҳрум этилган. Ушбу фотосуратда у хибсга олинишидан бир оз олдин (ноутбук экранида) ва озод қилинганидан бир ҳафта кейин тасвиранганди.

© Стив Свердлов, Марғилон, июль, 2021 йил.

Ўша пайтда Рафиқ Абдуллаев исмли қамоқхона вакили Мадмаровга «афв этиш» ҳақидаги баёнотни имзолаши учун босим ўтказди ва Мадмаров озодлик истиқболи эвазига беихтиёр рози бўлди. Баёнот имзолангандан сўнг, Абдуллаев уни чақириб, озод қилишнинг шарти сифатида ароқ ичиш ва чўчқа гўштини истеъмол қилишни буорди-бу унинг содик мусулмон сифатида эътиқодини бузадиган амалиёт эди. Ушбу шартлар баъзи қамоқхона амалдорлари маҳбуснинг ҳаётини тўлиқ назорат қилишини намойиш этиш учун фойдаланган психологик босим шакли бўлган. Шу муносабат билан қамоқхона ходимлари Мадмаровни калтакладилар ҳам. Охир-оқибат, Мадмаровга нисбатан «экстремизм»да яққол уйдирма айблолар билан қамоқхонада бўлиб ўтган ёпиқ суддан кейин яна бир бор кўргазмали ҳукм чиқарилди. 2021 йил июн ойида 21 йиллик ноқонуний қамоқ жазоси ва уни озод қилиш бўйича кенг қамровли халқаро кампаниядан сўнг, Мадмаров ниҳоят озод қилинди. 2021 йил июл ойида Марғилондаги уйида ушбу муаллиф билан учрашган Мадмаров шундай деди: «Мен бу йиллар давомида имоним ва оиласминг менинг

<sup>37</sup> Id.

номимдан адолатни излашга бўлган чексиз қатъяти туфайли омон қолдим». Мадмаров ўз номини оқлаш истаги ва расмий реабилитацияга умид қилаётгани ҳақида билдири.

Бундай амалиётнинг яна бир мисоли - собиқ диний маҳбус Хайрулло Турсунов, 46 ёш, Қозогистондан экстрадиция қилинган ва 2013 йилда Бухоро вилоятида Қуръонни ўрганиш учун давлатнинг руҳсатисиз хусусий равишда бошқа мусулмонлар билан учрашганлиги учун экстремизмда айбланиб, 16 йилга озодликдан маҳрум этилган.<sup>38</sup> 2018 йилда Турсуновнинг оиласи уни афв этишни сўраб президентга мурожаат қилишга кўндиришга уринишганини айтди. Аммо Қоровулбозор меҳнат лагерининг ходимлари унга «мактуб ёёсангиз ҳам, бу сизга ёрдам бермайди, ҳеч ким сизни қўйиб юбормайди», деб айтишган.<sup>39</sup> Оила аъзолари, шунингдек, қамоқхона ходимлари Турсуновни 2019 йилнинг 17 апрель куни қийноққа согланини хабар қилиши.<sup>40</sup> Турсуновни озод қилиш учун ташкил этилган халқаро кампаниядан сўнг Тошкент уни 2021 йил июнь ойида озодликка чиқарди. Унинг тўлиқ ва дарҳол реабилитациясини таъминлаш керак.

## ЎЗБЕКИСТОН ДИНИЙ ВА СИЁСИЙ МАҲБУСЛАР СОНИНИ НОРАСМИЙ БАҲОЛАШ

Яқинда озод этилган диний ва сиёсий маҳбуслар, ҳозирги маҳбусларнинг қариндошлари, жиноят ишлари бўйича адвокатлар ва ушбу муаллиф сұхбатлашган ҳуқуқ ҳимоячилари оммавий ахборотнинг мавжуд эмаслигига қарамасдан, ҳозирги сиёсий ва диний маҳбусларнинг сони ҳақида ўзларининг энг яхши баҳоларини тақдим этдилар.

Уларнинг баҳолашлари бир нечта қамоқхоналарда шахсий тажрибага ва ҳозирги маҳбуслар билан бевосита алоқада бўлишга асосланган. Йигирма беш нафар респондент Ўзбекистоннинг 43 та қамоқхонасининг ҳар бирида, шу жумладан, ёпиқ муассасаларда ва манзил колониялардаги маҳбуслар сонини, шунингдек, ҳар бир муассасадаги сиёсий ва диний маҳбусларнинг сонини баҳолашни тақдим этди.

## Ёпиқ қамоқхоналар ёки зоналар

Бир неча манбага кўра, маҳбусларнинг маълум бир гуруҳини жойлаштириш учун ишлатиладиган, кўпинча шароитлари оғир бўлган ҳар бир алоҳида ёпиқ баракда - битта ёки бир нечта бинода ўртача 70-95 маҳбус сақланади. Ёпиқ объектларда бараклар сони ҳар хил, турли қариндошлар ва фаолларнинг айтишича, бараклар сони 12 тадан 16 тагача бўлади.

Кўплаб манбаларга кўра, Каримов маъмурияти сиёсати даврида диний ва сиёсий маҳбуслар қамоқхона аҳолисининг қолган қисмидан ажратилган ва бошқалар билан мулоқот қила олмаган бўлса, ундан фарқли ўлароқ, ЖИЭББнинг бугунги сиёсати бундай маҳбусларнинг кичик гуруҳларини алоҳида қамоқхона баракаларига жойлаштириш ҳамда уларни бошқа маҳбуслар орасида интеграция қилишдан иборатdir. Манбалар бугунги кунда ёпиқ муассасанинг одатдаги баракида “конституцияга хилоф фаолият”, “экстремизм” ёки “тақиқланган ташкилотларга аъзолик” айловлари билан айланган маҳкумларнинг сони тахминан беш ёки олти нафар эканлигини маълум қиласи.

Узоқ вақтдан буён ҳозиргача қамоқда ўтирган маҳбуснинг қариндоши у билан сұхбатлардан келиб чиққан ҳисоб-китобларга асосланниб, Тошкент вилоятидаги қаттиқ режимли муассаса - Олмалиқ қамоқхонаси ўн олти баракни ўз ичига олганлигини тахмин қилди. Ҳар бир баракада тахминан 70-80 маҳбус (жами 16 барак x 75 маҳбус = 1200 маҳбус) мавжуд. Ҳар бир баракда<sup>41</sup> экстремизм билан боғлиқ жиноятларда айланган бешта-олтита маҳбус сақланади. (6 маҳбус x 16 барак = 96 диний маҳбуслар).

Худди шундай, Ўзбекистон жанубидаги Қашқадарё вилоятидаги қаттиқ режимли колония - Косон қамоқхонасига ташриф буюрган киши, 2020-йил ноябрь ойида ташриф буюрганидан сўнг, қамоқхонада тахминан 12 барак борлиги, уларнинг ҳар бирида 90 тадан 100 тагача маҳбус борлиги ҳақида хабар берди. Демак, қамоқхонанинг тахминий аҳолиси 1140 киши (12 барак x 95 маҳбус = жами 1140 маҳбус). Косондаги бир нечта маҳбуслар билан сұхбатларга асосланган ҳисоб-китобларга кўра, меҳмон ҳар бир баракда тахминан бешдан олтитагача диний маҳбусни ҳисоблаб чиқди. Бу колонияда 72 нафар диний ва сиёсий маҳбуслар

<sup>38</sup> Мушфиг Байрам, “Ўзбекистон: Маҳбус синглиси билан “эҳтимол, охирги марта”, учрашишни сўради, Форум 18, 2020 йил 3 сентябрь, [https://www.forum18.org/archive.php?article\\_id=2598](https://www.forum18.org/archive.php?article_id=2598).

<sup>39</sup> Id.

<sup>40</sup> Id.

<sup>41</sup> Ҳукумат экстремизм билан боғлиқ айловлар бўйича қамоққа олинган шахсларнинг сони тўғрисида муаллифнинг 2020 йил октябрь ойидаги сўровномасига ёзма жавоб бермади, шунингдек, агар ўёки бу шахснинг зўравонлик ёки зўравонлик билан боғлиқ жиноятга алоқадорлиги ҳақида ишончни далиллар мавжуд бўлса, терроризм ёки экстремизмнинг ҳеч қандай далилни кеялтиради. Шундай қилиб, ушбу бўйимда тақдим этилган баҳолашлар диний ва сиёсий маҳбусларни қамраб олади ва уларнинг ҳеч бири хорижий террористик ташкилотлар билан алоқа қилиш ёки зўравонлик ёки бошқа жиноят фаолиятда иштирок этишининг исботланган боғлиқликка эга эмас.

мавжуд деб ҳисоблашга олиб келади (12 барак x 6 диний маҳбуслар = Косонда 72 нафар диний маҳбуслар).

Турли ҳуқуқ ҳимоячилари, маҳкумларнинг қариндошлари ва адвокатларига кўра, айрим ёпиқ муассасаларда, масалан, вояга етмаганлар ва сил қасаллигига чалинган шахслар учун алоҳида қамоқхоналарда олдиндан диний маҳбуслар жойлаштирилмаган. Бундан ташқари, фаолларнинг фикрича, ҳукумат сиёсати, қоида тариқасида, Фарғона водийсида жойлашган Поп туманидаги аҳлоқ тузатиш муассасасида диний маҳбусларни жойлаштиришдан қочиш эди, чунки мустақил мусулмонларга қарши кампания асосан Тошкентга қўшимча равища Ўзбекистоннинг ушбу минтақасига қаратилган эди.

Манбалар 18 та ёпиқ муассасалардан 14 тасида диний маҳбусларни мавжудлигини тахмин қилиб, қолган 12 та ёпиқ қамоқхоналарда ўртacha 14 баракдан иборатлигини ва уларнинг ҳар бирида тахминан олти нафар диний маҳбус сақланади, деб ҳисобладилар. Бу диний маҳкумларнинг умумий сони тахминан 1008 нафар деб ҳисоблашга олиб келади (12 та қамоқхона x (14 барак x 6 диний маҳбуслар) = ёпиқ муассасаларда 1008 нафар диний маҳбуслар). Ушбу баҳолаш рақамини Олмалиқ ва Косон (168 маҳбус) муассасалари ҳақидаги маълумотлар билан бирлаштиrsак, Ўзбекистоннинг ёпиқ муассасаларида тахминан 1176 диний маҳбус бор. Жазони ижро этиш учун аҳлоқ тузатиш колониялар (ЖИЭК) ва манзил колониялар деб номланган ушбу муассасаларнинг тўлиқ рўйхати А-иловада келтирилган.

### Манзил-колониялар

Мирзиёев даврида аксарияти узоқ муддат жазони ўтаган ва ўн йилдан ортиқ озодликдан маҳрум бўлиб келган кўплаб диний маҳбуслар каттиқ ва умумий режимли ёпиқ муассасалардан манзил колонияларга ўтказилди. Инсон ҳуқуқлари соҳасида жиҳдий ташвишларга сабаб бўлган, узоқ муддатга озодликдан маҳрум бўлган, айловлари сиёсий сабабларга асосланган ва ҳуқуқий процедураларнинг бузилиши билан ҳукм қилинган бундай маҳкумларнинг барчасини озод қилиш ўрнига Ўзбекистон ҳукумати, асосан, маҳбусларнинг бир қисмини ёпиқ муассасалардан 25 та манзил-колонияларига ўтказишни афзал кўрди.

Ёпиқ қамоқдаги ҳар қандай маҳбус учун манзил-колонияга кўчиш жуда ёқимли. Манзил колониялари сезиларли яхшиланиш ҳисобланади, чунки у ерда маҳбусларга мослашувчан кун тартиби ва яшаш

шароитларига рухсат берилади, улар қамоқхонадан ташқарида ишлашлари ва ташриф буюриш учун кўпроқ имтиёзларга эга бўлишади. Манзил колонияларнинг марказий хусусиятларидан бири маҳбусларнинг узоқ вақт давомида қамоқдан ташқарида узоқ жойлашган муассасаларда ишлаш имкониятларини кенгайтиришдир. Маҳбусларнинг қарийб 80 фоизи ишлаб чиқариш билан шуғулланади ва уларга ходимнинг ихтисослашуви даражасига қараб, 70 дан 200 АҚШ долларигача бўлган ойлик иш ҳақи тўланади.

Турли респондентларнинг фикрига кўра, диний маҳбуслар кўпинча қамоқхона аҳолисининг ишончли ва афзal кўриладиган ишчилари ҳисобланади, чунки улар одатда спиртли ичимликларни истеъмол қилмайдилар ва интизомли ҳисобланадилар.<sup>42</sup> Шу сабабли, айрим сабиқ маҳбуслар қамоқхона амалдорларида диний маҳбусларни манзил колонияларда ушлаб туришни давом эттириш (ва уларни афв этиш ёки муддатидан олдин озод қилишни рад этиш) ва уларнинг арzon меҳнатини фойда келтириши мумкин бўлган турли заводларга, қишлоқ ҳўялиги ишлаб чиқаришига ва баъзи бошқа муассасаларга жалб этиш учун кучли иқтисодий рағбат мавжудлигини қайд этишган. “Ҳукумат бизни кечиришга йўл қўймаганининг яширин сабабларидан бири ҳам шунда, улар биздан норозиликни билдириш ва муддатимизни узайтиришнинг бошқа усулларини топишади, чунки биз уларга яхши даромад келтирамиз”, - деди яқинда озод қилинган маҳбус.<sup>43</sup>

Ўзбекистоннинг ёпиқ қамоқхоналарида бўлгани каби, Ўзбекистон ҳукумати муаллифнинг 2016-йил сентябридан бўён манзил колониялардан озод этилган ёки манзил колонияларда ҳали ҳам жазони ўтаяётган сиёсий ва диний маҳбуслар сони тўғрисида батафсил маълумот бериш ҳақидаги сўровига жавоб бермади. Аммо фаоллар, адвокатлар ва маҳкумларнинг қариндошлари расман 7000 дан ортиқ жазони ўтаяётганлар орасида тизим бўйича тарқатилган бундай тоифадаги маҳбуслар сонининг турли баҳолашларини тақдим этдилар. Инсон ҳуқуқлари ва қамоқхоналардаги қамоқхона шароитлари бўйича етакчи экспертнинг сўзларига кўра, ҳар бир ёпиқ қамоқхонада сақланадиган 60-90 диний маҳбуслардан фарқли ўлароқ, ҳар бир манзил колонияда тахминан 40 диний маҳбуслар мавжуд. Бу 25 та манзил колонияларда жами 7000 маҳкумлардан тахминан 1000 нафари диний маҳбуслар эканлигига ишора қиласи (25 та манзил колония x 40 нафар диний маҳбуслар = манзил колонияларда 1000 та диний маҳбус).

<sup>42</sup> Масалан, қаранг “Дилмурод Д.” билан интервью, Самарқанд, 2020-йил 11-ноябрь; сабиқ сиёсий маҳбус “Юсуфбой Ю.” билан телефон орқали сұхбат, 2021йил 21 апрель.

<sup>43</sup> “Алишер А.” билан телефон орқали сұхбат, Бухоро, 2021 йил 1 апрель.

## БУГУНГИ КУНДА ЎЗБЕКИСТОНДА ҚАНЧА ДИНИЙ МАҲБУС МАВЖУД?

Ўзбекистоннинг ёпиқ қамоқхоналаридағи диний ва сиёсий маҳбусларнинг таҳминий сони билан бирга ҳисоблаганды **Ўзбекистон қамоқхоналарида таҳминан 2176 нафар диний маҳбус (1176 + 1000 = 2176) ёки таҳминан 2200 диний маҳбус жазони ўтамоқда** деган худоса келиб чиқади. Ушбу баҳолаш бошқа фуқаролик жамияти фаоллари томонидан тақдим этилган рақамларга мос келади, улар ислоҳотлар, озодликка чиқариш ва афв этишлардан сўнг, бир неча йил давомида диний маҳбусларнинг умумий сонини таҳминан 1900-2100 киши, деб баҳолайди. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, **Ўзбекистон қамоқхоналаридағи маҳбусларнинг таҳминан 10 фоизи диний маҳбуслардир.**

Фаоллар ва расмийлар билан ўтказилган кўплаб интервьюларга асосланиб, ушбу баҳо шуни кўрсатадики, Ўзбекистондааввалгидек, сиёсий ва диний сабабларга кўра ҳукм қилинган кўплаб шахслар мавжуд, улар **собиқ Совет Иттилоғининг барча давлатларида диний қарашлари туфайли қамоқда сақланаётганларнинг жами сонидан кўп ва жаҳонда ҳам энг юқори кўрсаткичлардан бири**<sup>44</sup> дидер. Каримов ҳукмронлиги даврида диний сабабларга кўра узоқ муддат қамок жазосини ўтаган маҳбусларнинг ярми ёки ундан кўпроғи озод қилинган ёки афв этилган бўлса-да, минглаб одамлар ҳали ҳам қамоқда. Ушбу ҳисоботда юқорида ва қуйидаги санаб ўтилган ҳар бир иш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги кўплаб муаммоларни ҳисобга олган ҳолда, зудлик билан пухта кўриб чиқишга лойикдир.

## ЖАСЛИКНИ ЁПИЛИШИ

2019 йилнинг август ойида ҳукумат фожиали танилган Жаслик қамоқхонасини ёпилишини эълон қилди, бу қатор БМТ органлари, USCIRF ва инсон ҳуқуқлари гуруҳлари томонидан анчадан бўён тавсия қилиб келинган олдинга ташланган мұхим қадам ва ҳаракат режаси бўлди. Муаллиф ушбу ҳисобот учун сұхbatлашган маҳбусларнинг аксарияти, шу жумладан, Чўян Маматқулов, Азам Фармонов, Юсуфбой Рўзимуродов, Мұхаммад Бекжонов ва бошқалар Жасликда жазони ўтаган. Жасликнинг, эҳтимол тергов ҳибсонасига айлантирилганоиги ва ҳали ҳам ишлатилаётгани ҳақидаги хавотирларга жавобан, ЖИЭБнинг собиқ

бошлии Баҳромбек Адилов 2020 йил ноябрь ойида ушбу муаллиф ва АҚШ элчихонасининг вакиллари билан учрашувда “энди ҳеч ким ҳеч қачон Жаслик қамоқхонасига жойлаштирилмайди”, деб ваъда қилди.<sup>45</sup>

“Эзгулик” инсон ҳуқуқлари гуруҳи раҳбари ва инсон ҳуқуқлари бўйича Омбудсман қамоқхоналарини мониторинг қилиш гуруҳи аъзоси Абдураҳмон Ташанов *Kip.uz* га 2021 йилнинг май ойида ҳозирга қадар у ерда 100 нафар маҳбуслар қолаётган бўлиши мумкин, деб айтган.<sup>46</sup> Жасликнинг ёпилиши тўғрисида расмий эълон қилиш давомида ички ишлар вазири Пулат Бобоҷонов Жасликда максимал сифимига бўйича 1100 маҳбус сақланганлиги ҳақида баёнот берган. Бобоҷонов, шунингдек, Жасликнинг 10 фоизи диний экстремизм билан боғлиқ айловлар билан ҳукм қилинган шахслар эканлигини маълум қилган.

Ташановнинг сўзларига кўра, 2019-йилги президент фармони чиқсан пайтда қамоқхона маъмурлари қамоқхонани тўлиқ ёпишга тайёр эмасди, чунки бу юзлаб ёки ундан ортиқ маҳбусларни бошқа муассасаларга ўтказишни талаб қиласди. Ташановнинг ва номини кўрсатмаган расмий манбанинг маълум қилишича, расмийлар Навоий вилоятидаги Қизилтепа шаҳрида Жасликнинг қолган маҳбусларнинг бир қисмини ўтказиш учун яна бир ёпиқ колонияни қурмоқдалар.

## “РАСКРУТКА”ДАН ТОРТИБ ТО ҚАЙТА ҚҮРИБ ЧИҚИШГА ҚАДАР

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, диний ва сиёсий маҳбуслар учун озодликдан маҳрум қилиш муддатларини ўзбошимчалик билан узайтириш Ўзбекистон жиной одил судлов тизимининг энг шармандали хусусиятларидан бири бўлиб, диний маҳбуслар сонининг йилдан-йилга кўпайишига кўмаклашган. Оддий тилда *раскрутка* деб номланувчи амалиётга кўра қамоқхона амалдорлари кўпинча қамоқхона қоидаларининг мавжуд бўлмаган ёки жуда аҳамиятсиз бузилиши учун 221-моддасини қўллаш орқали диний ва сиёсий маҳбусларнинг тақдирни устидан катта кучга эга бўлган. Амалда, ҳукумат диний ва сиёсий маҳбусларни номуайян муддат давомида қамоқда ушлаб туриш учун *раскрутка*дан фойдаланган.

Ушбу амалиётнинг кўп йиллар давомида танқид қилинганидан сўнг, ҳукумат 2018 йилнинг март ойида

<sup>44</sup> Инсон ҳуқуқдари уйи, Осло, “Янги Мемориал ҳисоботи: Ўзбекистонда сиёсий репрессиялар”, Инсон ҳуқуқдари уйи, 2011 йил 20 марта, <https://humanrightshouse.org/articles/new-memorials-report-political-repression-in-uzbekistan-2009-2010/>.

<sup>45</sup> ЖИЭБнинг собиқ раҳбари Баҳромбек Адилов билан сұхbat. 2020 йил 27 ноябрь, Тошкент.

<sup>46</sup> “Жасликда 100 нафар маҳбус қолиши мумкин – ҳуқуқ ҳимоячиси” [В «Жаслик» могут оставаться около 100 заключённых — правозащитник] *Gazeta.uz*, 2021 йил 17 апрель, <https://www.gazeta.uz/ru/2021/04/17/jaslyk/>.

биринчи марта 221-моддани қўллашни тўхтатганини эълон қилди. 2020 йилнинг ноябрь ойида ЖИЭББ мансабдор шахслари ушбу муаллифга 221-модда ишлатилмаётганлигини ва қайта кўриб чиқилган Ўзбекистон Жиноят кодексидан чиқариб юборилишини маълум қилди. Бироқ, расмийлар 221- моддага биноан илгари узайтирилган ҳар қандай қамоқ жазосини кўриб чиқишга ваъда бермадилар.

Бундан ташқари, расмийлар диний маҳбусларни қамоқхонада бўлган пайтида “жиноий жамоаларни ташкил қилиш” ёки “тақиқланган ташкилотларда” иштирок этиш каби янги жиноятларда айблаган қамоқхона маъмурларининг ноқонуний қилимishлари ва амалиётларини тан олишлари, ёки йўқ қилимishлари ҳам жуда муҳим.<sup>47</sup> Ўзбекистон қонунчилиги қамоқхона ходимларига маҳбусларга қарши янги айбловлар кўйишга имкон беради, бу эса янги қамоқ муддатларига олиб келади.<sup>48</sup> Кўпинча диний асосларга кўра қамалган маҳбуслар, масалан, Миразиз Мирзаахмедов, Равшан Каримов, Жамшидбек Отабеклар, Шамсиiddин Гиязов, Рустам Носиров, Турназар Бойматов, Забихулло Мўминов, Машрап Шарҳ, Нормуродов Номоз, Баҳромжон Иногомов, Шуҳрат Усмонов, Эркинжон Орипов, Нематулло Ибрагимов ва ушбу ҳисоботда муҳокама қилинган кўплаб бошқалар аввалги айбловлари билан айнан бир хил айбловлар билан янги

қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Ҳақиқатда Нематулло Ибрагимов учта алоҳида ҳолатда “конституцияга хилоф фаолият”да (159-модда) айбланиб ҳукм қилинган.

Ўзбекистон қамоқхоналарида айблов хуносаларини чиқариш амалиёти инсон ҳуқуқлари соҳасида жиддий ташвишга солмоқда, чунки кўп ҳолларда судланувчилар мустақил адвокат томонидан тақдим этилмаган, суд жараёнлари ёпиқ бўлади ва қамоқда амалга оширилади ва давлат ва ҳимояни самарали тақдим эта олмайдиган маҳбусларнинг тенгсизлиги мавжуд. Бу ерда *раскрутка* сифатида тилга олинган ушбу амалиёт Каримов даврида кенг қўлланилган ва шу кунгача давом этмоқда.

Бир нечта ҳуқуқ ҳимоячилари ва ҳозирги маҳбусларнинг қариндошлари муаллифга ҳукумат 221-моддани қўлланишини инсон ҳуқуқларини паймол қилган амалиёт сифатида тан олмаганиligini маълум қилди. Мисол учун, 2020 йил давомида ҳар бири 20 йиллик жазони ўтаб бўлган камида 11 нафар диний маҳбус ушбу амалиётга мувофиқ ўн йилга қўшимча қамоқ жазосини олган.<sup>49</sup> Ўзбекистон ҳукумати диний ва сиёсий маҳбусларни ҳукм қилиш учун ишлатилган Жиноят кодексининг қоидаларини қайта кўриб чиқиши, ушбу амалиётни қўллаб берилган барча қамоқ жазоларини ўрганиб чиқиши ва бу амалиётни инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларга мувофиқлаштириши керак.

<sup>47</sup> Мисол учун, қаранг: "Рустам Р." билан интервью, Марғилон, 2020 йил 6 декабрь; "Мұхторали М." билан интервью, Марғилон, 2020 йил 7 декабрь; инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси Аҳмаджон Мадмаров билан интервью, Тошкент, 2020 йил 7 ноябрь; "Эзгулик" инсон ҳуқуқлари жамияти раиси, ҳуқуқ ҳимоячиси Абдураҳмон Ташанов билан интервью, Тошкент, 2020 йил 6 ноябрь; Жаҳонгир Кулижанов билан интервью, Бухоро, 2021 йил 6 июль.

<sup>48</sup> Чалгитиб, фаоллар ва маҳкумларнинг қариндошлари кўпинча уни "қамоқ муддатини узайтириш" (*раскрутка қилиши*) деб атасади; аслida, бу ҳозирги маҳбусга чиқарилган янги ҳукмдир.

<sup>49</sup> Қаранг: АҚШ давлат департаменти, 2021 йил учун *Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги амалиёт тўхрисида мамлакат ҳисоботлари*, Демократия, инсон ҳуқуқлари ва меҳнат масалалари бўйича бороси томонидан чоп этилган, АҚШ давлат департаменти, 2021 йил 30 марта, 2021 йил, <https://www.state.gov/reports-bureau-of-democracy-human-rights-and-labor/country-reports-on-human-rights-practices/>.

## 20 йилдан сўнг жамиятга қайтиш: Янги озод қилинган диний маҳбуслар билан интервью

“Улар мени ҳибсга олиш учун келишганида, ўт устида турганимни ҳали ҳам эслайман. Мен ҳаётимнинг ярмидан кўп муддатга олиб кетишаётганини ҳаёлимга ҳам келтирмаганман.<sup>50</sup> 1999 йил апрель ойи эди. Энди 27 ёшни қарши олган Рустам Р., ёш хотини ва кичик ўғли билан ўзининг Ўзбекистоннинг Фарғона водийсида жойлашган Марғилон шаҳридан чегаранинг у ёғига, Қирғизистон жанубидаги Ўш шаҳрига футбол билан шуғулланиш ва футбол жамоасини тайёрлаш учун жўнаб кетди. Фарғона давлат университетини тутатгач, Рустам Р. кўплаб профессионал йўналишларни танлаши мумкин эди. Аммо футбол унинг истеъоди ва эҳтироси эди. Унга таклиф қилинган мураббийлик иши истиқболли мартабага йўл бўлиб тумоларди. Советлардан кейинги даврда Фарғона водийсида ва ундан ташқарида улфайган кўплаб ёш ўзбеклар сингари Рустам Р. ҳам таълим ва касб - ҳунар ютуқларини қадрлайдиган, шунингдек, мусулмонлик билан чамбарчас боғлиқ бўлган, аммо буни совет даврида рўёбга чиқаришнинг имконини топмаган оиласдан чиққан.

Ўзбекистон хавфисизлик хизматлари томонидан Рустам Р. Қирғизистоннинг жанубида 1999-йил апрель ойида ҳукумат зўравонликка алоқадорлиги ҳақида ҳеч қандай далилсиз экстремистик деб ҳисоблайдиган “Ҳизб-ут-тахрир” сиёсий ва диний гурухга аъзоликда гумон қилиниб, ҳибсга олинган. Ҳукумат унга 159, 242, 244-1 ва 244-2 моддалари бўйича жиноий айбловлар кўйди. Ҳизб-ут-Тахрирга бўлган қизиқишларини тасвирлаб, Рустам Р. шундай деди,

*Бу 1990-йилларнинг охирида машҳур мафкура эди. Гуруҳ адолатли жамиятни қуриш бўйича ўз фикрларини тушунарли тарзда равшан етказар эди. Ўша пайтлар жамиятдаги институтлар барбод бўлаётган эди, [президент] Каримов эса шафқатсиз ва халқ еҳтиёжларидан ийроқ қўринарди. Биз узоқ вақтдан бери тақиқланган диний анъаналарга чуқурроқ кириб боришга ундаидиганларга интилдик.*

Ветеран ҳуқуқ ҳимоячиси ва Ўзбекистонда диний маҳбуслар бўйича мутахассис Аҳмаджон Мадмаровнинг айтишича, у камида 1000 нафар шахсни “Ҳизб-ут-тахрир”га алоқадорликда айбланиб қамоққа олиш ҳолатларини кузатган. Аммо, Мадмаровнинг айтишича, “бу ҳолатларнинг ҳеч бирида зўравонлик ёки зўравонликка ундаш ҳақида ишончли далиллар бўлмаган”.

Рустам Р. Ош яқинидаги Қизил-Қияда футбол стадионида машғулот ўтказаётган пайтида тўсатдан уни ҳибсга олиш учун полиция пайдо бўлган. Рустам Р. шу пайтда ўз оиласидан, айниқса, ёш хотини ва ўғилчасидан ярим умрга ажратилаётганини билмаган эди.

Бугун 48 ёшга тўлган Рустам Р. Фарғона вилоят суди томонидан 18 йилга озодликдан маҳрум қилинганди. “Ҳизб-ут-тахрир” (ХТ) мафкураси ҳақида сұхбатда Рустам Р. “Ҳизб-ут-тахрир” антисемитизм ғояларини қўллаб-қувватлаётганини тан олди, аммо ўзи учун ХТнинг совет давридан кейинги Ўзбекистонда 1990-йилларда ҳаёт алғов-далғовлигида жамиятни тартибга солишига ёрдам берадиган рецепти ҳаммадан ҳам муҳим эканини айтди.

“Ўша пайтда ҳибсга олинганларимиз Ҳизб-ут-тахрирнинг ашаддий аъзолари эмасди, ва ҳибсга олинганларнинг аксарияти ҳатто ташкилотнинг расмий аъзолари ҳам бўлмаган”, деди Рустам Р. “Менинг фаолиятим асосан гуруҳнинг фалсафасини муҳокамада иштирок этиш эди холос”.

Рустам Р. хавфисизлик идоралари уни Қирғизистондан екстрадиция қилинганидан кейин уни ҳибсга олиб, Марғилондаги хавфисизлик хизмати муассасасига олиб борганини, у ерда дастлабки қамоқ вақтида қийноққа солинганини айтди. Улар уни таёқ билан уришди. “Улар мендан “Ҳизб-ут-Тахрир” даги одамларнинг кўпроқ номларини айтишимни хоҳлашган эди. Номларини айтишдан бош тортганимда, мени қаттиқ калтаклашди”

Рустам Р. кейинчалик Марғилондаги хавфисизлик хизмати тергов изоляторидан Фарғона шаҳар хавфисизлик хизмати тергов ҳибсонасига кўчирилди. Бир йил давомида Рустам Р. оиласининг беш аъзоси ҳибсга олинди. Ўзи панжара ортида ўтказган йигитрма йил давомида бешта турли қамоқхоналарда ўтириб чиқди. “Бизнинг оиласиз истисно бўлмаган”. Рустам Р. оиласида 40 ёшдан ёш бўлган деярли ҳар бир еркаги ҳибсга олингани натижасида вайрон бўлиб кетган бутун бошли оиласарнинг бир нечтаси ҳақида хабардор эканини айтади.

<sup>50</sup> Рустам Р. билан интервью, Марғилон, 2020 йил 8 декабрь.

## МАШХУР ДИНИЙ МАҲБУСЛАР ОЗОД ҚИЛИНДИ

2016-йилнинг сентябрь ойидан бошлаб, Каримов вафотидан сўнг ва бир неча йиллик халқаро босимдан сўнг ҳукумат 2021-йилнинг апрель ойи ҳолатига кўра, тахминан 65 нафар юқори мартабали сиёсий маҳбусларни, шу жумладан, узоқ вақт давомида қамоқда сақланаётган журналистлар ва ҳуқуқ ҳимоячиларини озод қила бошлади.<sup>51</sup> Расмийлар халқаро инсон ҳуқуқлари ташкилотлари ва хорижий ҳукуматларда қизиқиш уйғотадиган шов-шувли ишларни ёритиш бўйича чоралар кўриб, ҳуқуқ ҳимоячилари ва журналист маҳкумларнинг озод қилган, аммо улардан фарқли ўлароқ, Мирзиёев президентлик лавозимини эгаллагандан бўён диний маҳбусларни озод қилиш тўғрисидаги маълумотлар жуда кам. Шунга қарамай, айрим ҳолатлар ошкор бўлди ва улар маълум даражада Мирзиёевнинг диний маҳбусларга бўлган муносабатини кўрсатмоқда.



Оддий шия имонли инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси Жаҳонгир Кулижанов икки йилдан ортиқ умрини диний эътиқодлари учунгина қамоқда ўтказди. У 2018 йилда озод қилинган ва ҳозирда тўлиқ ҳуқуқий реабилитация қилинмоқда. © Жаҳонгир Кулижонов.

Бухоро милицияси ва хавфсизлик хизмати ходимлари Жаҳонгир Кулижонов ва Бухоро мусулмон шия жамоатининг бошқа аъзоларини 2017 йил 2 февраль куни, улар Бухородаги Ҳоджи мир Али масжидига боришганида ҳибсга олдилар. Дастлаб улар 15 кун давомида ушлаб турилган, шафқатсиз тепки ва калтаклаш билан қийноқка солинган. Хавфсизлик хизматлари Кулижановни 2017 йилнинг 30 май куни қайта ҳибсга олишган ва, уни шия жамоасининг етакчиси деб ҳисоблаб, унга 244-1-модданинг 3 қисми «а» ва «д» бандлари бўйича («жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш,

сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этиш», бир гурӯҳ шахслар томонидан ва оммавий ахборот воситалари ёки интернетдан фойдаланган ҳолда) айб эълон қилишган. Терговчилар Жаҳонгир Кулижоновнинг телефонида топилган 680 йилда (исломий тақвимда 61 йил), мусулмон пайғамбар Мұхаммаднинг набираси Ҳусайн ибн Али ўддирилган Кербеле жангининг рус тилидаги овозли ҳикоясини «экстремистик» деб топди. Шия мусулмонлари жангни фожиа, Ҳусайнни эса шаҳид деб ҳисоблашади. Бухоро вилояти жиноят суди Кулижоновни 2017 йилнинг октябрь ойида мобил телефони ва компьютерида «экстремистик диний материалларни» сақлаш айлови билан қамоқقا олиб, уни беш йилга озодликдан маҳрум қилди. АҚШ ҳукумати ва инсон ҳуқуқлари гуруҳлари иштирокида Кулижанов 2019-йил февраль ойида муддатидан оддин шартли равишда озод қилинди.



Арамаис Авакян. © 2017.

2020 йил февраляда, ҳукумат «конституцияга хилоф фаолият», саботаж, таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш ва диний экстремистик ташкилотда иштирок этишда ўйдирма айловлар билан беш йилдан ортиқ панжара ортида ўтказган насроний балиқчи Арамаис Авакянни ноқонуний қамоқдан озод қилди.<sup>52</sup> Авакян арман ва насроний диндор бўлса-да, терговчилар уни радикал исломий гуруҳни тузиш ва бошқаришда ва ИШИДга қўшилиши режалаштиришда айлашди. Қийноқларнинг кўплаб далиллари мавжуд бўлган Авакян иши экстремизмнинг кўпинча ўйдирилган, жуда шубҳали айловларга асосланганлиги ва кўпинча ишончли далиллар ёки ҳатто изчил баёнотларга эга эмаслигини кўрсатади.

<sup>51</sup> Озод этилганлар орасида — Юсуф Рўзимуродов ва Мұхаммад Бекжонов - дунё бўйича қамоқда энг кўп ўтирган икки журналист (тегишилигича 19 ва 18 йил), ҳуқуқ ҳимоячилари Аззам Тургунов ва Азам Фармонов, шунингдек, мустақилликка эришгандан сўнг Ўзбекистон парламенти раисининг биринчи ўринbosари Самандар Куканов каби тинч сиёсий дисидентлар. 24 йил давомида ноқонуний рвишда қамоқда сақланган Куканов Нелсон Манделадан кейин дунёдаги энг узоқ қамалган сиёсий фаоллардан бири эди.

<sup>52</sup> Бугунги озодлик, «Ўзбекистон: Арамаис Авакян қамоқдан озод қилинди», 2020 йил 6 февраль. <https://www.freedom-now.org/uzbekistan-aramais-avakyan-released-from-prison/>.



Юқорида чапда - Искандар Худайберганов; юқорида ўнга - Руҳиддин Фахридинов, пастда чапда - Рустам Абдуманнапов; пастда ўнга - Акром Маликов. @ Озодлик Радиоси, Озод Европа Радиоси узбек хизмати (2020 йил сентябрь).

2020-йил 27-август куни ҳукумат бир неча АҚШ сенаторларининг президент Мирзиёевга тўрт диний ва сиёсий маҳбус ноқонуний равища озодлиқдан маҳрум этилганлиги ҳақидаги мактубидан сўнг, шунингдек, 2020 йил сентябрдаги Ўзбекистон мустақиллиги байрами арафасида Швециялик фаол Диlobар Эркинзоданинг укаси Искандар Худайбергановни; олим ва фаол Акром Маликов; фаол Рустам Абдуманнапов; таниқли мустақил руҳоний Руҳиддин Фахридиновларни озод қилди.<sup>53</sup>

## Руҳиддин Фахридинов: мустақил руҳонийнинг профили



2020 йилнинг сентябрь ойида қамоқдан озод қилинган мустақил диний руҳоний Руҳиддин Фахридинов. © Озод Европа Радиоси/Озодлик Радиоси, Ўзбек хизмати, 2020 йил.

53 ёшли Руҳиддин Фахридинов (шунингдек, айрим ҳужжатларда Фахритдинов ёки Фахрутдинов деб қайд этилган), Ўзбекистонлик диншunos ва Ўзбекистоннинг ҳали ҳам мамлакатда қолаётган энг машҳур озод этилган диний маҳкумлардан биридир. 1998 йилда Швецияга қочган таниқли Имом Обидхон-қори Назаровнинг шогирди Фахридинов 2012 йилда Ўзбекистон хавфсизлик хизматлари билан боғлиқ сүйсацдан омон қолиб, 1992 йилдан 1996 йилгача бўлган даврда бир неча Тошкент масжидларида машҳур имомга айланди. Мустақил мусулмонларга қарши қатағон туфайли ўзининг хавфсизлигидан хавотир олиб, у 1998 йилда Қозогистонга қочган.

2001 йилда унинг хотини ҳисбага олинган, унга шафқатсиз муносабатда бўлишган ва етти йилга озодлиқдан маҳрум этишган. Унинг ўтay қизи бир неча бор ҳисбага олишган ва Фахритдиновнинг қаердалиги ҳақида маъдумот беришга мажбур қилишган. Хавфсизлик хизмати ҳодимлари Фахридинов ва бошقا тўрт кишини 2005 йил ноябрь ойида Қозогистоннинг Шимкент шаҳрида ноқонуний равишида қўлга олиб, Ўзбекистонга мажбуран қайтариши. Фахридинов қамоқда қийноққа солинган ва тегишли ҳукуқий процедуранинг жиiddий бузилиши унинг ёпиқ суд жараёнинг дод соглан.

Унга қарши қўйилган айбловларга нисбатан “ҳар нима бўлса ҳам” ёндашуви Ўзбекистондаги кўплаб диний маҳбусларнинг рамзи ҳисобланади. Унга қарши қўзғатилган 22 жиной қилмишлар орасида терроризм, саботаж, ноқонуний диний гуруҳларни ташкил этиш, Конституцияга ҳилоф фаолият ва давлат хавфсизлигига таҳди солувчи материалларни тарқатиш бўлган. Ҳукумат, шунингдек, уни ёшларни Тожикистон ва Покистондаги “террорчилик” ўргатиш лагерларига ёллаш ва юборища, уларни “ваҳҳобийлар” экстремистик диний мазҳаблари ва Ўзбекистон Ислом ҳаракати учун пул йиғишида айблашибди - бу айбловларнинг барчасини Фахридинов қатъий рад этган.

2007 йил 15 сентябрь куни Тошкент вилояти Чирчиқ Жиноят суди Фахридиновни айбловнинг ўнта банди бўйича айборд деб топди ва уни 17 йилга озодлиқдан маҳрум қилди.<sup>54</sup> Озод қилинганидан сўнг, маҳаллий ҳокимият унга дераза фабрикасида ишлашни таклиф қилди. Уни озод қилиш шартлари давлатга иш ҳақининг 20 фоизини тўлашни талаб қиласди.<sup>55</sup>

<sup>53</sup> “Ўзбекистон президенти 113 маҳкумни аф этиди. Улар орасида 4 нафар маҳкум диний ва сиёсий сабабларга кўра ҳукм қилинган”, Ўзбекистон, 2020-йил 28-август. [Президент Ўзбекистана помиловал 113 осужденных. Среди них - 4 заключенных, осужденных по религиозным и политическим мотивам], Ўзбекистон, 2020 йил 28 август] <https://rus.ozodlik.org/a/30806178.html>.

<sup>54</sup> Суд жараёнида аллақаочон озод қилинган Фахридиновнинг хотини бир нечта ахборот манбаларига ва мустақил ҳуқуқ ҳимоячиларининг ташаббускор гурухига 2006 йил 31 март куни миалиция ҳодими эр-хотиннинг оли ёшли қизи Ойшани зўраанглигини маълум қиласди. Суд мажлисларининг баённомалари шуни кўрсатадики, Фахридинов экстремистик мағкуруни этироф этган ҳар қандай диний ташкилотга алоқадорликни рад этган ва эълон қилинган ҳукмда Фахридиновга қўйилган айбловларнинг ҳеч қайси бираша унинг айборлариги ҳақида ҳеч қандай аниқ даиллар йўқ. Айблов томонининг уч гувоҳи судда ўзларининг аввалиги гувоҳлик кўрсатмаларини рад этишган ва терговчilar уларни қўрқитишганини маълум қилишган. Бошқа бир нечта гувоҳлар, айблов уларнинг кўрсатмаларига асосланган бўлса-да, судда гувоҳлик бериш учун чақирилмаган ва уларни ҳимоя томонидан қарши сўроққа тутиш имкони бўлмаган. Фахридиновнинг қариндошларни қамоқхона ҳодимларни унга қамоқда бир неча бор қийноққа солишганини, шу жумладан, ҳушидан кетгунча белкурар билан калтакланганини айтди. Бошқа маҳбуслар уни ўнг қўлини айблакини чиқаришган ва уларни бундай қилишга қамоқхона қўриқчилиари мажбур қилинганини ҳақида кўрсатамади.

<sup>55</sup> “Ўзбекистон: аф этилганларнинг кўпчилиги учун кечириш жуда кеч келади”, Eurasianet, 2020 йил 28 август, [https://eurasianet.org/uzbekistan-pardons-come-too-late-for-many-recipients?utm\\_source=dldr.it&utm\\_medium=twitter](https://eurasianet.org/uzbekistan-pardons-come-too-late-for-many-recipients?utm_source=dldr.it&utm_medium=twitter); “Ўзбекистон: ваҳҳобийлик ёки мустақиллик учун ҳукм қилганим?” Forum 18, 2006 йил 11 октябрь, [https://www.forum18.org/archive.php?article\\_id=853](https://www.forum18.org/archive.php?article_id=853)

2020-йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон мусулмонлари Кенгаши раисининг ўринбосари Ўткир Хасанбоев ушбу муаллифга ва АҚШ элчихонаси вакилларира 2020-йилнинг бошида Ҳафизулло Носировни озод қилингани тўғрисида сўзлаб берди. 2000 йил март ойида Носиров ўзбекистонда «Ҳизб-ут-тахрир» рахбари сифатида эътироф этилгани учун ҳукм қилинган эди. 2000 йил декабрь ойининг охирида унинг укаси, «Ҳизб-ут-Тахрир» аъзоси, 1999 йилдан бўён қамоқда сақданаётган Ҳабибулла Носиров қамоқдаги калтакланиш пайтида олган жароҳатлардан вафот этган.



Хабар қилинишича, 56 ёшли Юсуп Қосимахунов 2020 йил декабрь ойида Москвадан ўғирлаб кетилгандан кейин диний экстремизмда ўйдирилган айбловлар бўйича саккиз йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган. © Расм марҳамат билан тақдим этилган, Мемориал.

2021-йил 17-март куни “Мемориал” 56 ёшли Юсуп Қосимахуновнинг озод этилиши ҳақида маълум қилди. Хабарга кўра, у Ўзбекистонда уч ой олдин қамоқдан чиқарилган эди.<sup>56</sup> «Мемориал»нинг маълумотларира кўра, Қосимахунов Россияда «Ҳизб-ут-тахрир» ташкилотига қарши иш бўйича биринчи жазога тортилганлардан бири бўлган. Ўзбекистон каби, Россия ҳам бу ташкилотни террористик деб эълон қилди ва ўз ҳудудида ва ишғол этилган Кримда тақиқлади. Қосимахунов ва унинг хотини ташкилотга аъзоликда айбланиб, 2004 йилдан 2011 йилгача Россияда қамоқда бўлган, аммо озод қилинганидан кейин Қосимахунов 2012 йил декабрь ойида Москвадан ўғирлаб кетилган ва мажбурий равишда Ўзбекистонга олиб кетилган, у ерда турли қамоқхоналарда, шу жумладан, Жаслиқда сақланган. У уч йиллик қамоқни бошқа маҳбуслар ва атрофдаги дунё билан алоқададан узилган ҳолда

ягона камерада ўтказди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди ўзининг икки алоҳида қарорида Россияни Қасимахуновни мажбурий равишида қайтарилганлиги ва ўғирлаб кетилганлиги учун 3 моддаси бузганликда айблади, ушбу моддага кўра давлатларга шахсни қийноқقا солиниши мумкин бўлган мамлакатга жўнатишни тақиқланади.

Ушбу диний ва сиёсий маҳбусларни озод қилиниши тасодифий бўлмаган. АҚШ ҳукумати, Европа Иттифоқи ва инсон ҳуқуқлари гурӯҳлари ноқонуний қамоқ жазосига ҳукм қилинган одамларнинг масаласини кўп йиллар давомида кўтарилиб келган, охир оқибат ҳатто энг оғир ҳолатларда ҳам босим ўз натижасини намойиш қилган. Бироқ, бу мақсадга эришиш учун АҚШ ҳукумати, Европа Иттифоқи ва бошқа субъекларнинг доимий иштироки талаб этилади.

## ҚАМОҚХОНАЛАРНИ МУСТАҚИЛ МОНИТОРИНГИ

2018 йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакилнинг идораси биринчи марта фуқаролик жамияти фаолларининг кичик гурӯҳи ҳамда Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази вакиллари билан биргаликда жазони ижро этиш муассасаларда жамоатчилик мониторингини ўтказа бошлади. 2020 йилга келиб ушбу гурӯҳ таркиби кенгайиб, ҳукумат бошқарадиган “Юксалиш” нодавлат ташкилотини ўз ичига олади ва COVID-19 дан ҳимоя даражасини баҳолашни масаласини ҳам қамрайди.

Ушбу муаллиф 2018-йилда Ўзбекистоннинг қаттиқ режимли икки колониясига ташриф буюрди ва бу билан Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил томонидан 2013 йилдан бўён қамоқхоналарни текшириш учун таклиф этилган биринчи халқаро кузатувчи бўлди, 2013-йилдан бўён шу кунга қадар ҳукуматнинг кўп йиллик аралашувидан сўнг, Халқаро қизил Xоч қўмитаси (ХҚХҚ) бу ишни тўхтатган эди.<sup>57</sup> Ушбу ташрифлар қамоқхоналарда сақдаш шароитларини расмий ўрганиш эмас эди. Бироқ, улар тахминан 20 нафар диний маҳбуслар билан суҳбатлашиш, жумладан, уларни хибсга олиш ва дастлабки қамоқда ушлаб туришнинг тафсилотларини билиш имкониятини берди, бу еса инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ жиiddий муаммоларни аниқлади.

Ҳозирги вақтда Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг мониторинг гурӯҳига ҳуқуқ ҳимоячилари Азам Фармонов (Ҳуқуқий таянч); Саёра Ходжаева, “Демократия

<sup>56</sup> “Собиқ рус сиёсий маҳбус Юсуп Қосимахунов Ўзбекистонда қамоқдан озод қилинди”, [Бывший российский политзаключенный Юсуп Қосимахунов освобождён из тюрьмы в Узбекистане] “Мемориал” инсон ҳуқуқлари маркази, 2021 йил 17 март, [https://memohrc.org/ru/news\\_old/byvshiy-rossiyskij-politzaklyuchennyj-yusup-kasymahunov-osvobozhdyon-iz-tyurmy-v](https://memohrc.org/ru/news_old/byvshiy-rossiyskij-politzaklyuchennyj-yusup-kasymahunov-osvobozhdyon-iz-tyurmy-v).

<sup>57</sup> Навбаҳор Имамова, “Репортёр ён дафтари: Ўзбекистондаги қамоқхона”, “Америка овози”, 2020-йил 1-февраль, <https://www.voanews.com/south-central-asia/reporters-notebook-inside-prison-uzbekistan>.

ва инсон ҳуқуқлари институти” нодавлат ташкилоти директори; Шухрат Ғаниев (Гуманитар-ҳуқуқий марказ); ва Абдураҳмон Ташанов (Эзгулик) киради. Мониторинг гуруҳи қамоқхона ва жинойи одил судлов масалалари бўйича ўз тажрибаларини намойиш этган Татьяна Довлатова ва Агзам Турғунов каби мустақил фуқаролик жамияти фаоллари билан кенгайтирилиши керак, уларнинг мустақил таҳдиллари диний маҳбусларни сақлаш шартлари ҳақида кўпроқ маълумот олиш имконини бериши мумкин. Ҳукумат ХҚҲКнинг маҳбусларга киришини қайта тиклаш учун барча саъи-ҳаракатларни амалга ошириши керак.

Қамоқхона амалдорлари одатда оила аъзоларига маҳбуслар билан тўрт соат давомида, йилига икки-тўрт марта учрашишга рухсат беришади. Шунингдек, қамоқхона муассасасининг турига қараб, маъмурият йилида икки-тўрт марта, давомийлиги узокроқ бир кундан уч кунгача, шунингдек, тунаш билан учрашувларга рухсат беради. Бироқ, ҳуқуқ ҳимоячиларининг фикрига кўра, COVID карантини ва март ойида 2020-да жорий қилинган ҳаракатни чекловчи чора-тадбирлар вақтида маҳбусларнинг оила аъзолари почта хабарларини қабул қилишни тўхтатдилар, уларга қамоқхоналарга бориш тақиқланди ва телефон қўнғироқлари рад этилди.<sup>58</sup>

## ДИНИЙ МАҲБУСЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚАМОҚДА САҚЛАШ ШАРТЛАРИ

Расмийлар, маҳбусларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ҳуқуқига эга эканлигини таъкидлайдилар<sup>59</sup>, бироқ бу ҳисобот учун сўровда иштирок этган баъзи собиқ маҳбуслар ва ҳозирги маҳбуслар оила аъзоларига қамоқхона маъмурлари уларни қамоқхона тартибиغا зид бўлган диний маросимларни амалга оширишини тақиқлашларига шикоят қилишди.<sup>60</sup> Бундай маросимлар анъанавий исломий эрталабки намозлардан иборат. Баъзи фаоллар бу вазият яхшиланганини айтишган бўлса-да, бошқалар бу чеклов давом этаётганини билдирган.<sup>61</sup> ЖИЭББ мансабдор шахслари ушбу муаллифга ва АҚШ элчихонасининг вакилларига 2016 йилдан бери маҳбусларга энди Рамазон<sup>62</sup> каби

диний байрамларга риоя қилишни тақиқдамаганлигини айтишган бўлса-да, кўплаб собиқ маҳбуслари ва ҳозирги диний маҳбусларнинг қариндошлари бу ёлғон эканини ва бошқа маросимлар билан бир қаторда рўза тутиш ҳали ҳам тақиқланганлигини маълум қилишган.<sup>63</sup> Гарчи баъзи қамоқхона кутубхоналарида Қуръон ва Инжил нусхалари мавжуд бўлса-да, оила аъзолари барча диний маҳбусларга диний материаллардан фойдаланишга рухсат берилмаслигидан шикоят қилишни давом эттиридилар.

Озиқ-овқат етишмовчилиги, ҳаддан ташқари оломон, жисмоний зўравонлик, ҳамда санитария шароитлари ва тиббий хизматларнинг номувофиқлиги туфайли айrim ҳолатларда қамоқхоналарда сақлаш шароитлари оғир ва ҳаёт учун хавфли бўлган.

Мансабдор шахслар, маҳбусларга одатда, сифатсиз ичимлик суви ва озиқ-овқат маҳсулотларини берган. Хабар олгани келган қариндошлар қамоқдаги оила аъзоларига кўпинча озиқ-овқат олиб келишган. Ички ишлар вазирлигининг маълумотларига кўра, маҳбуслар иш вақтидан ташқари пайтда очиқ ҳавода юриш, психологияк ёрдам ва хавфсиз меҳнат шароитлари ҳуқуқига эга. Бундан ташқари, маҳбуслар иш ҳақи ва бошқа меҳнат имтиёзларига эга. Жиҳдий касаллик бўлса, маҳбуслар телефон орқали қўшимча маслаҳат олишлари ва шифокор тавсиясига кўра уларнинг қариндошлари ташриф буюришлари мумкин. Қоидаларда шунингдек, маҳбуслар заруратга кўра ва олти ойдан кўп бўлмаган вақт оралиғида тиббий кўриқдан ўтиб туришлари кераклиги белгиланган. Ушбу қоидаларнинг бажарилиши ҳақида очиқ манбаларда ҳеч қандай маълумот йўқ.

## ҚАМОҚДАГИ ҚИЙНОҚЛАР

Сўнгги икки-уч йил ичида кўплаб озод қилинган сиёсий маҳбуслар дастлабки тергов ва қамоқхонада бўлишганида калтакланиш ва бошқа қийноқлар ва зўравонлик муносабатини бошдан кечиришгани, шу жумладан, руҳий босим вазиятида бўлишгани ҳақида хабар беришди. Ушбу ҳисоботда баён этилган 81 нафар жорий диний маҳбусларнинг аксарияти,

<sup>58</sup> Навоийда диний маҳбуслар ҳуқуқларини кўллаб-кувватлаб чиқиш қилгани учун жазоланган сиёсий маҳбус Қодир Юсуповнинг қариндошлари бир йил давомида у билан учрашувларнинг бир нечтасига рад жавобини олганларини хабар қилишди. Улар, шунингдек, президента Юсуповнинг жиҳдий тиббий муаммолари, COVID-19 инфекциясининг хавфи ва унинг ёшини инобатга олиб, уни озод қилиш ёки гуманитар сабабларга кўра уй қамогига олишни сўраб мурожаат қилишди.

<sup>59</sup> Парламентнинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раҳбари Шухрат Вафаев билан сұхbat, Тошкент, 2020 йил 12 ноңбр; Дин ишларин бўйича кўмита вакили билан сұхbat.

<sup>60</sup> “Азимжон А.” билан интервью, Навоий, 2020-йил 6-ноյбрь, “Шухрат С.” билан интервью, Кўқон, 2021-йил 10-ноյбрь; Қодир Юсуповнинг қариндошлари билан телефон орқали сұхbat, 2021-йил 24-май.

<sup>61</sup> Id.

<sup>62</sup> Жазони ижро этиш Бош қармаси (ЖИЭББ) бошлиғи Баҳромбек Адилов билан интервью, 2020 йил 27 ноябрь, Тошкент шаҳри.

<sup>63</sup> Масалан, қаранг, Аҳмаджон Мадмаров билан интервью, Тошкент, 2021 йил 5 ноябрь, “Азимжон А.” билан интервью, Навоий, 2020 йил 6 ноябрь, “Шухрат С.” билан интервью, Кўқон, 2021 йил 10 ноябрь; Қодир Юсуповнинг қариндошлари билан телефон орқали сұхbat, 2021 йил 24 май.

дастлабки тергов пайтида ҳибсга олингандა ёки қамоқхонада қийноқлар ёки зўравонликка учрагани ҳақида ишончли иддаоларни билдирган, бу ҳақда “Ташвишга солётган диний маҳбуслар” бўйимида батафсил муҳокама қилинади. Ушбу рўйхатдаги деярли ҳар бир маҳбус у ёки бу турдаги жисмоний ёки психолигик қийноқларга солингланигини ишончли тарзда тасдиқлади, бу ҳолатлар Ўзбекистон томонидан Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт ва Қийноқларга қарши конвенция (ҚҚК)га мувофиқ халқаро мажбуриятларини, шунингдек, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги кўплаб бошқа шартли ҳуқуқий мажбуриятларни очиқдан — очиқ бузилишидир. Бу ерда баён қилинган қийноқларнинг аксарияти дастлабки тергов қамоқхонада содир бўлган бўлса-да, қўйидаги хатбошиларда батафсил айтиб ўтилган учта мисол қамоқхоналарда давом этётган қийноқлар муаммосини тасвирлайди.

Диний маҳбус Тоҳир Жуманов (1963 й.т.) 1999 йилдан буён Ҳизб-ут-тахрир адабиётини тарқатиш учун 156, 159, 216, 242-2, 244, ва 246-моддалар бўйича айбланиб қамоқда сақланмоқда, унинг ҳукми бир неча бор ноконуний равища узайтирилган. Ҳуқуқ ҳимоячилари ва Жумановнинг қариндошлари Маруф Абдулаев исмли қамоқхона ходими уни 2018 йил 10 май куни Навоий қамоқхонасида (ЖИЭК 64/46) қийноққа соглани тўғрисида хабар беришган. Ҳукумат ҳеч қачон Жумановнинг қийноқлар ҳақидаги баёнотларини текширгмаган.

Диний маҳбус Нематулло Якубович Ибрагимов (1963 й. туғилган). 159, 244-1, 244-2-моддалар билан “ваҳҳобий”ликда гумон қилиниб, қамалган, у инсон ҳуқуқлари ташкилотларига ўзининг жазоси бир неча бор ўзбошимчалик билан узайтирилганини ва чорак асрлик муддат давомида жазони ўтаган бир нечта қамоқхоналарда қийноқларга солинганини айтган.<sup>64</sup> Ибрагимов Навоий шаҳридаги ЖИЭК 64/29, Зангиотадаги ЖИЭК 64/1, Қарши шаҳридаги ЖИЭК 64/33, Бухорода, Қоровулбозордаги ЖИЭК 64/25 жазони ўтаган ва бугун у Зарафшондаги муассасада деб тахмин қилинмоқда.

42 ёшли диндор мусулмон Фаррух Юлдашев (1979 й.т.) дастлаб Тошкентда содир бўлган портлашлардан сўнг мустақил мусулмонларни ҳибсга олиш тўлқини пайтида 2000 йил февраль ойида ҳибсга олинган. 2000 йилда Тошкент суди уни етти йилга озодликдан маҳрум қилди. 2007 йилда, озод қилинишидан оддин қамоқхона маъмурлари унинг озодликдан маҳрум этиш жазосини ўзбошимчалик билан “қамоқхона қоидаларини бузиш”да уйдирма айблов билан (раскрутка) тўрт йил ва 15 кунга қамоқ муддатини узайтириди. 2008 йилда қамоқхона маъмурлари уни яна бир бор экстремизм айблови билан судлади ва саккиз йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилди. Суд жараёни қамоқхонада бўлиб ўтди ваadolатли суд жараёни стандартларига жавоб бермади. Қариндошлари, кейинчалиқ унга яна бир ҳукм чиқарилганини ва беш йил қамоқ жазоси берилганини хабар қилди. 2020 йил 11 июнь куни Юлдашев ўз оиласига ҳозирда жазони ўтётган жойида, Навоий қамоқхонасида (ЖИЭК 64/46) қийноққа солингланигини маълум қилиш учун кўнғироқ қилди. Қариндошлар, Юлдашевнинг “қийноқлар” сўзини айтиши билан телефон алоқаси узилганини баён қилишди. Юлдашев қариндошларидан мамлакат бўйлаб жойлашган ва жамоатчиликка очиқ бўлган Президент қабулхоналари орқали Президент маъмуритига қийноқлар ҳақида хабар беришни сўради. Оиланинг адвокати Дишод Жабборов, мижознинг суд-тиббий экспертизасини ўтказиш учун ариза топширганини, аммо илтимоснома рад этилганлигини маълум қилди.<sup>65</sup>

Қамоқхона маъмуритининг мансабдор шахслари Жаҳон силга қарши кураш ташкилотининг қамоқхоналарда фаол дастури ва ОИВ/ОИТСни даволаш ва одини олиш дастури ҳақида хабар беришди. Шу билан бирга, халқаро эксперtlар қамоқхоналардаги юқумли касалликлар даражаси жамоатчиликка маълум эмаслигини қайд этмоқда ва сил касаллиги ва ОИВ/ОИТС билан касалланиш кўрсаткичлари умумий аҳоли сонига қараганда қамоқхоналарда юқори бўлиши мумкин, деб ҳисобламоқда.<sup>66</sup> Бу ерда тасвирланган камидা иккита диний маҳбус, Хайрулло Турсунов ва Иброҳим Холматов Ўзбекистон қамоқхоналарида сил касаллигини тарқалишдан ташвиш билдири.

<sup>64</sup> Сурат Икромов ва Гулнора Файзиева билан интервью, Тошкент, 2020 йил 20 ноябрь.

<sup>65</sup> Дишод Жабборов билан телефон орқали сұхбат, Тошкент, 2021 йил 21 февраль; Сурат Икромов ва Гулнора Файзиева билан интервью, Тошкент, 2020 йил 20 ноябрь.

<sup>66</sup> Қаранг: АҚШ давлат департаменти, 2021 йил учун Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги амалиёт тўғрисида мамлакат ҳисоботлари, Демократия, инсон ҳуқуқлари ва меҳнат масалалари бўйича бюроси томонидан чоп этилган, АҚШ давлат департаменти, 2021 йил 30 марта, 2021 йил, <https://www.state.gov/reports-bureau-of-democracy-human-rights-and-labor/country-reports-on-human-rights-practices/>.



**Иброҳим Холматов** (1980 й.т.), 41 ёш, Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳридан бўлган диндор мусулмон. Холматов 2000 йилда “конституцияга хилоф фаолият” (159-модда), “қонунга хилоф равишда жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларни ташкил этиш” (216-модда) ва “жамоат ҳавфисизлиги ёки жамоат тартибига таҳдид солувчи материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш”да (244-модда) айбланиб, ҳибсга олинган, инсон ҳуқуқлари гурӯҳлари ушбу жиноят ишини сохталаштирилган деб ҳисобламоқда. Оиласи ва ҳуқуқ ҳимоячиларининг сўзларига кўра, Холматов қамоқда қийноққа солинган.<sup>67</sup> У ўн йилга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинди ва 2001 йилда жазони ўташ учун Қарши шаҳридаги қамоқхонага юборилди. 2002 йилнинг май ойида унда ўтказиб юборилган даражада сил қасаллиги аниқлагандан сўнг, расмийлар уни қамоқдан муддатидан олдин шартли озод қилиш тўғрисида ҳукм чиқардилар. Бироқ, ўн саккиз йил ўтиб, ҳукумат ҳудди аввалгилик айбловларни чиқариб, 2020 йилнинг 8 январида Холматовни яна ҳибсга олди. У “терроризм”да (155 (1)-модда) ва яна бир бор “қонунга хилоф равишда жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларни ташкил этиш”да (216-модда) айбланди. Қариндошлар ҳуқуқ ҳимоячиларига Холматовнинг сўроқ қилиш пайтида, уни ёлғон кўрсатма бериши учун Цельсий бўйича -10 даражада совуқ ҳароратда ушлаб туришганини айтишиди.

Холматовнинг иши ҳеч қандай маҳфий масалалар билан боғлиқ эмаслигига қарамасдан, 2020 йил сентябрь ойида ўтказилган суд жараёни жамоатчилик ва журналистлар учун ёпилди; ҳатто унинг қариндошларига ҳам иштирок

этишга рухсат берилмаган. Тошкент суди Холматовни тўрт йил ва бир ой очиқ турдаги манзил колонияда жазони ўташга ҳукм қилди.

Собиқ диний маҳбус Хайрулло Турсунов (1975 й.т.) оиласига ҳавфисизлик ходимлари томонидан “ёлғон иқрор қилиш” мақсадида “калтаклангани ва психологик босим остида бўлгани” тўғрисида хабар берган.<sup>68</sup> Унинг оиласи қийноқлар ҳақида хабар берган бўлса-да, тергов бўлмагани сабабли ҳеч ким жавобгарликка тортилмаган. Унинг ишида инсон ҳуқуқлари бузилишларини батафсил ҳужжатлаштирган Форум 18, шунингдек, Турсуновни эҳтимол, қасдан сил қасаллигига чалинтирилганлиги ҳақида хавотирларни билдирган.<sup>69</sup> Унинг еркинлигини таъминлаш бўйича кенг қамровли ҳалқаро кампаниядан сўнг Ўзбекистон ҳукумати уни 2021 йил июнь ойида озод қилди.

Татяна Довлатова ва “Open Line” инсон ҳуқуқлари груҳи каби ҳуқуқ ҳимоячилари қамоқхона ходимлари COVID-19 билан боғлиқ ҳавфисизлик чораларига етарлича риоя қилмаганликларидан, ва айниқса, кекса ва қасал маҳбусларда бундай чоралар йўқлиги сабабли қасалланиш ҳавфи юқори эканлигидан хавотир билдирилар.<sup>70</sup>

## ҲЕЧ ҚАНДАЙ РЕАБИЛИТАЦИЯ

Диний ва сиёсий маҳбусларни озод қилиниши ҳукуматнинг диний ва сиёсий ислоҳотларга жиiddий қарашига умид бахш этди. Охирги тўрт яrim йил ичида озод қилинган маҳбуслар сони Каримов даврида ҳар йили ўртача ҳисобда озод қилинган бир ёки икки маҳбусдан кескин фарқ қиласи. Бу, шунингдек, Ўзбекистон ҳукумати Ўзбекистондаги барча диний ва сиёсий маҳбусларни озод этиши мумкин деган умидни бағишлидай.

Бироқ, ҳукумат собиқ диний ва сиёсий маҳбусларга қонуний ҳимоя қилиш имкониятини, шу жумладан адолатсиз ҳукмларни бекор қилишни ёки, гарчи уларнинг кўпчилиги йиллар давомидаги мاشаққатлари ортидан ҳароб аҳволда қолаётган бўлса-да, уларга етарли тиббий даволаниш учун имкон яратмади. Ҳукумат уларни ўзбошимчалик билан ҳибсга олинганлиги ва ноқонуний қамалганини ҳеч қандай тарзда тан олмади.

<sup>67</sup> Сурат Икромов ва Гулнора Файзиева билан интервью, Тошкент, 2020-йил 20-ноябрь; “Барнохон Б”, Янгийўл, Тошкент вилояти, 2021-йил 15-май билан телефон орқали сұхбат.

<sup>68</sup> Мушфиг Байрам, “Ўзбекистон: Маҳбус синглиси билан “эҳтимол, охирги марта”, учрашишни сўради, Форум 18, 2020 йил 3 сентябрь, [https://www.forum18.org/archive.php?article\\_id=2598](https://www.forum18.org/archive.php?article_id=2598).

<sup>69</sup> Id.

<sup>70</sup> Қаранг: АҚШ давлат департаменти, 2021 йил учун Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги амалиёт тўғрисида мамлакат ҳисоботлари, Демократия, инсон ҳуқуқлари ва меҳнат масалалари бўйича бюроси томонидан чон этилган, АҚШ давлат департаменти, 2021 йил 30 март, 2021 йил, <https://www.state.gov/reports-bureau-of-democracy-human-rights-and-labor/country-reports-on-human-rights-practices/>.

Жиноий кодексга кўра, ҳозирги вақтда маҳбусларни жазо муддати тугашидан олдин озод қилишнинг бешта йўли мавжуд: авф этиш, амнистия, оқлаш, касаллик ва муддатидан олдин шартли озод қилиш.<sup>71</sup> Фақат оқлов жазоси реабилитация ва зарарни қоплаш ҳукуқини берган бўлса-да<sup>72</sup>, барча диний ва сиёсий маҳбусларни озод қилиш афв этиш ёки амнистия шаклида амалга оширилди, бу эса реабилитация учун ҳукуқий асос бўлмайди. Баъзи ҳолларда маҳбуслардан ўз айбларига икror бўлишларини ёки расмий равишда кечирим сўраб ёзма мурожаат қилишни сўрашди, бу эса уларни кейинчалик оқлаш ёки реабилитация қилиш учун уринишларини имконсиз қилган.<sup>73</sup> Кўпчилик шартли равишда озод қилинди.<sup>74</sup> Баъзилардан товон пули ва зарарларни қоплаш ҳукуқларидан воз кечишини сўрашди. Кўпгина иш берувчилар собиқ диний ёки сиёсий маҳбусларни ишга олишни истамайдилар, чунки улар жарималардан ёки фойдали давлат шартномаларини йўқотишдан қўрқишида; бошқалар эса потенциал ишчи оддий жиноятчи эмаслигига амин эмаслар. Ҳукумат томонидан ҳомийлик қилинган иш таклифлари кўпинча малака жиҳатдан мос эмас ва баъзан инсон учун ҳақоратлидир ҳам. Агар собиқ маҳбуслар давлат томонидан молиялаштириладиган ишга ёлланган бўлса ҳам, уларнинг аксарияти давлатга иш ҳақининг 20 фоизини тўлаши керак.<sup>75</sup>

Амалда озод қилинганидан кейин реабилитация қилинган мақомни олиш жуда қийин, чунки озод

қилинган диний маҳбусларнинг жуда камчилиги ўз ишларини қайта кўриб чиқишилари ёки реабилитация қилишларига муваффақ бўлган. Жаҳонгир Кулижанов каби бир қанча озод қилинган диний маҳбуслар адолатсиз ҳукмлари устидан судга даъво киритдилар ва фақат қисман ҳукуқий реабилитацияни қўлга киритдилар. Ҳозирги вақтда Кулижанов ўз иши юзасидан бошқа жиноий моддалар бўйича шикоят қилмоқда ва тўлиқ реабилитацияга эришишга умид қилмоқда. Хизб-ут-Тахрирга аъзоликда айбланиб, 18 йилга озодлиқдан маҳрум этилган, шу жумладан, Жасликда жазони ўтаган собиқ диний маҳбус Акрам Икромов, шунингдек, жиноят-процессуал кодексининг 83 моддасига мувофиқ реабилитацияга эришишга муваффақ бўлди.<sup>76</sup>

Бугунги кунда, ҳукумат озод қилингандарни реабилитация қилишга ёки кўплаб фуқароларга бундай катта зарар етказган диний репрессия сиёсатини қайта кўриб чиқишига олиб келадиган ҳақиқатни ўрнатиш ва ярашиш бўйича муҳим стратегияни амалга оширишни режалаштирганидан ҳеч қандай дарак йўқ. Ўтмишдаги ҳукуқбузарликлар, жумладан, диний ва сиёсий сабабларга кўра қамоқ жазосига ҳукм қилиш билан боғлиқ ишларда жамоатчиликнинг иштироқидаги мазмунлий миллий мuloқот узоқ муддатли ислоҳотларнинг муваффақияти учун муҳим аҳамият касб этади.

<sup>71</sup> Ушбу ҳукукий ҳимоя воситаси диний ва сиёсий маҳбусларга нисбатан ҳеч қачон қўлланилмаган. Қаранг: Жиноят кодексининг 163-моддаси - Жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш ҳоллари, 18-мода -18-мода. Фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, <https://lex.uz/docs/163627#168609>.

<sup>72</sup> Ўзбекистон Жиноят-процессуал кодексининг 83 - моддаси билан биргаликда кўриб чиқилётган 301-модда.

<sup>73</sup> Иштироқчи давлатнинг саволлар рўйхатига жавоблари, CAT/C/UZB/Q/5/Add.1, 2019 йил, 20 сентябрь 15-24, 116-бандалар, <https://undocs.org/CAT/C/UZB/Q/5/ADD.1>

<sup>74</sup> “Ўзбекистон: сиёсий маҳбусларни озод қилиш ва реабилитация қилиш”,Хюман Райтс Вотч, 2018 йил 17 ноябрь, <https://www.hrw.org/news/2018/11/17/uzbekistan-release-and-rehabilitate-political-prisoners>.

<sup>75</sup> “Жазо муддатини ўтаетган, қилишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гурух шахсларни авф этиш тўғрисида”ти фармон <http://uza.uz/ru/documents/ukazom-prezidenta-pomilovany-113-grazhdan-27-08-2020>, 2021 йил 16 апрелда мурожаат қилинган.

<sup>76</sup> Ахмаджон Мадмаров билан интервью, Тошкент, Ўзбекистон, 2020 йил 9 ноябрь.

# ТАҚДИРИ ТАШВИШГА СОЛАЁТГАН ДИНИЙ МАҲБУСЛАР



Усмон Дарвишов© Расм марҳамат билан тақдим этилган, оила

1. **57 ёшли, Наманганда яшовчи диндор мусулмон Усмон Дарвишов** (1963 й.т.), енгил атлетика мактабида бокс бўйича мураббий бўлиб ишлаган. 2009 йил 18 февраль куни Ўзбекистон хавфсизлик хизмати уни уйига қайтганида қўлга олди. Дастреб улар уни “кичик безорилик” да айблашди ва 15 кунлик маъмурий қамоқقا ҳукм қилишди. Ҳибсга олиш вақтида хавфсизлик хизмати ходимлари уни Наманган вилояти хавфсизлик хизмати тергов ҳибсонасига олиб боришган, кейин уни “экстремизм”да айблашган. Ҳукумат Дарвишовни “миллий, ирқий, этник ва диний нафратни қўзғатиш” (156-модда), “конституциявий тузумни ағдаришга уриниш” (159-модда), “жиноий гурухни ташкил этиш” (242-модда) ва “диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотларни тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш”да (244-2-модда) ёлғон айбловларни қўйди. Дарвишовнинг ўғли Умархон Ёкубжонов хавфсизлик хизмати ходимлари, жумладан, Шоҳназар исмли офицер Дарвишовни ёлғон иқрор бўлиши учун қамоқقا ташлаганини маълум қилди. Дарвишов тегишли ҳуқуқий процедурага амал қилинмаган ёпиқ суд жараёни тугагандан сўнг, 16 йилга озодликдан маҳрум этилди. Қарши қамоқхонасида тўққиз йил жазони ўтаган Дарвишов 2018 йилда очиқ турдаги манзил колонияга кўчирилди.

2. **42 ёшли Файзулла Сайдкаримович Агзамов** (1969 й.т.), 2001 йилда “конституциявий тузумни ағдаришга уриниш” (159-модда) ва тақиқланган ташкилотга аъзолик (244-модда) айблови билан ҳибсга олинган ва 17 йилга озодликдан маҳрум этилган. Ҳуқуқ ҳимоячилари, ҳукумат Агзамовни ўз динига ҳукумат томонидан ўрнатилган қаттиқ назоратдан ташқарида эътиқод қилган диндор мусулмоннинг профилига мос келганлиги учунгина таъқиб қилганлар, деб маълум қиласди. Кейинги йигирма йил ичida Ўзбекистон ҳукумати Агзамовнинг бир неча қариндошларини, шу жумладан, унинг хотини ва ўғлини ҳудди шундай айбловлар билан ҳибсга олди ва қамади, Агзамовдан бошқа ҳаммаси бугунги кунда озод қилинган. 2014 йилда, озод қилинишига уч йилдан озроқ муддат қолганида, ҳукумат яна уни қамоқхонада айблаб, жазо муддатига яна бир 16,5 йил қўшиб қўйди. Унинг қариндошлари расмийлар Агзамовни илгари қамоқда бўлган пайтида қийноққа соганини таъкидлайдилар. Агар Агзамов бутун муддатини ўтаса, у 2030 йилда озодликка чиқади. Агзамовнинг оиласидан олинган сўнгги маълумотларга кўра, у ҳозирда Бухорода, Қоровулбозорда (ЖИЭК-17) да қаттиқ режимли колонияда жазони ўтамоқда.
3. **Тоҳир Жуманов** (1963 й.т.), 57 ёш, 1999 йил 6 августда Тошкентда Ҳизб-ут-Тахрир адабиётини тарқатиш айблови билан ҳибсга олинган. Сирдарё вилояти суди уни Жиноят кодексининг турли моддалари, шу жумладан, 156, 159, 216, 242-2, 244, ва 246-моддалар бўйича 10 йилга озодликдан маҳрум қилди. Жумановнинг қамоқ муддати бир неча бор ноқонуний равишда узайтирилди. Биринчи ҳолат 2009 йилда, Зарафшон қамоқхонасида (ЖИЭК 64/48) содир бўлган, унинг ҳукми “қамоқхона тартибини бузиш” учун 221-модда бўйича ўзбошимчалик билан узайтирилиб, жазо муддатига қўшимча уч йил ва етти кун қўшилди. Унинг муддати 2012 йилда тугаётганлиги сабабли, Қарши қамоқхонасидағи мансабдор шахслар уни яна ўн йилга ҳукм қилишди. Ҳуқуқ ҳимоячилари ва Жумановнинг қариндошлари Маруф Абдулаев исмли қамоқхона ходими уни 2018 йил 10 май куни Навоий қамоқхонасида (ЖИЭК

- 64/46) қийноққа соглани түгрисида хабар беришган. Хукумат ҳеч қачон Жұмановнинг қийноқлар ҳақидағи баёнотларини текширмаган.
4. Равшан Қосимов - АҚШ Вест Поинт ҳарбий ақадемиясида алмашинув дастурида ўқыган аскар. 2008 йилда хавфсизлик идоралари уни ҳібсга олиб, “диний экстремизм” айблови билан сүроқ пайтида қийноққа солиши. Равшанинг онаси Малика Қосимованинг сўзларига кўра, хавфсизлик хизмати уни Қуръоннинг нұсхасини ўз нарсаларида сақлаб юрган содиқ мусулмон бўлгани учун ажратишган. Ҳібсга олинганидан кейин расмийлар уни “конституцияга хилоф фаолият” (159-модда) айблови билан қамоққа тиқиш билан қўрқитишган кейин давлатга хоинлик қилишда (157-модда) айблашга ўтишган. Қосимованинг таъкидлашича, Қосимовни сохта иқороп бўлишга мажбур қилиш мақсадида дастлабки ҳібсга олиш пайтида шафқатсиз қийноққа солиншган. Қосимова ва турмуш ўртоғининг адвокати Сергей Майоров, расмийлар Қосимовни амнистия ёки озод қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун турли хил уйдрма “қамоқхона қоидаларини бузиш” ҳолатларини бир неча бор ўюнтиришган. Унинг ҳозирги қамоқ муддати 2023 йилда тугайди. Қосимова, шунингдек, Пскентдаги очиқ турдаги манзил колониянинг (ЖИЭК-50) маъмурияти 2020 йилда Қосимовни қоралаб, сохта асослар келтиришганини таъкидламоқда, бу уни яна қаттиқроқ режимли ёпик турдаги колонияга қайтариш учун баҳона бўлишидан хавотир билдиран. Майоров, расмийлар Қосимовдан қасос олишлари мумкин, деб ҳисоблайди, чунки сўнгги йилларда у реабилитацияга даъво қилаётган айбланувчининг ишида қийноққа солиша айбланаётган мансабдор шахсларга қарши гувоҳлик берган. “Улар, эҳтимол, уни ўлдиришни хоҳлашади”, дейди Қосимова.
5. Аваз Абдуваҳовиҷ Тўхтаходжаев (1949 й.т.), 72 ёш, иқтисодчи. Хавфсизлик хизмати ходимлари уни 1999-йил 26-ноябрь куни Тошкентдаги уйида “Ҳизб-ут-Таҳрир” га алоқадорликда гумон қилиб, ҳибсга олган ва уйида тинтуб ўтказган. Хавфсизлик ходимлари унга 156, 159, 216, 244-1, 244-2, 246-моддалар бўйича айблов эълон қилиши. Дастребки қамоқ вақтида хавфсизлик хизмати ходимлари Тўхтаходжаевни айбга сохта иқороп бўлиши учун бешафқат қийноққа солиши. Бошқа усуллар билан бир қаторда хавфсизлик ходимлари Тўхтаходжаевни резина таёқ билан у хушидан кетгунча калтакладилар. 2000 йил март ойида Тошкент вилоят суди уни 13 йилга озодликдан маҳрум қилди. Турли хил ёлғон баҳоналарни қўллаган ҳолда, қамоқхона маъмурияти Тоҳтаходжаевнинг қамоқ муддатини беш марта (2001, 2002, 2004, 2007 ва 2013 йилларда) ўзбошимчалик билан узайтириди ва унинг дастлабки ҳукмига 12 йилдан ортиқ қўшиб, амнистия бўйича озод қилиниш ҳуқуқидан маҳрум қилди. Қатор касалликларга чалинган, шу жумладан, 2018 йилнинг август ойидаги инсультни бошдан кечирган Тўхтаходжаев 22 йилдан буён бирин-кетин Навоий, Андижон ва Бухоро қамоқхоналарида жазони ўтаб келмоқда.
6. 43 ёшли Умар Бадалов (1978 й.т.), Тошкент шаҳрида яшовчи диндор мусулмон дастлаб 1999 йил 4 марта, 21 ёшида, 1999 йил февраль ойида Тошкентда содир бўлган портлашлардан кейинги оммавий ҳібсга олишлар бошланганида ҳібсга олинган, 1999 йил 6 августда Жиззах вилоят суди томонидан экстремистик адабиётни сақлашда (244-модда) ва “диний экстремизм” да айбланиб, 17 йилга озодликдан маҳрум этилган, дастлабки тергов давомида қамоқда сақланаётган пайтда хавфсизлик хизмати ходимлари уни оёқ ва қўлларида тирноқларини су туриб, вахшийларча қийноққа соглан. Бадалов 2003 йилда эълон қилинган амнистия асосида озод қилинди. Озод қилинганидан сўнг, милиция ва хавфсизлик хизматлари уни яқиндан кузатиб боришиди ва мустақил ҳуқуқ ҳимоячилигининг ташаббускор гурухининг маълумотларига кўра, 2015- йилда Тошкент масжидида портлаш содир бўлгани муносабати билан, қўплаб гувоҳлар Бадалов ва унинг хотини портлаш содир бўлган жойдан 22 чақирим нарида тутғруқхонада кўрганини айтишганига қарамай, уни ҳібсга олишни режалаштирган эди. Унинг оиласига кўра, 2003 йилда қамоқдан озод қилинганидан сўнг, у бошқа диндор мусулмонлар билан алоқани бутунлай тўхтатди, фақат уйда ибодат қилди ва масжидга



Аваз Тўхтахўжаев© Тақдим этилган фотосурат, Ҳусусий

хар қандай ташриф буюришдан қочди. Кейин Бадалов кўп йиллар давомида Россияда, Москвадаги қурилишларида меҳнат мұхожири сифатида ишлаган. Унинг икки нафар ҳамкасби номаълум сабабларга кўра Яқин Шарққа кўчиб ўтгандан сўнг, Ўзбекистон маҳсус хизматлари яна унга қизиқиш билдира бошлади. 2017 йил 19 январь куни Бадалов диний экстремизмга алоқадорликда гумон қилиниб, Тошкент ҳалқаро аэропортига қайтиб келганида ҳибсга олинган ва ўша вақтдан бери у қамоқда сақланмоқда.



Нематулло Ибрагимов© Тақдим этилган фотосурат, хусусий

7. Наманганда яшовчи 57 ёшли Нематулло Якубович Ибрагимов (1963 й.т.) 1998 йилда турли айловлар билан, жумладан, 159, 242, 248-моддалар бўйича ҳибсга олинган ва судланган. Ҳибсга олиш вақтида милиция уни диндор мусулмон бўлгани сабабли ваҳобийлиқда айлади. Ибрагимов 2004 йилда эълон қилинган амнистия бўйича озод қилингунга қадар жазони диний маҳбусларнинг катта гурухи билан бирга ўтаб келган. Ҳукумат Ибрагимовни 2005 йил май ойида Андижондаги хунрезликдан сўнг “экстремист” деб гумонланганларнинг навбатдаги оммавий ҳибсга олишлар давомида Ибрагимовни яна бир бор ҳибсга олиб, уни шу каби айловлар (159, 244-1, 244-2-моддалар) бўйича олти йилга озодликдан маҳрум қилди. 2011 йилда озод қилинишига атиги бир ой қолганда, мансабдор шахслар уни учинчи маротаба 159, 244-1, 244-2-моддаларга кўра айблаб, яна 10 йил озодликдан маҳрум этишга ҳукм чиқаришиди ва бу билан жазо муддатини 2021 йилга қадар узайтиришиди. Ибрагимовнинг қариндошлари ҳукуқ ҳимоячиларига у жазони ўтаган бир неча қамоқхоналарда қийноққа солинганини ва унинг суд

процесслари тегишли процедуранинг жиддий бузилиши билан кечганини маълум қилишган. Улар, шунингдек, Ибрагимовнинг озодликдан маҳрум қилиш муддатини ўзбошимчалик билан узайтириш эҳтимоли борлигини маълум қилишган. Ибрагимов Навоийда 64/29, Зангиготада 64/1, Қаршида 64/33, Бухоронинг Қоровулбозорида 64/25 муассасаларида жазони ўтаган ва бугун у Зарафшондаги муассасада деб тахмин қилинмоқда.

8. Рашидов Мұхаммад Абдукаримович (1985 й.т.), 36 ёшда, Тошкент шаҳрида яшовчи, 2018 йилда тўрт нафар қариндоши билан бирга диний экстремизмда уйдирма айловлар билан ҳибсга олинган. Тошкент шаҳар суди 2018 йил 9 июл куни беш нафар айланувчиларнинг барчасига ҳукм чиқарган. Қолган тўрт нафар айланувчи шартли равища озод қилинган ёки уй қамогида олинган бўлса-да, Рашидов саккиз йилга озодликдан маҳрум этилди. Судда иштирок этган ҳуқуқ ҳимоячилари, айлов томони жинойи хатти-ҳаракатларнинг ишончли далилларини тақдим этмаганлигини маълум қилди.
9. Санат Суннаталиевич Салимов (1992 й.т.), 28 ёш, Навоий шаҳрида истиқомат қилувчи, Ўзбекистонга қайтганидан кейин ҳибсга олинган, унгача Россияда меҳнат мигранти бўлиб ишлаган. Салимов 2016 йил апрель ойида етти йилга озодликдан маҳрум этилди. Навоий ички ишлар бошқармаси терроризм ва экстремизмга қарши кураш бўлими ходимлари унинг мобил телефонида арабча қўшиқларни топиб олгани учун ҳибсга олди. Милиция уни дастлаб маъмурӣ айловлар билан қўлга олди ва кейин унга диний экстремизмда жинойи айлов эълон қилди. Ҳуқуқ ҳимоячилари ва Салимовнинг қариндошлари уни Навоийга тергов ҳибсхонасида сақланганида бир неча милиция ходими уни бошига қоп кийдириб, ҳушини йўқотгунича калтаклашганини хабар қилишади. Улар сув солинган бутилкани жинсий аъзоларига боғлаб қўйишган ва уни резина таёқ билан дўппослашган. Улар, шунингдек, унинг қўллари ва оёқларига електрошок қўллашган. Милиция томонидан сўроқ қилиш пайтида, улар синглисини зўрлаш билан таҳдид қилишди. Ҳуқуқ ҳимоячилари Салимовнинг айбордлиги ёки зўравонликка алоқадорлиги ҳақида ҳеч қандай далил йўқлигини таъкидлайдилар; бунинг ўрнига айлов Салимовнинг телефонида топилган Араб тилидаги қўшиқларга асосланган, Салимовнинг сўзларига кўра, бу Навоий хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан сохталаштирилган.

10. **Жаҳонгир Жапарович Камолов** (1975 й.т.), 41 ёш, 2000 йил 18 майда Тошкент полицияси томонидан “Хизб-ут-Тахрир”га аъзоликда гумон қилиниб ҳисбсга олинган. У қамоқхонада қийноққа солинган. Ҳуқуқ ҳимоячилари милиция айловларни ва унга қарши ишни уйдирганини хабар қилмоқдалар. 2000 йил 22 сентябрь куни Тошкент суди уни 159, 216 ва 244-1 моддалари бўйича 16 йилга озодлиқдан маҳрум қилди. Унинг ҳукми ўн йилга қадар апелляция тартибида қисқартирилган бўлса-да, расмийлар саккиз йил давомида сохта айловлар билан ҳукмга қўшилдилар ва у “қамоқхона қоидаларини бузиш” (221-модда) учун фақат икки йил қолди. 2016 йил август ойида Камоловга “ётар жойини тузатмагани”ни баҳона қилиб, Навоий қамоқхонаси маъмурити унинг жазо муддатини яна тўрт йил ва етти ойга узайтириди. Камоловнинг қариндошлари ҳуқуқ ҳимоячиларига уни бир неча қамоқхоналарда қийноққа солинганлигини айтди.
11. **Иброҳим Холматов** (1980 й.т.), 41 ёш, Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳридан бўлган диндор мусулмон. Холматов Холматов илгари 2000 йилда инсон ҳуқуқлари гуруҳлари уйдирилган деб ҳисоблайдиган жиноят иши доирасида “конституцияга хилоф фаолият” (159-модда), “қонунга хилоф равишда жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларни ташкил этиш” (216-модда) ва “жамоат хавфсизлиги ёки жамоат тартибига таҳдид солувчи материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш”да (244-модда) айбланиб, ҳисбсга олинган. Оиласи ва ҳуқуқ ҳимоячиларининг сўзларига кўра, Холматов қамоқда қийноққа солинган. У ўн йилга озодлиқдан маҳрум қилишга ҳукм қилинди ва 2001 йилда жазони ўташ учун Қарши шаҳридаги қамоқхонага юборилди. 2002 йилнинг май ойида унда ўтказиб юборилган даражада сил касаллиги аниқлагандан сўнг, расмийлар уни қамоқдан муддатидан олдин шартли озод қилиш тўғрисида ҳукм чиқардилар. Бироқ, ўн саккиз йил ўтиб, ҳукумат ҳудди аввалгидек айловларни чиқариб, 2020 йилнинг 8 январида Холматовни яна ҳисбса олди. У “терроризм” (155 (1-модда)) ва яна бир бор “қонунга хилоф равишда жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларни ташкил этиш” (216-модда) билан айбланган. Қариндошлар ҳуқуқ ҳимоячиларига Холматовнинг сўроқ қилиш пайтида, уни ёлғон кўрсатма бериши учун Цельсий бўйича -10 даража совуқ ҳароратда ушлаб туришганини айтишди. Холматовнинг иши ҳеч қандай маҳфий масалалар билан боғлиқ эмаслигига қарамасдан, 2020 йил сентябрь ойида ўтказилган суд жараёни

жамоатчилик ва журналистлар учун ёпииди; ҳатто унинг қариндошларига ҳам иштирок этишга рухсат берилмаган. Тошкент суди Холматовни тўрт йил ва бир ой очиқ турдаги манзил колонияда жазони ўташга ҳукм қилди.

12. **Алишер Мўминов** (1986 й.т.), 35 ёшли Марғilonlik диндор мусулмон, 2016 йил 26 март куни Тошкентда ҳисбсга олинган ва 159(1), 159(3), 244 - моддаларни бузганлиқда, бошқа айловлар билан бирга худдики тақиқланган диний адабиётни тарқатганини айбланган. Мўминов Тошкентда этиқдўз бўлиб ишлаган ва кунларнинг бирида Интернетда Одноклассники.ру сайтида бир аёл билан танишиб қолган ва у билан ёзиша бошлаган. Мўминовнинг қариндошлари айтишича, аёл маҳсус хизматларга ишлаган ва атайлаб Алишернинг Ислом ҳақидаги фикрини билишга интилган. Улар бир неча бор телефон орқали суҳбатлашишган, суҳбатлар давомида бу аёл уни Исломий халифалик, Исломий давлат ва Суриядаги уруш ҳақидаги фикрлари ҳақида суриштирган. Мўминовнинг қариндошлари суҳбатлардан бирида аёл унга: “Сурияда жанг қилишни хоҳламайсизми?” - деб сўраган, дейишади. Кейин аёл Мўминов билан 2016 йил 26 март кунига шахсан учрашиш куни ва вақтини белгилаган. 2016 йил 26 март Муминов учрашув жойига келганида, у ерда хавфсизлик хизмати уни ҳисбсга олиш учун кутиб турарди. Маҳсус хизматларнинг Мўминовнинг телефонида топилган “экстремистик” деб ҳисбланган далиллари орасида машҳур диний арбоб, шоир ва спорт шарҳловчиси Хайрулло Ҳамидов (2010-йилдан 2015-йилгача бўлган даврда экстремизм учун қамоққа олинган) ва машҳур Имом Абдуллоҳ домланинг ёзувлари бўлган. Мўминов қариндошларига айбига иқрор бўлишга мажбур қилишганини ва адвокатга рухсат берилмаганлигини айтди. Ёпиқ суд жараёни тугагандан сўнг, Муминов дастлаб 15 йилга озодлиқдан маҳрум этишга ҳукм қилинди, бу муддат Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг идораси аралашувидан кейин қисқароқ - етти ярим йиллик жазога ўзгартирилди. Мўминов Жаслиқда (2016-2019 йилларда), кейин Наманганда Поп қамоқхонасида қамоқ жазосини ўтади ва ҳозирда Ҳасанбой манзил колонияда жазони ўтамоқда.
- “Форум 18”нинг хабар беришича, Алишер Қосимов (1986 й.т.), Шаҳзоджон Зокиров (1999 й.т.), Жавохир Ахмедов (1996 й.т.), Убайдулла Муртазоев (1996 й.т.), Азимжон Абдусаматов (2000 й.т.), Баҳодир Жохонов (2000 й.т.), Абдулборий Абдураҳмонзода (2000 й.т.) ва Бахтиёр Турсунов (1997 й.т.) лар 2019 йил август-

сентябрь ойларида диний сабабларга кўра, яъни “экстремистик ватъзларни” юклаб олиш ва бошқа диний екстремизм билан боғлиқ жиноятларни содир этишда айбланиб, ҳибсга олинганд ва биргаликда суд қилинган, натижада ҳаммасига турли жазо муддатлари белгиланган. Суд беш кишини **11 ярим йилгача қамоқ жазосига ҳукм қилиди**. Қолган уч нафари озодликни чеклаш жазосига ҳукм қилинди, бунинг давомида улар ҳар куни тунда комендантлик соати остида бўладилар, уларга машина бошқариш, интернет ёки бошқа алоқа воситаларидан фойдаланиш, кўнгилочар жойларга бориш ёки оммавий тадбирларда қатнашиш ва “жиноят содир этишга мойил ёки жиноий жавобгарликка тортилган” шахслар билан алоқа қилиш тақиқланади.

**13. Алишер Қосимов** (1986 й.т.), 35 ёш, 244-2 ва 155-3 моддалар бўйича диний экстремистик, сепаратист, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотларда аъзолик қилиш ва “терроризмни молиялаштириш” да гумонланиб, ўн бир ярим йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

**14. 21 ёшли Шахзоджон Зокиров** 244-2, 155-3 ва 159-1-моддалар билан диний экстремистик ташкилотларда иштирок этганикда гумон қилиниб, “конституциявий тузумни ўзгартиришга уриниш”, террористик фаолиятга тайёргарлик кўриш ва “террорчиллик ҳаракатларини содир этиш”да айбланиб, етти ярим йил муддатга қамалган.

**15. 24 ёшли Жавоҳир Аҳмедов** (1996 й. т.) Жиноят кодексининг 244-2 ва 244-1 моддалари бўйича худдики диний экстремизм ғояларини ўз ичига олган материалларни тайёрлаш ва сақлашда айбланган.

**16. Убайдулла Муртазоев** (1996 й.т.), 25 ёш, 2019 йил 5 сентябрда ҳибсга олинган ва 159-1, 159-3, 244-1 ва 244-2 моддаларида кўзда тутилган жиноятларни содир этишда айбланган. Форум 18 хабарига кўра, милиция Муртазоевни худдики диний экстремизм ғояларини ўз ичига олган материалларни тарқатиш мақсадида сақлаганлиги учун ҳибсга олган ва у ўн йил ва олти ой қамоқ жазосига ёки Тошкент вилоятидаги манзил колонияда жазони ўташга ҳукм қилган.

**17. Азимжон Абдусаматов** (2000 й.т.), 21 ёш, 2020 йил 14 августанда суд жараёни тугаганидан сўнг суд залининг ўзида ҳибсга олинган. У диний экстремизм ғояларини ўз ичига олган материалларни тарқатиш мақсадида тайёрлаш ва сақлашда, шунингдек, “конституциявий тузумни ўзгартиришга уриниш”да

гумон қилиниб, 244-2 ва 159-1 моддалар бўйича Тошкентдаги аҳлоқ тузатиш-меҳнат лагерида олти йил ва уч ой қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

**18. Баҳодир Жаҳонов** (1999 й.т.), 21 ёш, Жиноят кодексининг 244-2 моддаси бўйича жавобгарликка тортилди ва тўрт йил ва уч ойга “озодликни чеклаш”га ҳукм қилинди.

**19. Абдулборий Абдураҳмонзода** (2000 й.т.) Жиноят кодексининг 241 ва 155-1 моддалари бўйича террористик ҳаракатлар ҳақидаги маълумотни яширганлиқда айбланган ва тўрт йилга озодликдан маҳрум этилган. Озодликни чеклаш кечки соат 9 дан эрталабки соат 7 гача уйда қолиш, ҳеч қандай кўнгилочар жойларга бормаслик; оммавий тадбирларда иштирок этмаслик, жамоат транспортидан фойдаланмаслик, транспорт воситасини бошқармаслик, Интернетдан ва бошқа алоқа воситаларидан фойдаланмаслик шартларини англатади.

**20. Бахтиёр Турсунов** (1997 й.т.), 24 ёш, 2019 йил 5 сентябрда етти ярим йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинди. У Тошкентдаги меҳнат лагерида сақланмоқда. У 244-2, 244-1 ва 159 моддалари бўйича диний экстремизм ғояларини ўз ичига олган материалларни тарқатиш мақсадида тайёрлаш ва сақлаш ва “конституциявий тузумни ўзгартиришга уриниш” да гумон қилиниб ҳибсга олинган, бу Ўзбекистон Жиноят кодексига мувофиқ хоинлик ва жосуслик деб ҳисобланади.

Форум 18 дин ва экстремизм билан боғлиқ айбловлар билан кўплаб мустақил мусулмонларни, шу

жумладан, 2020 йил январида Исломни мұхокама қилиш учун учрашган бир нечта эркакларни, хусусан, Равшан Игамбердиев, Искандар Искандаров, Ақбар Абзалов ва Фариуддин Абдувоҳидовни ҳибсга олиш ҳолатлари ҳақида хабар беради.

Терговчилар ҳибсга олинганларни 244-1 (“жамоат ҳафсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид солувчи материалларни ишлаб чиқариш, сақлаш, тарқатиш ва намойиш қилиш”), 244-2 (“диний экстремистик, сепаратист, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотларда иштирок этиш”) ва 155 (“терроризм”) моддалари билан айблаб, уларни 2020 йил сентябрь ойида жавобгарликка тортиди.

Ҳибсга олинган ва судланганлар орасида:

**21. Равшан Игамбердиев** (1987 й.т.), 155-3-модда 1 ва 2-қисми, 244-1-модда 3-қисми “д” банди ва 244-2-модда 1-қисми билан айбланиб, уч йил ва икки ойга озодликни чеклашга ҳукм қилинган.

22. **Искандар Искандаров** (1988 й.т.), 33 ёш, Жиноят кодексининг 155-3, 244-1 ва 244-2 моддалари бўйича тўрт йилга озодлиқдан маҳрум этилган.
23. **Акбар Абсалов** (1987 й.т.) 34 ёш, жиноят кодексининг 155-3, 244-1 ва 244-2 моддалари бўйича тўрт йилга озодлиқдан маҳрум этилган.
24. **Фариуддин Абдувоҳидов** (1994 й. т.), 25 ёш, Жиноят кодексининг 155-3 ва 228-моддалари бўйича 11 йилга озодлиқдан маҳрум этилган.
25. **Муроджон Тоҳиржонович Хайтов** (1984 й.т.), 37 ёш, Андижонда истиқомат қилувчи мўмин мусулмон, у 2009 йилда диний экстремизмда уйдирма айбловлар билан, диний эътиқодларини тинч йўл билан амалга оширганлиги учунгина ҳибсга олинган. 2009 йилда Андижон вилоят суди уни экстремизмда, жумладан 155, 156, 159, 242, 244-1 ва 244-2-моддалар бўйича айблаб, 15 йилга озодлиқдан маҳрум қилди. Қариндошлари унинг Қашқадарё вилояти жанубидаги Косонда (ЖИЭК-64/51 жазони ижро этиш колониясида) қамоқ жазосини ўтагани ва 2018 йил март ойи ҳолатига Жиззах вилоятининг Зафоробод туманидаги манзил колонияга ўтказилганини маълум қилди.
26. **42 ёшли диндор мусулмон Фаррух Юлдашев** (1979 й.т.) дастлаб Тошкентда содир бўлган портлашлардан сўнг мустақил мусулмонларни ҳибсга олиш тўлқини пайтида 2000 йил февраль ойида ҳибсга олинган. 2000 йилда Тошкент суди уни етти йилга озодлиқдан маҳрум қилди. 2007 йилда, озод қилинишидан один қамоқхона маъмурлари унинг озодлиқдан маҳрум этиш жазосини ўзбошимчалик билан “қамоқхона қоидаларини бузиш”да сохта айблов билан (*раскрутка*) тўрт йил ва 15 кунга қамоқ муддатини узайтириди. 2008 йилда қамоқхона маъмурлари уни яна бир бор экстремизм айблови билан *судлади* ва саккиз йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилди. Суд жараёни қамоқхонада бўлиб ўтди ва адолатли суд жараёни стандартларига жавоб бермади. Қариндошлари, кейинчалик унга яна бир ҳукм чиқарилганини ва беш йил қамоқ жазоси берилганини хабар қилди. 2020 йил 11 июнь куни Юлдашев ўз оиласига ҳозирда жазони ўтаётган жойида, Навоий қамоқхонасида (ЖИЭК 64/46) қийноқса солингланлигини маълум қилиш учун кўнгироқ қилди. Қариндошлар, Юлдашевнинг “қийноқлар” сўзини айтиши билан телефон алоқаси узилганини баён қилишиб. Юлдашев қариндошларидан мамлакат бўйлаб жойлашган ва жамоатчиликка очиқ бўлган Президент қабулхоналари орқали Президент маъмуриятига қийноқлар ҳақида хабар беришни сўради. Оиланинг адвокати Диљшод Жабборов, мижоннинг суд-тиббий экспертизасини ўтказиш учун ариза топширганини, аммо илтимоснома рад этилганлигини маълум қилди.
27. **Муҳамаджон Акмалжон оғли Аҳмаджонов** (1992 й.т.), 29 ёш, диндор мусулмон ва диний маҳбус Насиба Усмонованинг ўғли бўлиб, унинг қариндошлари билан бирга “Жиҳодчилар” га аъзоликда айланган, ушбу ташкилот ўзбек ҳукумати томонидан экстремистик ташкилот сифатида тақиқлаган. Ўзбекистон ҳукумати Аҳмаджоновни Бирлашган Араб Амирликларидан, сўнгра Озарбайжондан экстрадиция қилишга интилди ва у 2017 йилда қайтарилиди. 2017 йил 20 май куни суд Аҳмаджоновни экстремистик адабиётларни сақлаш (219, 244-1 ва 244-2-моддалар) айблови билан 13 йилга озодлиқдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилди.
28. **Акбар Саидаҳмедович Икрамов** (1981 й.т.), 40 ёш, 2000 йил 17 апрель куни 159, 216 ва 244 моддалар билан Марғилон шаҳар суди томонидан диний эътиқодларини тинч йўл билан амалга оширишдан бошқа ҳеч қандай сабабсиз саккиз йилга озодлиқдан маҳрум этилган. 2008 йилнинг 18 февраляда, унинг жазоси тугашидан атиги икки ой олдин Навоий вилоят суди уни 159-модда бўйича яна олти йил ва олти кунга ҳукм қилди. Сўнгра 2008 йил 15 август куни Навоий вилоят суди уни 17 йил муддатга 159, 242 ва 244 моддалари бўйича яна жазога тортди. Икрамовнинг жазо муддатини узайтириш учун суд Икрамовнинг ҳукмини бутунлай уйдирилган ишларга асосланганига қарамасдан, уни “хавфли рецидивист” деб топди ва унинг иши бўйича 34-моддани қўллади. Икромов ҳозирда Навоий (ЖИЭК-11) қамоқхонасида сақланмоқда.
29. **51 ёшли Миразиз Гозибоевич Мирзахмедов** (1970 й.т.) 2000 йил 5 июнда Тошкент вилоят суди томонидан 1999 йил февраль ойида Тошкентда содир бўлган портлашлардан сўнг диндор мусулмонларнинг оммавий “тозалашлар” доирасида 159, 216 ва 244 моддалари бўйича 13 йиллик жазо муддатига ҳукм қилинган. Сўнгра 2008 йил 15 августда Мирзахмедов Навоий вилоят суди томонидан 159, 242 ва 244 моддалари бўйича 17 йилга ҳукм қилинди. Ҳозирги вақтда у Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида (ЖИЭК-6) қамоқда сақланмоқда.
30. **Равшан Раҳимжанович Каримов** (1973 й.т.), 48 ёш, 2000 йил 22 майда Тошкент шаҳар суди томонидан 159, 216 ва 244-моддалар бўйича ҳукм қилинган

ва 13 йилга озодлиқдан маҳрум этилган. Ҳукумат Каримовни “Ҳизб-ут-Тахрир” га аъзо бўлганликда гумон қилиб, унинг зўравонлик ёки бошқа жиноий фаолиятга алоқадорлиги ҳақида ҳеч қандай далилсиз таъқиб қилган. 2008 йил 15 август куни Навоий вилоят суди Каримовни 159, 242 ва 244-моддаларга кўра 16 йил ва олти ой қамоқ жазосига ҳукм қилди. Қариндошлари хабар беришича, Каримов ҳозирда Зарафшон шаҳридаги қамоқхонада (ЖИЭК-12).

31. **Жамшидбек Ибойдулаевич Атабеков** (1973 й.т.), 48 ёш, Жizzах шаҳар суди томонидан 1998 йил 30 марта 276-модда бўйича ҳукм қилинган ва тақроран 1999 йил 3 июлда Жizzах вилоят суди томонидан 159, 248 ва 276-моддалар бўйича 11 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган диндор мусулмон. Ҳуқуқ ҳимоячилари унинг жиноят иши бутунлай уйдирилган деб ҳисоблашади. 2008 йил 15 август куни Навоий вилоят суди унга 16 йил ва олти ой муддатга 159, 242 ва 244 маддалари бўйича айблов эълон қилди. Айни пайтда у Қашқадарё вилоятида Косон қамоқхонасида (ЖИЭК-10) сақланмоқда.
32. **Шамсиддин Фазлитдинович Гиёсов** (1983 й.т.), 38 ёш, 2002 йил 4 январда Тошкент шаҳар суди томонидан 159 ва 244 маддалар бўйича олти йил ва олти ойга ҳукм қилинган диндор мусулмон. Гиёсовнинг оиласи уни диний эътиқодларини тинч йўл билан амалга оширганилиги учунгина, бошқа ҳеч қандай сабабсиз, нишонга айланганини хабар қилади. У 2007 йил 12 сентябрь куни Навоий вилоят суди томонидан 159-модда бўйича олти йил ва тўқиз ойга ҳукм қилинди. 2008 йил 15 август куни Гиёсов тақроран Навоий вилоят суди томонидан 159, 242 ва 244 маддалари бўйича яна 17 йилга ҳукм қилинди. Ҳуқуқ ҳимоячилари, ҳозирги вақтда уни Оҳангарондаги манзил-колонияда жазони ўтаётганини маълум қилади.
33. **Рустам Ахмедович Носиров** (1967 й.т.), 54 ёш, ўзининг диндорлигининг ташқи белгилари асосида ҳибста олинган мўмин мусулмон. Тошкент вилояти Чиноз туман суди Носировни 1998 йил 30 сентябрда 109-модда бўйича айбдор деб топди ва икки йилга жазолади, кейин 2000 йил 25 январь куни ҳудди шу суд томонидан у 159, 216 ва 244-моддаларига кўра тўқиз йилга озодлиқдан маҳрум этилди. Носиров 2008 йил 15 августда Навоий вилоят суди томонидан 159, 242 ва 244 маддалари бўйича 16 йил ва уч ой муддатга қайта ҳукм қилинди. Айни пайтда у Олмалиқдаги қамоқхонада (ЖИЭК-14) сақланмоқда.

34. **Турназар Мухаммадиевич Бойматов** (1973 й.т.), 48 йил, 2000 йил 27 март куни Сурхондарё вилоятида суд томонидан 159 ва 244 маддалари бўйича тўқиз йил муддатга ҳукм қилинди. 2008 йил 15 августда Навоий вилояти суди томонидан 16 йил ва уч ой муддатга 159, 242 ва 244 маддалари бўйича ҳукм қилинди. Ҳуқуқ ҳимоячилари ва қариндошларига кўра, суд уни “рецидивист” деб топиш учун 34-моддасини қўллаган ва шу билан унинг қамоқ муддатини узайтирган. Бойматовнинг ҳозирги жойлашуви номаълум.
35. **Забиҳулло Хайруллаевич Мўминов** (1968 й.т.), 53 ёш, диндор мусулмон, дастлаб 1999 йилда Тошкентда содир бўлган портлашлардан кейин ҳибста олинган. Унинг оиласи милиция у диндор мусулмон бўлгани учун унга қарши иш қўзгатганини айтди. 1999 йил 12 октябрда Тошкент шаҳар суди уни 159 ва 216-моддаларига кўра 11 йилга озодлиқдан маҳрум қилди. 2008 йил 15 август куни Навоий вилоят суди уни 159, 242 ва 244-моддалари бўйича яна 16 йил ва олти ой қамоқ жазосига ҳукм қилди. Ҳозирги вақтда Муминов қамоқда, аммо унинг аниқ жойлашуви номаълум.
36. **Машрап Фарҳодович Рабиев** (1981 й.т.), 40 ёш, оддий диндор мусулмон, 2003 йил 20 майда Сурхондарё вилояти суди томонидан 159 ва 244-моддаларга мувофиқ тўқиз йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган. 2008 йил 15 август куни Навоий вилоят суди унга 159, 242 ва 244-моддалар бўйича 17 йил муддатга қўшимча қамоқ жазосига ҳукм қилди. Ҳозирги вақтда қариндошлари уни Қашқадарё вилоятидаги Косонда жойлашган 10-Тергов изоляторида сақланаётганлиги ҳақида хабар беришмоқда.
37. **Мурод Халилович Мўминов** (1971 й.т.), 50 ёш, 2002 йил 18 сентябрда Тошкент шаҳар суди томонидан 159 ва 244 маддалари бўйича 11 йил муддатга ҳукм қилинган. Ушбу рўйхатдаги бошқа оддий диндор мусулмонлар билан бир қаторда, 2008 йил 15 августда Навоий вилоят суди уни яна 16 йил ва олти ой озодлиқдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилди. Ҳуқуқ ҳимоячилари, унинг бирор бир жиноий фаолиятга алоқадорлиги ҳақида ҳеч қандай далил йўқлигини айтишади. Унинг ҳозирги қамоқхонадаги жойлашуви номаълум.
38. **Номоз Уралович Нормуродов** (1974 й.т.), 47 ёш, 2000 йил 13 июлда Сурхондарё вилоят суди томонидан 159, 244 ва 248 маддалар бўйича 11 йилга озодлиқдан маҳрум этилган оддий диндор мусулмон. 2008 йил 17 сентябрда Навоий вилоят суди томонидан

- 159, 242 ва 244 моддалари бўйича яна 17 йилга ҳукм қилинди. Айни пайтда у Қашқадарё вилояти Косон шаҳридаги ЖИЭК-10-муассасасида сақланмоқда.
39. **Бахромжон Умаржонович Иногомов** (1981 й.т.), 40 ёш, 2001 йил 1 майда Тошкент шаҳар суди томонидан 159 ва 244 моддалар билан 11 йил муддатга ҳукм қилинган оддий диндор мусулмон. Иногомов 2008 йилнинг 17 сентябрида Навоий вилоят суди томонидан 159, 242 ва 244-моддалар билан тегишли ҳуқуқий процедураларнинг кўплаб бузилиши билан бўлиб ўтган суд жараёнидан сўнг 18 йилга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинди. Айни пайтда у Тошкент вилоятининг Олмалиқ шаҳрида ЖИЭК-14 муассасасида сақланмоқда.
40. **Шуҳрат Эркинович Усмонов** (1976 й.т.), 45 ёш, Тошкент вилоят суди томонидан 1999 йил 21 майда 159, 216 ва 244 моддалари бўйича 12 йилга озодликдан маҳрум этилган оддий диндор мусулмон. Усмонов 2008 йил 17 сентябрда Навоий вилоят суди томонидан 159, 242 ва 244 моддалари бўйича яна 18 йилга ҳукм қилинди. Усмоновнинг қамоқдаги ҳозирги жойлашуви номаълум.
41. **Эркинжон Раҳимджонович Орипов** (1974 й.т.), 47 ёш, 2000 йил 8 августанда Тошкент шаҳар Шайхонтохур туман суди томонидан тўқиз йил муддатга 159, 216 ва 244 моддалари бўйича ҳукм қилинган. Ҳуқуқ ҳимоячилари, Орипов ҳеч қачон жиноий ёки экстремистик фаолият билан шуғулланмаганлиги ва жамиятда диндор мусулмон сифатида эътироф этилгани учунгина милиция томонидан ўзбошимчалик билан ҳисбса олинганини хабар қиласди. Орипов 2008 йил 17 сентябрда Навоий вилоят суди томонидан ёпиқ суд жараёнида 159, 242 ва 244 моддалари бўйича 18 йил қўшимча муддатга ҳукм қилинган. У ҳозирги кунда ҳам қамоқда, лекин унинг сақланаётган жойи номаълум.
42. **Аброр Абдуганиевич Ахмедов** (1976 й.т.), 45 ёш, диндор мусулмон. 2003 йил 23 январь куни Қашқадарё вилоят суди уни 159 ва 244-моддалар бўйича етти йилга озодликдан маҳрум қиласди. 2003 йилда ҳисбса олинишидан олдин ёки қамоқхонада бўлган вақтида жиноий фаолиятга алоқадорликда далил йўқлигига қарамасдан, 2008 йил 17 сентябр куни Навоий вилоят суди уни жазо муддатини узайтириш учун 34-моддани қўллаш орқали уни 159, 242 ва 244-моддаларга кўра қўшимча 18 йил қамоқ жазосига ҳукм қиласди. Унинг ҳозирги қамоқхонадаги жойлашуви номаълум.
43. **Дилруҳ Исаков** (1973 й.т.), 48 ёш, 2004 йил 2 марта Тошкент шаҳридаги Собир Раҳимов туман суди томонидан 159 ва 244-моддалар бўйича олти йилга ҳукм қилинган. Исаков - тақиқланган “Хизб-ут-Тахрир” ташкилоти фаолиятида гумон қилиниб ҳисбса олинган оддий диндор мусулмон. Қамоқхонада адвокатта ҳақиқий рухсат берилмаган ҳолда ўтказилган ёпиқ суд жараёнидан сўнг, 2008 йил 17 сентябр куни Навоий вилоят суди уни 159, 242 ва 244 моддалари бўйича қўшимча 18 йил қамоқ жазосига ҳукм қиласди. Унинг ҳозирги қамоқхонадаги жойлашуви номаълум.
44. **Набиджон Мамадаминович Валиев** (1967 й.т.) 1999-йил 3-августда Фарғона вилояти суди томонидан 16-йил муддатга 159, 216, 242 ва 244-моддалар бўйича ҳукм қилинган. 2008 йил 17 сентябр куни Навоий вилоят суди уни 159, 242 ва 244-моддалари бўйича қўшимча етти йилга озодликдан маҳрум қиласди. Ҳуқуқ ҳимоячиларининг маълум қилишича, Валиев 2012 йилда Қашқадарё тергов ҳибсхонасида қийноқлар натижасида вафот этган. Қариндошларининг хабар беришича, Валиев Марғилонда Ички ишлар вазирлиги ходимлари иштирокида дафн этилган.
45. **Абдулҳомид Қурбоналиевич Аллабердиев** (1972 й.т.), 42 ёш, оддий диндор мусулмон. 2001-йил 8-февралда Сурхондарё вилоят суди уни 159 ва 244-моддаларга мувофиқ 12 йилга озодликдан маҳрум қиласди. Бошқа диний маҳбуслар билан биргаликда Аллабердиев 2008 йил 17 сентябрда Навоий вилоят суди томонидан 159 ва 244 моддалари бўйича 18 йилга ҳукм қилинди. Аллабердиевнинг ҳозирги жойлашуви номаълум.
46. **Муҳиддин Мусаевич Жалолов** (1975 й.т.), 46 ёш, 1999 йил февраль ойида Тошкентда содир этилган террорчиллик ҳаракатларидан кейин мусулмонларнинг оммавий ҳисбса олиниши натижасида ҳисбса олинган диндор мусулмон. У 1999 йил 29 декабрда Наманган вилоят суди томонидан ўн йил муддатга 156 ва 244 моддалари бўйича ҳукм қилинган. 2008 йил 17 сентябр куни Навоий вилоят суди уни 159 ва 244 моддалари бўйича 18 йилга озодликдан маҳрум қиласди. У ҳозирги кунда ҳам қамоқда, лекин унинг сақланаётган жойи номаълум.
47. **Бахтиёр Муратович Шарипов** (1974 й.т.), 47 ёш, инсон ҳуқуқлари ҳимоячиларининг сўзларига кўра, уйдирилган ишда диний сабабларга кўра 2002 йилда ҳисбса олинган оддий диндор мусулмон. 2002 йил 18 май куни Фарғона вилояти суди уни

159 ва 244 моддалари билан ўн йилга озодликдан маҳрум қилди. Ушбу рўйхатдаги бошқа кўплаб диний маҳбуслар билан бир қаторда, ҳуқуқ ҳимоячилари қамоқхона маъмурияти уни номуайян муддат ушлаб туришга қарор қилишди ва, худдики у қамоқхонада бўлган пайт экстремистик гурӯҳни ташкил этганлиги учун, унга қарши 159 ва 244 моддалари бўйича янги айловларни яна бир бор уйдиришди. Қамоқда ўтган ушбу иккинчи суд жараёнида адвокат ҳимоясига ҳақиқий имкони бўлмаган Шарипов 2008 йил 17 сентябрь куни Навоий вилоят суди томонидан қўшимча 17 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Унинг ҳозирги қамоқхонадаги жойлашуви номаълум.

48. **47 ёшли Раҳматжон Ҳусанович Эрназаров** (1974 й.т.), 2000 йил 12 сентябрда Фарғона шаҳар суди томонидан тегишли ҳуқуқий процедураларнинг кўплаб бузулишларига йўл қўйилган суд жараёнидан сўнг тўқиз йилга озодликдан маҳрум этилган. Кўплаб мусулмон диний маҳбуслар сингари, Эрназаров ҳам сохталаштирилган айловлардан норози бўлган. Навоий вилоят суди яна олти йил ва икки ой қамоқ жазосини узайтириш учун 221-моддани қўллаб, уни “қамоқхона қоидаларини бузганлик”да айлади. 2008 йил 17 сентябрь куни Навоий вилоят суди уни яна 159, 242 ва 244-моддаларга кўра қўшимча 18 йил қамоқ жазосига ҳукм қилди. Эрназаровнинг қамоқдаги ҳозирги жойи номаълум.

49. **Муҳаммаджон Ҳабибуллаевич Ибадуллаев** (1970 й.т.), 51 ёш, диндор мусулмон ва жарроҳ шифокор, дастлаб тахминан 2000 ва 2003 йиллар орасида ҳукм қилинган. Ҳуқуқ ҳимоячиларининг сўзларига кўра, удиний сабабларга кўра ҳибсга олинган. У 2008 йил август ойида Тошкент шаҳар суди томонидан қамоқда диний эътиқодларини тинч йўл билан амалга оширгани учунгина айбланиб, қўшимча 19 йил муддатга ҳукм қилинди. Ҳуқуқ ҳимоячилари уни бугунги кунда Бухоро вилоятида Қоровулбозорда (ЖИЭК-17) сақлананаётганини хабар қилишмоқда.

50. **Равшан Очилов** (1978 й.т.), 43 ёш, 2000 йилдан 2001 йилгача бўлган даврда ҳибсга олинган. Қариндошларининг сўзларига кўра, Очилов “Хизбут Тахрир”га алоқадорликда гумон қилиниб ҳибсга олинган оддий диндор мусулмондир. Унинг жиноий фаолиятга алоқадорлиги ҳақида ҳеч қандай ишончли далиллар йўқ. 2008 йил август ойида Қашқадарё вилоят суди уни қўшимча 19 йилга озодликдан маҳрум қилди ва узоқ муддатга ҳукм қилиш учун 34-моддани қўллади. Очиловнинг қамоқдаги ҳозирги жойи номаълум.

51. **Умид Болтабоев** (1980 й.т.), 41 ёш, дастлаб 2000 ёки 2001 йилда диний эътиқодлари билан боғлиқ уйдирма айловлар билан ҳибсга олинган. Ҳуқуқ ҳимоячилари, 2008 йил август ойида Фарғона вилояти суди унга диний сабабларга кўра ҳукм чиқарганини ва унинг ҳукмига 17 йилга озодликдан маҳрум этишни қўшганини хабар қиласди. Болтабоевнинг қамоқдаги ҳозирги жойи номаълум.
52. **Умар Нишонбаев** (1966 й.т.), 55 ёш, дастлаб 2000 ёки 2001 йилда ҳибсга олинган оддий диндор мусулмон. Унинг бошқа диний маҳбуслар билан бирга озод қилинишини олдин олиш мақсадида қамоқхона маъмурияти 2008 йил август ойида унга қарши қўйилган айловларни илгари сурди ва Чиноздаги Тошкент вилоят суди уни қўшимча беш йил ва олти ойга ҳукм қилди. 2019 йил ҳолатига кўра Нишонбаев Навоий шаҳридаги ЖИЭК 64/46 да сақлананаётган эди.
53. **Жамолиддин Ҳайдаров** (1973 й.т.), 48 ёш, 2000 ёки 2001 йилдан бўён қамоқда жазони ўтаётган оддий диндор мусулмон. Сурхондарё вилоят суди уни озод этилмасидан олдин уйдирма асослар бўйича қўшимча 16 йиллик муддатга ҳукм қиласди. Ҳайдаровнинг қамоқдаги ҳозирги жойи номаълум.
54. **Абдувоҳид Ишмуратов** (1969 й.т.), 52 ёш, 2000 ёки 2001 йилдан бўён қамоққа олинган, 2008 йил август ойида Тошкент вилоятидаги Чиноз шаҳар суди томонидан уйдирма айловлари билан қўшимча 16 йиллик жазога ҳукм қилинган. Ишмуратовнинг қамоқдаги ҳозирги жойи номаълум.
55. **Олим Мирзаев** (1980 й.т.), 41 ёш, 2001 ёки 2002 йилдан бўён панжара ортида қолаётган диний маҳбус. Ҳуқуқ ҳимоячилари диндор мусулмон бўлганлиги сабабли унинг ҳибсга олиш сабаблари сохталаштирилган ва уйдирилганлигини маълум қиласди. Унинг қамоқдан озод қилинишига йўл қўймаслик учун ҳукumat қамоқхонада унга қарши айловларни уйдирди ва 2008 йил август ойида Тошкент вилоят суди уни 17 йилга қўшимча муддатга ҳукм қиласди. Айни пайтда Мирзаев Қашқадарё вилояти Косон шаҳрида жойлашган ЖИЭК-10 да қамоқда сақланмоқда.
56. **Дилмурод Холмуродович Тулеев** (1975 й.т.), 46 ёш, диний сабабларга кўра 2000 ёки 2001 йилдан бери панжара ортида қолиб келаётган диний маҳбус. Ҳуқуқ ҳимоячилари Тулеевни 2008 йил август ойида Қашқадарё вилоят суди томонидан қўшимча 16 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинганлиги тўғрисида хабар беради. Тулеевнинг қамоқдаги ҳозирги жойи номаълум.

57. Ислом Тобакелович Усинбоев (1977 й.т.), 44 ёш, Фарғона вилоят суди томонидан 2008 йил августа 14 йилга озодликдан маҳрум этилган. У ҳозирги кунда ҳам қамоқда, лекин унинг сақланётган жойи номаълум.
58. Муҳаммадамин Ҳамдамович Абдураззоқов (1974 й.т.), 47 ёш, 1999 йил 19 июнда Фарғона вилояти суди томонидан диндор мусулмон бўлгани учун қасос олиш мақсадида ташкил этилган айбловлар бўйича 159, 242 ва 244 моддаларига кўра 14 йилга озодликдан маҳрум этилган. 2013 йилда 221 моддасини (“қамоқхоналарда сақлаш қоидаларини бузиш”) қўллаш орқали ЖИЭК-64 муассасасида расмийлар уни тўрт йилга ҳукм қилишди. Ушбу амалиёт 2017 йилда Олмалиқда, унинг озод қилинишидан бир оз қолганида, такрорланди, бунда расмийлар унинг яна уч йил қамоқ жазосига ҳукм қилиш учун 221 моддасидан фойдаланган. Ҳукуматнинг газабини келтирган Абдураззоқов 2020-йилда Навоий қамоқхонасида (ЖИЭК-11) тақроран 159 ва 244-моддалари билан айбланиб, яна тўқиз йил қамоқ жазосига ҳукм қилинди, ҳозир ҳам ўша ерда эканлиги тахмин қилимоқда. Абдураззоқовнинг тўлиқ жазо муддати - 30 йил.
59. Икромжон Ярдамджонович Аҳмаджонов (1972 й.т.), 49 ёш, оддий диндор мусулмон. 1999 йилда Марғилон шаҳар суди уни 159, 242 ва 244 моддалари бўйича тўқиз йилга озодликдан маҳрум қилди. 2002 йилда амнистия асосида озод қилинган Аҳмаджонов 2004 йилда Фарғона вилояти суди томонидан 159, 242 ва 244-моддаларига кўра 11 йилга озодликдан маҳрум этилган. 2011-йилда Бухородаги ЖИЭК-17 муассасасида жазони ўтаётган пайтда ҳукумат уни 159, 242 ва 244-моддаларига кўра яна 13-йилга ҳукм қилди. Аҳмаджонов ҳозирда Қашқадарё вилояти Косон шаҳрида жойлашган ЖИЭК-10 да сақланмоқда.
60. Азизжон Салимджонович Баннопов (1967 й.т.), 54 ёш, 2001 йилда Марғилон шаҳар суди томонидан 159 ва 244 моддалари бўйича тўқиз йилга озодликдан маҳрум этилган. Баннопов 2008-йилда ўйдирма айбловлар билан аввал етти йилга, кейин 2017-йилда яна беш йилга ҳукм қилинган. Айни пайтда у Тошкент вилоятининг Олмалиқ шаҳрида ЖИЭК-14 муассасасида сақланмоқда.
61. Одилходжа Даҳаходжаев (1969 й.т.), 52 ёш, оддий диндор мусулмон, дастлаб 2000 йилда ўзининг диний қарашлари учун сохталаштирилган айбловлар билан 159 ва 244-моддалар бўйича Марғилон шаҳар суди томонидан олти йилга озодликдан маҳрум
- этишга ҳукм қилинган. Даҳаходжаев 2008 йилда яна 16 йилга ҳукм қилинган ва ҳозирда Косонда ЖИЭК-10 муассасасида жазони ўтамоқда.
62. Акорем Камолович Зокиров (1981 й.т.), 40 ёш, 2000 йилда Марғилон шаҳар суди томонидан 20 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Озод этилган диний маҳбуслар уни қамоқхонада қийноқса солинганлигини ва унга қарши ишлар фақат диндор мусулмон бўлгани учун қўзгатилганлигини хабар қилди. 2009 йилда Зокиров қўшимча 18 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Ҳозирги вақтда Зокиров Бухоро вилояти Қоровулбозор туманида жойлашган ЖИЭК 64/25 да сақланмоқда.
63. Қобилжон Маликович Зокиров (таваллуд йилили номаълум), оддий диндор мусулмон, 2000 йилда Андижон шаҳар суди томонидан 156, 158, 159, 216 ва 244-моддалар билан 17 йилга озодликдан маҳрум этилган. 2010 йилда Тошкент вилоят суди уни саккиз нафар бошқа шахслар билан бирга қўшимча 12 йил ва саккиз ой қамоқ жазосига ҳукм қилди. Ҳозирги вақтда Зокиров Бухоро вилоятида, Қоровулбозорда ЖИЭК 64/25 да жазони ўтамоқда.
64. Иброҳимжон Аҳтамович Исабоев (1973 й.т.), 48 ёш, 2000 йил охирида аввал ҳибсга олиниб, кейин Марғилон шаҳар суди томонидан 159 ва 244-моддалар билан 11 йил муддатга ҳукм қилинган. Қариндошлар ҳуққу ҳимоячиларига Исабоевнинг хеч қандай жиноий фаолиятга алоқаси йўқлигини айтишди. Эҳтимол, у диндор мусулмон профилига мос келгани учун маҳсус хизматларнинг нишонига айланган, чунки расмийлар уни фақат диний мансублиги асосида ҳибсга ҳаракат қилишди. Жазо муддати тугаганида озодликка чиқариш ўрнига ҳукумат 2011 йилда Исабоевни “қамоқхона қоидаларини бузиш”да айблаб, унинг ҳукмига яна 3 йил қўшиб қўйди. 2014 йилда худди шу муддани (221-модда) қўллаш орқали расмийлар унинг ҳукмига яна уч йил ва олти ойни қўшди. 2017 йилда Исабоев Карши шаҳридаги ЖИЭК 64/33 да яна уч йилга ҳукм қилинди. Ниҳоят, 2019 йилда у 159, 242 ва 244-моддалар билан яна 11 йилга ҳукм қилинди. Ҳозирда Исабоев Қоровулбозордаги ЖИЭК-17 муассасасида сақланмоқда.
65. Ҳуснитдин Эркинович Умаралиев (1968 й.т.), 53 ёш, 1999 йил июл ойида ҳарбий прокуратурага ўз акаси Умаралиев Хасанбой Эркиновични ўлдирилгани юзасидан мурожаат қилганида ҳибсга олинган. Акасининг ўлими муносабати билан адолатга интилиши учун қасос олиш мақсадида, ҳукумат уни

“диний экстремизм” да айблаб, 159 ва 244 моддалар билан ҳибсга олди. 1999 йил 5 июлда Фарғона вилояти суди уни ушбу айбловлар бўйича 17 йилга озодлиқдан маҳрум қилди. 2010 йилда Қўнғирот туман суди уни “қамоқхона қоидаларини бузиш” учун 221 моддаси бўйича қўшимча уч ярим йил қамоқ жазосига ҳукм қилди ва кейин 2012 йил май ойида аниқланмаган айбловлар бўйича яна 13 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Умаралиев ҳозирги вақтда Оҳангарон шахридаги ЖИЭК-44 муассасасида сақланмоқда.

66. Авазжон Ахатович Умурзаков (1979 й.т.), 42 ёш, 1999-йил 25-мартда қўлга олинган ва 1999-йил 5-августда Фарғона вилояти суди томонидан 156, 159, 216, 242 ва 244-моддалари билан 16 йил муддатга ҳукм қилинган оддий диндор мусулмон. 2014-йилда, у Қоровубозордаги ЖИЭК 64/25 муассасасида “қамоқхона қоидларини бузиш” деб аталмиш ҳаракатлар учун 221- моддага кўра, яна тўрт йилга ҳукм қилинди. 2018 йилда яна Навоий қамоқхонасида жазони ўтаётган пайтда Умурзаков 159, 242 ва 244-моддалари билан қўшимча олти йил ва олти ойга ҳукм қилинди. Айни пайтда у Олмалиқдаги ЖИЭК 64/14 муассасасида сақланмоқда.

67. Табек Набиевич Мадаминов (1972 й.т.), 49 ёш, 1999 йил 5 ноябрьда Андижон вилояти Шаҳриҳон туман суди томонидан 159 ва 244-моддалар билан 12 йил ва 6 ойга йилга озодлиқдан маҳрум этилган, ҳуқуқ ҳимоячиларининг фикрига кўра, унинг иши у оддий диндор мусулмон бўлганлиги учун қасос олиш бўлган. Мадаминов 2010-йилда яна ўн йилга, 2020-йилда эса Навоий вилояти суди томонидан яна тўқиз йилга 159 ва 244-моддаларга кўра ҳукм қилинди. Айни пайтда у Навоий вилояти Зарабшон шахридаги ЖИЭК 64/12 муассасасида сақланмоқда.

68. Аҳмаджон Муҳаммаджонович Мадумаров (1971 й.т.), 50 ёш, жиноий фаолиятда иштирок этишининг ишончли далиллари бўлмасдан, тақиқланган экстремистик ташкилотларга алоқадорликда гумон қилиниб ўзбошимчалик билан қўлга олинган оддий диндор мусулмон. Мадумаров 2003 йил 16 февралда Фарғона вилояти суди томонидан 159, 244 ва 242-моддалари билан 11 йилга ҳукм қилинди, кейин 2014 йилда Қоровубозордаги ЖИЭК 64/25 муассасасида 159, 242 ва 244-моддалари билан қўшимча 11 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Ҳозирги вақтда у Олмалиқда жойлашган ЖИЭК 64/14 муассасасида сақланмоқда.

69. 53 ёшли Зухриддин Мамирджанович Мадмаров (1968 й.т.) 2000 йил апрел ойида Марғилон шаҳар суди

томонидан 159 ва 244 моддалари бўйича тўқиз йилга озодлиқдан маҳрум этилган. Ҳуқуқ ҳимоячиларининг айтишича, у тақиқланган экстремистик гурӯҳга аъзолиқда гумон қилиниб ҳибсга олинган ва унинг зўравонлик ёки бошқа жиноий ҳаракатларни содир этганлиги ёки уларга алоқадорлиги тўғрисида ҳеч қандай ишончли далиллар бўлмаган. Мадмаров 2008 йилда Бухоро вилоят суди томонидан адвокат ҳимоясига ҳақиқий имкон берилмасдан яна 16 йилга ҳукм қилинди. Айни пайтда у Олмалиқдаги ЖИЭК-14-муассасасида сақланмоқда.

70. Нурмуҳаммад Одилжонович Мамаджонов (1976 й.т.), 45 ёш, 1999 йил октябрь ойида Марғилон шаҳар суди томонидан 159 ва 242 моддалар бўйича олти ярим йил муддатга ҳукм қилинди. У 159, 242 ва 244-моддалар бўйича яна уч ярим йилга ва яна 18 йилга ҳукм қилинди. Мамажонов ҳозирда Олмалиқдаги ЖИЭК 64/14 муассасасида сақланмоқда.

71. Улугбек Исмоилович Насимов (1980 й.т.), 41 ёш, 2005 йил май ойида Самарқанд вилоят суди томонидан беш йил муддатга 159, 242 ва 244-моддалар бўйича ҳукм қилинган. 2008 йилда Қарши шаҳар суди томонидан 159 ва 244-моддалар бўйича яна етти йилга ҳукм қилинди. 2011 йилда у яна Қоровубозордаги ЖИЭК 64/25 қамоқхонасида қўшимча саккиз йил қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Айни пайтда у Олмалиқдаги ЖИЭК 64/14 муассасасида сақланмоқда.

72. Шавкат Абдуҳамидович Ҳакимов (1969 й.т.), 52 ёш, 2004 йилда Ургут туман суди томонидан 159 ва 244-моддаларга кўра етти йилга озодлиқдан маҳрум этилган оддий диндор мусулмон. 221 моддадан фойдаланиб, расмийлар уни “қамоқхона қоидаларини бузганлик” учун уч йил ва олти ой, кейин яна тўрт йил қамоқ жазосига ҳукм қилишган. Ҳакимовга кейинчалик “диний экстремизм” билан боғлиқ янги айбловлар қўйилди ва ҳозирги вақтда у Навоий шахридаги ЖИЭК 64/46-муассасасида сақланмоқда.

73. Мирраҳим Миртурғунович Мирсултонов (1975 й.т.), 46 ёш, диндор мусулмон, 1999 йилда Ангрен туман суди томонидан 159 ва 248 моддалар бўйича йил саккиз йилга озодлиқдан маҳрум этилган. 2007 йилда, озод қилинишидан бир оз олдин, қамоқхона маъмурлияти жазо муддатини ўзбошимчалик билан яна уч йилга узайтириш учун 221-моддани (“қамоқхона қоидаларини бузиш”) қўллаган. Сўнгра 2008 йилда расмийлар унга қарши 159 ва 244-моддалар билан экстремизм бўйича янги уйдирма айбловларни илгари сурди

ва Қашқадарё вилоят суди уни яна саккиз йил ва тўрт ойга ҳукм қилди. Айни пайтда Мирсултонов Навоий шаҳридан ЖИЭК 64/11 муассасасида жазо муддатини ўтамоқда.

74. **Содикжон Солиевич Абдуллаев** (1970 й.т.), 51 ёш, расмийлар томонидан диний мансублиги учунгина ҳисбса олинган ва таъқиб қилинган оддий диндор мусулмон. 1999 йил декабрь ойида Фарғона вилояти суди уни 159, 216 ва 244-моддалар бўйича саккиз йилга озодликдан маҳрум қилди. 2007 йилда Тошкент вилояти Бостонлиқ туман суди унга жазо муддатини ихтиёрий равишда 221-модда бўйича уч ярим йилга узайтириди. 2010 йилда Навоий вилоят суди уни 159, 242 ва 244 моддалари бўйича қўшимча ўн йил ва тўқиз ой қамоқ жазосига ҳукм қилди. 2019 йилда Навоий вилоят суди уни “конституцияга хилоф фаолият” ва тақиқланган экстремистик гурӯхга аъзолик (159 ва 244-моддалар) айлови бўйича қўшимча ўн йилга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм чиқарди. Унинг ҳозирги сақданаётган жойи номаълум, аммо у Навоийда жазони ўтамоқда, деб ҳисобланмоқда.

75. **Феруз Муртазо ўғли Шодиев** (1993 й.т.), 28 ёш, 2017 йил 15 августда Қашқадарё вилоят суди томонидан 97-модда (қотиллик) бўйича 25 йилга ҳукм қилинган диндор мусулмон. Инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари унинг 2019 йил 12 мартағи 159 ва 244-моддалари билан экстремизм айловлари бўйича чиқарилган ва 24 йиллик қўшимча жазо тайинлаган ҳукми ҳақидаги савонли кўтаришмоқда.

76. **Иброҳим Ҳакимович Асронқулов** (1962 й.т.), 59 ёш, 1998 йилда Фарғона вилояти Олтиариқ туман суди томонидан 276-модда билан бир ярим йилга ҳукм қилинган оддий диндор мусулмон. Асронқулов 1999 йилда Фарғона вилояти суди томонидан 156, 159, 242 ва 244-моддалар бўйича 19 йил ва оли ой қамоқ жазосига ҳукм қилинди. (Таъқидлаш жоизки, 159-модда фақат 1998 йилга келиб кенг қўлланила бошланди ва Ўзбекистон ҳукумати оддий мусулмонларни ҳисбса олиш учун баҳона сифатида кўпинча гиёхванд моддаларни сақлаш айловларини ишлатган). 2013 йил 13 сентябрда Асронқулов 159 ва 244-моддалар билан қамоқхонада экстремистик фаолиятда иштирок этганлиқда айланган. Асронқулов иккинчи жараёнида ҳам, биринчисида ҳам муҳим бўлган адвокат ҳимоясидан фойдаланиш имкони берилмаганлиги, шунингдек, у ҳисбса олинганидан кейин қийноққа солинганлигини таъкидлади. 2018 йил 18 октябрь куни Бухоро вилоят суди унинг кассация шикоятини кўриб чиқди,

лекин ҳукмни ўзгаришсиз қолдириди. Айни пайтда Асронқулов Бухоро вилоятида жазони ўтамоқда.

77. **Абдулбосит Камолиддин ўғли Аҳмаджонов** (туғилган йили номаълум) 2017 йил 11 июня Фарғона вилояти суди томонидан 154, 155, 159 ва 244-моддалар бўйича 15 йил муддатга ҳукм қилинган оддий диндор мусулмон. Ҳуқуқ ҳимоячиларининг айтишича, бу иш ўйдирилган ва унинг диндор мусулмон профилини асос қилишдан ўзга ҳеч қандай асосларга эга эмас.

78. **Мухитдин Сайдович Иргашев** (1968 йил 3 июлда туғилган), 53 ёш, ўзининг Бухоро шаҳрида ва Екатеринбургда (Россияда) жисмоний тарбия бўйича мураббий ва савдогар бўлиб ишлаган диндор мусулмон. Иргашев Зумрад Иргашева билан турмуш қурган ва уч нафар фарзанди бор: Сардорбек, Отабек ва Ходжиакбар (2009 йил 26 ноябрда туғилган). Отаси билан бирга қамоққа олинган катта ўғиллари - Сардорбек ва Отабекларнинг иккаласи ҳам қуида тасвирланган. Мухитдин ва унинг икки катта ўғли ҳисбса олингунга қадар бир неча йил давомида Ўзбекистонда, Бухорода ҳам ва Россияда, Екатеринбургда ҳам Россия ва Ўзбекистон маҳсус хизматлари кузатуви остида бўлган. 2013 йилда, кунларнинг бирида Мухитдин ва унинг ўғли Отабек Россияда масжидга ташриф буюрганларида қўлга олини. Ўзбекистон хавфсизлик хизматлари бир нечта жосусласларнинг ҳам Россия, ҳам Ўзбекистонда Мухиддин Иргашевнинг уйига ташрифларини ва Иргашевлар оиласи билан диний мавзуларда, шу жумладан Сурияга оид хабарлар ҳақида сұхбатларни ўюстирган, бу сұхбатлар махфий равища ёзиб олинган. Милиция ходимлари Мухитдинни ўғли Отабек билан бирга Бухорода 2015-йил 1-апрел куни экстремизм билан боғлиқ жиноятларда айблашдан олдин уларни маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этганлиқда айблаб ҳисбса олдилар. Мухитдиннинг хотини Зумраднинг айтишича, турмуш ўртоғи ҳам, Отабек ҳам 2015 йил апрел-сентябрь ойлари орасида, суд жараёни бўлиб ўтаётган даврда бешафқат қийноққа солинган. Уларнинг иккаласи ҳам хавфсизлик ходимлари томонидан терроризмни молиялаштириш жиноятини содир этишда айбга иқрорликни имзолашга мажбур қилинган ва қийноққа солинган. 2015 йил сентябрь ойида Тошкент суди Мухитдинни 15 йилга, Сардорбекни 12 йилга ва Отабекни 11 йилга озодликдан маҳрум қилди. Зумраднинг сўзларига кўра, учталаси ҳам дастлабки тергов давомида қамоқхонада қийноққа солинган. Ҳозирги кунда уларнинг учаласи бошқа-бошқа қамоқхона колонияларида жазони ўтамоқда.



Зумрад Иргашева ва унинг турмуш ўртоғи Мухитдин Иргашев 2015 йилдан буён қамоқда. © Зумрад Иргашева



2015 йилдан буён отаси ва унаси билан қамоқда сақланыпташкан Сардорбек Иргашев. © Зумрад Иргашева.

**79. Сардорбек Иргашев** (1990 йил 24 ноябрьда туғилган), 31 ёш, акаси Отабек (кейинги ёзувга қаранг) ва отаси Мухитдин (олдинги ёзувга қаранг) билан биргаликда ҳибсга олинишидан олдин бир неча йил давомида Ўзбекистонда, Бухорода ва Екатеринбургда, Россияяда Россия ва Ўзбекистон хавфсизлик хизматларининг кузатуви остида бўлган. 2015 йил 9 май куни Екатеринбург полицияси ходимлари Сардорбекни қўлга олиб, уни 11 кундан сўнг Тошкентга депортация қилишиди. 2015 сентябрь ойида Тошкент суди Сардорбекни 12 йилга, отасини 15 йилга, акаси Отабекни 11 йилга озодликдан маҳрум қилди. Унинг онаси Зумраднинг сўзларига кўра, учталаси ҳам қамоқхонада қийноққа солинган. Ҳозирги кунда уларнинг учаласи бошқа-бошқа қамоқхона колонияларида жазони ўтамоқда.

**80. Отабек Иргашев** (1994 йил 30 майда туғилган), 27 ёшда, акаси Сардорбек ва отаси Мухитдин билан бирга (олдинги ёзувларни қаранг) ҳибсга олинишидан олдин бир неча йил давомида Ўзбекистонда, Бухорода ҳам, ва Россияянинг Екатеринбург шаҳрида ҳам Россия ва Ўзбекистон хавфсизлик хизматлари кузатуви остида бўлган. 2013 йилда, кунларнинг бирида Мухитдин ва унинг ўғли Россияда масжидга ташриф буюрганларида қўлга олинди. Полиция ходимлари Отабекни ва унинг отасини 2015-йил 1-апрель куни Бухорода ҳибсга олиб, уларни экстремизм билан боғлиқ жиноятларда айблашдан олдин маъмурий ҳукуқбузарлиқда айблашди. Отабекнинг онаси Зумраднинг айтишича, турмуш ўртоғи Мухитдин ҳам, Отабек ҳам 2015 йил апрел-сентябрь ойлари орасида, суд жараёни бўлиб ўтаётган даврда бешафқат қийноққа солинган. Уларнинг иккаласи ҳам хавфсизлик ходимлари томонидан терроризмни молиялаштириш жиноятини содир этишда айбга иқрорликни имзолашга мажбур қилинган ва қийноққа солинган. 2015 йил сентябрь ойида Тошкент суди Отабекнинг отаси Мухитдинни 15 йилга, акаси Сардорбекни 12 йилга, Отабекни 11 йилга озодликдан маҳрум қилди. Отабекнинг онаси Зумраднинг сўзларига кўра, учталаси

ҳам қамоқхонада қийноққа солинган. Ҳозирги кунда уларнинг учаласи бошқа-бошқа қамоқхона колонияларида жазони ўтамоқда.



2015 йилдан бўён қамоқда сақланыётган Отабек Иргашев ўзининг отаси ва укаси билан. © Зумрад Иргашева.



Қодир Юсупов ва унинг оиласи © Тақдим этилган фотосурат, шахсий

81. **Қодир Юсупов** (1951 й.т.), 69 ёш, турли лавозимларда, жумладан, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЙЕХХТ) ҳузуридаги Ўзбекистоннинг доимий вакили ва буюк Британиядаги элчи ўринбосари лавозимларида хизмат қилган собиқ дипломат. Юсупов 2018 йил декабрь ойида ўз жонига қасад қилишга уринишидан кейин касалхонага ётқизилганидан бир оз вақт ўтгач хавфсизлик ходимлари томонидан сўроқ қилинган ва кўп ўтмай ҳибсга олинган. У давлатга хиёнат қилишда айборд деб топилди ва 2020 йил январ ойида ёпиқ

суддан кейин беш ярим йилга озодликдан маҳрум этилди. Эҳтимол, унинг судланиши учун ўзининг шифохонада бўлган пайтида, адвокат йўқлигига айбга иқорорликни билдириши сабаб бўлган. 2018 йил декабрь ойида ҳибсга олинганидан сўнг Юсупов тўрт ойдан ортиқ вақт давомида Тошкент хавфсизлик хизмати тергов ҳибсонасида ташқи дунё билан алоқасиз қамоқда сақланди. У бир неча бор адвокатни сўраган илтимосларига рад жавобини олган ва шафқатсиз психолигик қийноқларга солинган, шу жумладан яқин қариндошларига зарар етказиш ва зўрлаш таҳди迪 билдирилган. Юсупов шизофрения касаллигига чалинган ва уни сўроқ қилиниши учун яроқлилиги ва согайғанлик даврида айтган сўzlari қонуний равишада далил сифатида ишлатилиши мумкинилиги ёки йўқлиги ҳақида саволлар эрта кундаёқ туғилган. Ҳозирда Юсупов Навоий шаҳридаги 4-сонли қамоқхонада жазо муддатини ўтамоқда. 2020 йилнинг апрел ойида рамазон пайтида Юсупов қамоқхона бошлиғига маҳкумларни рамазон ойида рўза тутиш ҳуқуқи берилмагани ҳақида ташвиш билдирган. Шунингдек, у қамоқхона фабрикасидаги оғир меҳнат шароитлари ҳақида саволларни кўтарган. Ушбу қонуний ташвишлари учун қасос олиш мақсадида қамоқхона ходимлари Юсупов ва бошқа маҳбусларни 15 кунга якка камерага жойлаштирилар, у ерда Юсупов санитария талабларига зид шароитларда сақланди. Юсупов қариндошларига якка камерадан 15 кундан сўнг чиқарилгунга қадар, у ерда сичқонлар, ифлосликлар борлиги, камеранинг ҳамма жойи аҳлат билан қоплангани ҳақида айтиб берган. У беш кун давом этган очлик эълон қилди. Юсупов билан бирга жазони ўтаган, яқинда озод қилинган маҳбуслар уни бошқа маҳбусларнинг манфаатларини ҳимоя қилгани учун мақташди. Юсуповнинг оиласига у ҳибсга олинган пайтдан бери у билан учрашувлар бир неча марта рад этилган. 2021-йил июнь ойида инсон ҳуқуқларининг юкорида қайд этилган кўплаб бузилишларига асосланиб, БМТнинг Ўзбошимчалик билан ушлаб туриш бўйича ишчи гуруҳи Юсуповнинг ҳибсга олиниши ўзбошимчалик бўлган деган хуносага келди ва Ўзбекистонни уни дарҳол озод қилишга чақирди.

# ЎЗБЕКИСТОНДА ДИНИЙ ҚАТАГОН ТАРИХИ

Минглаб диний ва бошқа сиёсий маҳбуслардан иборат Ўзбекистон аҳолиси бир кечада эмас, балки расмий Тошкентнинг ислом билан кўпинча уқубатли муносабатларида чорак аср давомида пайдо бўлган. Собиқ авторитар президент Ислом Каримовнинг 1990 — йиллар бошидан бўён ҳақиқий ва хаёлий сиёсий мухолифат ва қатъий давлат назоратидан ташқарида исломни эътиқод қиласан мустақил мусулмонларни бостириш кампанияси турли - ҳам диний, ҳам сиёсий шакларни қабула қилди. Ўзбекистонда диний ва сиёсий таъқиблар хронологияси қандай қилиб ва нима учун диний ва сиёсий маҳбуслар сони бошқа собиқ совет давлатларига нисбатан жуда катта бўлганини танқидий ёритиб беради.<sup>77</sup>

Ислом Каримов ҳукмронлиги даврида ҳибсга олиш, қамоқца олиш ва камдан-кам ҳолларда озод қилиш түлқинлари тахминан тўрт даврга тўғри келади: сиёсий мухолифатни бостириш (1992-1997); мустақил мусулмонларни таъқиб қилиш (1997-2016); 2005 йил 13 майда Андижондаги қирғин ва унинг бевосита оқибатлари (2005-2007); ва Каримовнинг 2016-йилда ўлимидан олдинги узоқроқ давр, олдинги мақсадларга эришишнинг давом этиши ва бошқа, масалан, хориждан Ўзбекистонга қайтган муҳожирлар, Туркиядан марҳум курда диншуноси Саид Нурсийнинг издошлари ва ўнлаб гумонланувчилар, Ғарб ёки Тожикистон каби қўшни давлатлар билан алоқаларнинг заифлиги туфайли хиёнат каби танқид ёки таҳдидларга эътиборнинг кучайиши билан боғлиқ давр.<sup>78</sup>

Ўзбекистон қонунлари Ўзбекистон Конституцияси ва ўрнатилган тарзда имзоланган ва ратификация қилинган Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт, шунингдек, бир қатор бошқа мажбурий халқаро ҳужжатлар билан кафолатланган сўз эркинлигини ҳимоя қилювчи кўплаб стандартларни бузмоқда.<sup>124</sup> Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пактнинг 18 ва 19-моддалари давлатларга диний ва ахборот алмашиш бўйича ушбу ҳуқуқларни амалга ошириш учун муайян чекловларни белгилашга имкон беради, лекин фақат тор, чекланган ҳолатларда.<sup>125</sup> Ҳақиқатан ҳам, БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитасининг 18 ва 19 моддалари бўйича умумий изоҳлари диний эътиқодлар, амалиёт ва фикрларни ифода этиш ҳуқуқларининг доирасини очиб беради ва фикр эркинлиги, шу жумладан виждан эркинлиги ва диний эътиқод эркинлиги чекланмайдиган ҳуқуқдир (муаллиф томонидан ажратилган).<sup>126</sup>

БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси, бундай мажбуриятга нисбатан айниқса заиф бўлган маҳбусларнинг ҳуқуқларини шарҳлаб, “маҳбуслар каби муайян қонуний чекловларга дуч келган шахслар ўз динларини еътироф этиш ҳуқуқларидан ёки эътиқодларини чекловларнинг ўзига хос хусусиятига мос келадиган даражада фойдаланишни давом эттирадилар”, деб таъкидлайди.<sup>127</sup>

## ИЧКИ ҲУҚУҚИЙ БАЗА

Ўзбекистоннинг диний ва сиёсий маҳбуслари асосан жиноят кодексининг “конституцияга хилоф” фаолият, диний адабиётни ноқонуний тарқатиш, тақиқланган диний ташкилотга аъзо бўлиш ва динни рухсасиз ўқитиш билан боғлиқ моддаларида айбланмоқда. Мустақил мусулмонларни ҳисбсга олишлар 1990-йиллар бошида бошланган бўлса, 1997-йил охиридаги репрессиядан сўнг 1998-йилнинг май ойида Ўзбекистон парламенти томонидан “Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ти қонуннинг (дин тўғрисидаги қонун) қабул қилиниши кейинги йилларда оммавий ҳисбсга олиш ва ҳукм чиқариш учун қонуний асос яратди.<sup>128</sup> Дин қонунига қўшимча равища, Жиноят ва Маъмурӣ кодексларга ўзгартиришлар янада қаттиқ ва узоқ муддатли жазо жорий этилди.

Каримов ҳукмронлиги даврида дин тўғрисидаги қонунга, Жиноят ва Маъмурӣ кодексларга бир неча марта тузатишлар киритилди, ҳар бир ўзгариш билан диний эътиқодларга эркин амал қилиш ва уюшиш учун қатъий жазо жорий этилди. Марҳум президент Ислом Каримовнинг дастлабки қонун қабул қилингач, қилган баёнотлари диний эркинликни бўғиши ниятида эканлигини яққол намоён қилмоқда. Каримов таъкидлаганидек, қонун зарур еди, чунки “бугунги куннинг асосий вазифаси Ислом ақидапарастлик ва диний экстремизмнинг барча кўринишларига қарши курашдир”<sup>129</sup> Ўша пайтда яна бир расмий, “агрессив ваҳҳобизм”га қарши курашиш учун қонун зарурлигини таъкидлади.<sup>130</sup> Ўзбекистоннинг дин тўғрисидаги қонунининг бузилиши, агар бу биринчи қоидабузарлик

<sup>124</sup> Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пактнинг 18-моддаси фикр, виждан ва дин эркинлиги ҳуқуқларини кафолатлайди. Унда шундай дейилган:

Хар бир инсон фикр, виждан ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга. Бу ҳуқук инсонни ўз хоҳишига кўра дин ёки эътиқодга эга бўлиш ёки қабул қилиш эркинлигини ҳамда ўз динни ёки эътиқодига якка тартибида ёки бошқалар билан биргаликда амал қилиш, маросимлар ўтказиш, ибодат қилиш ва таълим бериш эркинлигини очиқ ёки хусусий тарзда намоён этиш эркинлигини ўз ичига олади. Хеч ким динга ёки ўз танлаган эътиқодга эга бўлиш ёки қабул қилиш эркинлигига путур етказадиган мажбурлашларга солинмаслиги керак.

Барча иштирокчи давлатлар, шунингдек, Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакти 19-моддасида таъкидланганидек, сўз эркинлигини ҳимоя қилишлари керак:

Хар бир инсон ўз нуктаи назаридан эркин қолиши ҳуқуқига эга. Хар бир инсон ўз фикрини билдириш ҳуқуқига эга; ушбу ҳуқук давлат чегараларидан қатъи назар, оғзаки, ёзма ёки босма шакада, бадий асар шаклида ёки ўзлари танлаган ҳар қандай бошқа воситалар ёрдамида ҳар қандай турдаги ахборот ва гояларни излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигини ўз ичига олади.

<sup>125</sup> Карагн: “Америка Кўшма Штатлари Дин эркинлиги тўғрисида халқаро қонунчилик бўйича комиссиясининг ахборотномаси – Дин ёки эътиқод эркинлигини чеклаш”, 2020 йил июн, [https://www.uscirf.gov/sites/default/files/2020%20Legislation%20-%20Limitations%20on%20FoRB\\_0.pdf](https://www.uscirf.gov/sites/default/files/2020%20Legislation%20-%20Limitations%20on%20FoRB_0.pdf). Виждан эркинлигига келсак, 18-модда фақат “қонун билан белгилаб қўйилган ва жамоат хавфисизларни, тартибини, соғлигини ёки ахлоқини ёки бошқаларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган чекловларга рұхсат беради”. Худди шу нуктаи назардан, ахборот ва фикр алмашиш ҳуқуқига келсак, 19-модда фақат қонун билан белгиланган ва бошқаларнинг ҳуқуқлари ёки обрўсими хурмат қилиш, миллий хавфисизлик ёки жамоат тартибини, аҳоли саломатиги ёки маънавиятини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган чекловларга рұхсат беради.

<sup>126</sup> 10-модда 19-умумий изоҳида “ўз нуктаи назарларига қатъий риоя қилиш” ҳуқуқига нисбатан “хеч қандай истисно ёки чекловлар йўқ”, деб айтилади. Инсон ҳуқуқлари бўйича кўмита, 10-умумий изоҳ, 19-модда (Ўн тўқизичиши сессия, 1983 йил). Инсон ҳуқуқлари бўйича Шартнома органлари томонидан қабул қилинган умумий изоҳлар ва умумий тавсиялар тўплами, БМТ ҳужжати. HRI\GEN\1\Rev.1 at 1 (1994). Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт, шунингдек, иштирокчи давлатларни ҳар қандай шахсни ўз динини ёки эътиқодларини рад этишига мажбур қилишини тақиқайдайди. 18 (2)-моддада шундай дейилган: “Хеч ким ўзи танлаган динга ёки эътиқодга эга бўлиш ёки уни қабул қилиш эркинлигига путур етказадиган мажбурлашларга дучор бўлиши мумкин эмас”.

<sup>127</sup> Инсон ҳуқуқлари бўйича кўмита, 22-умумий изоҳи, 18-модда (Қирқ саккизинчи сессия, 1993 йил). Инсон ҳуқуқлари бўйича Шартнома органлари томонидан қабул қилинган умумий изоҳлар ва умумий тавсиялар тўплами, БМТ ҳужжати. HRI\GEN\1\Rev.1 at 35 (1994).

<sup>128</sup> 1998 йилги дин тўғрисидаги қонун совет даврингни охирида 1991 йил 14 июнда мустақилликка эришишдан уч ой олдин қабул қилинган қоннуни ўрнини босди.

<sup>129</sup> Ўзбек радиосининг биринчи дастури, 1998 йил 11 май, Би-Би-Си мониторингида инглиз тилига таржима қилинган, 1998 йил 11 май

<sup>130</sup> Би-Би-Си жаҳон мониторинги, Интерфакс дан иктибос, 1 май 1998 йил.

бўлса, маъмурӣ ҳуқуқбузарлик ҳисобланади. Бирок, Жиноят кодексига киритилган ўзгартиришлар билан такрорий жиноятлар деб таснифланган ҳуқуқбузарликлар учун узоқ муддатли қамоқ жазосига рухсат берилди.<sup>131</sup>

Ушбу ҳисобот нашрга тайёрланаётган пайтда, қонун чиқарувчилар Дин тўғрисидаги қонунни<sup>132</sup>, шунингдек, Жиноят ва Маъмурӣ кодексларни қайта кўриб чиқиб, қабул қилишмоқда эдилар. Ушбу мақола ёзилаётганда Жиноят кодексининг лойиҳаси яқин вақт ичидан Ўзбекистон парламенти қўйи палатаси, Олий Мажлис муҳокамасига тақдим этилиши кутилмоқда. Президент 2021 йил июл ойида кучга кирганди Дин тўғрисидаги янги қонунни имзолади. Дин тўғрисидаги янги қонун ва Жиноят кодексининг лойиҳаси баъзи мөътадил яхшиланишларни ўз ичига олган бўлса-да,<sup>133</sup> уларда аввалгидек, виждан, сўз ва уюшмалар эркинлигини, хусусан, диний эътиқодларга риоя қилиш ва эътиқод қилиш, уюшмалар ва йиғилишлар эркинлиги ва ўз фикрини билдириш эркинлиги, жумладан, ахборотни олиш ва тарқатиш ҳуқуқини чеклайдиган кўплаб қоидаларни сақлаб қолган.<sup>134</sup>

## “ЭКСТРЕМИЗМ” ВА “АҚИДАПАРАСТЛИК”

1998-йилги Дин тўғрисидаги қонуннинг 5-моддасида “диний экстремизм”, “сепаратизм” ва “ақидапарастлик”,<sup>135</sup> деб аталадиган қиласишини учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган, шунингдек, Дин тўғрисидаги 2021 йилги қонуннинг 9-моддасининг 2-банди ҳам давлат диний ақидапарастлик ҳамда экстремизмга, муносабатларни қарама-қарши қўйиш

ва кескинлаштиришга, турли конфесиялар ўртасида адоватни авж олдиришга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўймайди, деб таъкидлайди. Ўзбек қонунчилигида ҳеч бир жойда “экстремистик” ёки “фундаменталистик” тушунчасига таъриф берилмаган, бу қонун қоидаларини жуда ноаниқ ва ҳаддан ортиқ кенг қилади. Собиқ ва ҳозирги диний ва сиёсий маҳбуслар билан интервьюлар шуни кўрсатадики, ҳукумат қарашларини диний ёки сиёсий жиҳатдан бузғунчи деб ҳисоблайдиган одамларни қамоққа олиш учун бу ноаниқ мағкуравий ёрлиқларни бир неча бор ишлатган.

Халқаро миқёсда “экстремизм”, “зўравон экстремизм” ёки “ақидапарастлик”нинг меъёрий таърифи бўйича консенсус мавжуд эмас.<sup>136</sup> Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ДИИХБ), Венеция комиссияси ва бошқа халқаро ташкилотлар “экстремизм”/“экстремист” ва “ақидапарастлик” каби ҳуқуқий тушунчалардан ва бундай атамаларнинг айниқса, жиноят қонунчилиги нуқтаи назаридан ноаниқ ва мужмал табиати юзасидан ташвиш билдириди.<sup>137</sup>

Амалда, бундай атамаларнинг ноаниқлиги давлатларга, ўта мажбурий, номутаносиб ва камситувчи чораларни кўришга имкон яратади,<sup>138</sup> бунинг исботини инсон ҳуқуқларини мониторинг қилиш халқаро гуруҳларининг хуносаларидан кўришимиз мумкин, улар, хусусан, “экстремизм” деб номланувчи ҳодиса билан боғлиқ айловлар ва уларнинг дин ва виждан эркинлигига, сўз эркинлигига, уюшмалар ва тинч йиғилишлар эркинлигига таъсири, шунингдек, Ўзбекистондаги ноқонуний ҳибсга олишлар, ушлашлар, қийноқлар

<sup>131</sup> Бироқ, кўплаб мустақил мусулмонлар маҳбусларининг ишларини ўрганиш шуни кўрсатадики, кўплаб ишларда ҳаттоқи улардаги биринчи жиноятлар ҳам қамоққа олиш мақсадида сохталашибариган.

<sup>132</sup> Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун, 5-модда, 1998 йил 1 май, [https://www.venice.coe.int/webforms/documents/?pdf=CDL-REF\(2020\)065-e](https://www.venice.coe.int/webforms/documents/?pdf=CDL-REF(2020)065-e).

<sup>133</sup> Мисол учун, Дин тўғрисидаги қонун лойиҳасида айрим иккиласми ёки таъорий жиноятлар маъмурӣ жарималар билан жазоланади.

<sup>134</sup> <https://www.osce.org/files/f/documents/3/0/467682.pdf>

<sup>135</sup> Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун, 5-модда, 1998 йил 1 май.

<sup>136</sup> Мисол учун, БМТнинг Терроризмга қарши кураши шароитларида инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини тарғиб қилиш ва ҳимоя қилиш бўйича маҳсус мавзузачиси (бундан бўён матнда “Терроризм ва инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ маҳсус мавзузачиси”), 2015 йил учун тематик ҳисобот, А/HRC/31/65, 2016 йил 22 февраль, 11 ва 21-банлар, “зўравон экстремизмнинг олдини олиш ёки унга қарши курашиш учун кўплаб ташаббусларга қарамасдан, зўравон экстремизмнинг умумэтироф этилаган таърифи йўқ, бу “иғлаб бўймас тушунча” бўлиб қолмоқда”, деб таъкидлайди.

<sup>137</sup> *Масалан, қаранг:* БМТнинг Терроризмга қарши кураши инсон ҳуқуқлари бўйича маҳсус мавзузачиси, Зўравон экстремизмнинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қартилган сиёсат ва амалиётларни инсон ҳуқуқларига таъсири ҳакида 2020 йил ҳисоботи, 2020-йил 21-февраль, А/HRC/43/46, 12-14-банлар; БМТнинг Терроризмга қарши кураши инсон ҳуқуқлари бўйича маҳсус мавзузачиси, Фундаментализм ва экстремизм феномени ҳакида ҳисобот, 2017 йил 16 январь, А/HRC/34/56 10-11-банлар; БМТнинг Дин ва эътиқод эркинлиги бўйича маҳсус мавзузачиси, Ўзбекистонга 2018 йилдаги миссияси тўғрисида ҳисоботи, А/HRC/37/49/Add.2, 2018 йил 22 февраль, 51-банда, уларда “жиноий-ҳуқуқий тоифалар сифатига ишлатилганда, “экстремизм” ва “ақидапарастлик” каби ноаниқ атамалар ҳуқуқий таъсирига мос келмайди”, деб таъкидланган. *Шунингдек, қаранг, ўша ерда 18-изоҳ, 31-32, 35 б.* (2019 ЕХХТ/ДИИХБнинг дин ёки эътиқод эркинлиги ва хавфсизлик тўғрисида кўрсатмаларин), унда айтилашича, “экстремизм” – “умумэтироф этилаган таърифа эга бўлмаган ноаниқ атама, бу уни ҳаддан ташқари кенг ва ноаниқ талқинларга очиқ қоддиради ва қонунни ўзбошимчалик билан кўлашга йўл очади”; ЕХХТ/ДИИХБ, Моддава Республикасининг Экстремистик фаолиятга қарши курашиши тўғрисидаги қонунига шарҳлар (2019 йил 30 декабрь), 13-16-моддалар; ЭХХТ/ДИИХБ, Ўзбекистон Республикасининг “Экстремизмга қарши курашиши тўғрисида” ти Конунига шарҳлар (2019 йил 22 ноябрь), 12-16-моддалар; ЭХХТ/ДИИХБ, Қозогистон Республикасида “Экстремизм ва терроризмга қарши курашиши тўғрисида” ҳуқуқий базага ўзгартиришлар лойиҳаси бўйича дастлабки хуносал (2016 йил 6 октябрь), 21-24-банлар; Венеция комиссияси, Россия Федерациясининг Экстремистик фаолиятига қарши курашиши тўғрисидаги федерал қонунига шарҳлар, CDL-AD(2012)016-е, 2012 йил 15-16 июня, 30-банда. *Шунингдек қаранг:* ЕХХТ/ДИИХБ, Инсон ҳуқуқлари ҳимоячилиарни ҳимоя қилиш бўйича кўлланма (2014), 100, 205 ва 213 банлар; ЭХХТ/ДИИХБ, Хорижий террорчиларга қарши кураши таҳдиидлари ва муммомларига қарши кўрсатмалари инсон ҳуқуқлари доирасида, 2018 йил сентябр, 21 ва 31-6; ва ЭХХТ, Терроризмнинг олдини олиш ва терроризмга олиб келадиган зўравонлик экстремизми ва радикаллашувига қарши курашиш: жамоат тартибини сақлашга ёндашув (2014), 2.3-1-кичик бўлим.

<sup>138</sup> *Шунингдек қаранг:* БМТнинг Терроризмга қарши курашиш ва инсон ҳуқуқлари бўйича маҳсус мавзузачиси, БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси ҳисоботи, БМТ ҳужжати А/HRC/40 /52, 2019 йил 1 март, 19-банд.

ва шафқатсиз муносабатнинг бошқа турлари каби муаммолар сақланиб қолаётганини кўрсатмоқда<sup>139</sup>. Бир неча ҳалқаро органлар “экстремизм” ёки “диний экстремизм” каби тушунчаларнинг ноаниқлиги ва уларни нотўғри ишлатиш эҳтимоли ҳаддан ташқари ихтиёрий ёки камситувчи усуллар билан берилганини инобатга олиб, бу атамаларга асосланган ҳуқуқий ёки бошқа чораларни қўллашдан ёки уларга мурожаат қилишдан воз кечишни тавсия қилдилар.<sup>140</sup> Ушбу қоиданинг кенг ва нотўғри тавсифланиши уни амалга оширишга масъул бўлган ҳокимият органларига ўта кенг ваколатларни беради.

## 244-1 ВА 244-2 МОДДАЛАР

Инсон ҳуқуқлари гуруҳлари ва ҳалқаро ташкилотлар Ўзбекистонни бир неча бор Жиноят кодексининг экстремизм тўғрисидаги қоидаларига (амалдаги 244-1 ва 244-2-моддаларга) ўзгартиришлар киритишига чақирилар, чунки бу нормалар 1998 ва 1999-йилларда қабул қилинганидан кейин мустақил мусулмонларга қарши кампаниянинг тинчлик мухолифатини ва дин ва эътиқод эркинлигини жинонӣ жавобгарликка тортиш учун фойдаланиладиган асосий масаласига айланган. Аммо ҳозирда Жиноят кодексига таклиф этилаётган ўзгартиришлар фақат ҳар бир моддада экстремизмининг “диний” хусусиятига ишорани олиб ташлайди. Акс холда, улар қоидаларни тўлиқ ҳажмда сақлаб қолади ва “экстремизм” нима деган таърифни бермайдилар.

Ўзбекистоннинг юзлаб ёки ундан ҳам кўп бўлиши мумкин бўлган буғунги диний маҳбуслари, айниқса,

“Хизб-ут-Тахрир”га аъзоликда айбланаётганлар ҳали ҳам ушбу қоидаларга мувофиқ сақланмоқда. Ушбу ҳисоботда баён этилган бошқа диний маҳбуслар орасида Шаҳзоджон Зокиров, Алишер Қосимов, Баҳтиёр Турсунов, Убайдулла Муртазоев, Азимжон Абдусаматов ва Алишер Мўминов 244.1 ёки 244.2-моддаларида ёки ҳар иккаласи бўйича қамоқда жазони ўтамоқда. 244-1-модда - 1998 йилги Дин тўғрисидаги қонуннинг 19-моддасида назарда тутилган чекловларга мос келади.<sup>141</sup> Ушбу қоидалар “диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари”ни ўз ичига олган материалларни тайёрлаш ва тарқатиш мақсадида сақлашни уч йилгача озодлиқдан маҳрум этилиши билан жазоланадиган жиноятга айлантириди.<sup>142</sup> Ушбу тоифалардан бирига тегишли адабиётларнинг тарқатиш беш йилгача озодлиқдан маҳрум этишга олиб келиши мумкин. Оғирлашибувчи ҳолатлар, масалан, бир гурух шахслар билан тил биринкириш, ўз мансаб мавқеидан фойдаланиш ёки диний ташкилот, хорижий давлат, гурух ёки шахснинг моддий ёрдамидан фойдаланиш билан мълумотларни тарқатиш саккиз йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.<sup>143</sup> Бироқ, Ўзбекистон қонунчилигида тегишли атамалар ва иборалар ҳеч бир жойда белгиланмаган.

Ҳукуматнинг зўравонлик экстремизмининг одини олишга ёндашувининг янада кенгроқ муаммосини акс эттирувчи 244-1-модда “ақидапарастлик” ғояларни тинч йўл билан ифодалаш ва зўравонликка чақиривларни ўртасидаги фарқларни ажратмайди. Масалан, бу қоида юқорида айтилган тушунчаларни “оммавий қирғин қилишга ёки фуқароларни мажбурий кўчиришга давъат

<sup>139</sup> Қаранг: БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича бош комисари бошқармаси (ИХБКБ), 2020-йил 1-майдаги Ўзбекистоннинг бешинчи даврий ҳисоботи бўйича якуний шарҳлар, ССPR/C/UZB/CO/5, 20-21 ва 42-бандлар; БМТнинг Дин ва эътиқод эркинлиги бўйича маҳсус маърузачиси, Ўзбекистонга 2018 йилдаги миссиаси тўғрисида ҳисоботи, A/HRC/37/49/Add.2, 2018 йил 22 февраль, 98 ва 101-бандлар; ва БМТ Бош Ассамблеяси, Ўзбекистон умумжаҳон даврий таҳлили бўйича ишчи гуруҳи, A/HRC/39/7 (2018 йил 9 июль) ҳисоботи.

<sup>140</sup> Масалан, қаранг, ўша ерда 18-изоҳ, 31–32 ва 35 б. (2019 йил учун ЕХХТ/ДИИХБнинг Дин ёки эътиқод эркинлиги ва хавфсизлик тўғрисида кўрсатмалари); ва БМТнинг Терроризмга қарши кураш ва инсон ҳуқуқлари бўйича маҳсус маърузачиси, Зўравонлик экстремизмининг одини олиш ва унга қарши курашишга қартилган сиёсат ва амалёттарнинг инсон ҳуқуқларига тасири хакида 2020 йил ҳисоботи, 2020-йил 21-февраль, A/HRC/43/46, 52 (б)-банди. “Экстремизм” ва “ақидапарастлик” атамаларни фойдаланиш диний ёки эътиқодли жамоалар устидан давват назоратни сезилиари даражада ошириши ва улар томонидан амалга оширилган мутлақо қонуний фаолиятни жинонӣ қилишига айлантириш мумкин. Шунингдек қаранг: БМТнинг Дин ва эътиқод эркинлиги масалалар бўйича маҳсус маърузачиси, E/CN.4/2005/61/Add 1, 152-банди; ва ЕХХТ / ДИИХБ, Қирғизистон Республикасида виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида қўшма фикр, CDLAD (2008)032-е, 14-банд.

<sup>141</sup> Дин тўғрисидаги қонуннинг 19-моддасида “диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғояларини ўз ичига олган” босма ҳужжатлар, видео ва аудио кассеталар, филми ва фотосуратларни ўз ичига олган материалларни ишлаб чиқардиган, сақлайдиган ва тарқатидиган шахслар қонунга мувофиқ жавобгарликка тортилади. Бироқ, ўзбек қонунчилигида ҳеч бир жойда диний адабиёт қайси пайтда “экстремистик” ёки “ақидапарастлик” деб эътироф этилиши анинк беғлиланмаган, бу қонун қоидаларини ўта ноаник ва ҳаддан ортиқ кенг қиласи. Собиқ ва ҳозирги сиёсий ва диний маҳбуслар билан интервьюлар шуни кўрсатадики, ҳукумат бу ноаник мағкурайв ёрликларни ҳукумат қарашлари бузгунчи деб ҳисоблаган кўплаб одамларни оғзини ёпишга мажбурий ҳукуматларни ишлатган.

<sup>142</sup> 244-1-моддада шундай дейлиган: “Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғояларини ўз ичига олган” босма ҳужжатлар, кирғин солишига ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаршига қартилган маълумотлар ва материјалларни тарқатидиган, шаклда сақлаш, маъмурӣ жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса...” энг кам иш ҳақининг 50 баъварни миқдорида жарима ёки уч йилгача озодлиқдан маҳрум этиш жазосини назарда тутади. Шу билан бирга, “диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғояларини ўз ичига олган” босма ҳужжатлар, кирғин солишига ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаршига қартилган маълумотлар ва материјалларни ҳар қандай шаклда тарқатиш, ҳудад шунингдек фуқаролар тутувлигини бузиш, тұхматона, вазиятни бекарлаштирувчи ўйдирмалар тарқатиш ҳамда жамиятда қарор топган хўмл-атвор қоидаларига ва жамоат хавфсизлигига қарши қартилган бошқа қиммешларни содир этиш мақсадида диндан фойдаланиш” беш йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Юқорида кўрсатилган харакатларни оғирлашибувчи ҳолатларда: одиндан тил биринкириб ёки бир гурух шахслар томонидан; хизмат мавқеидан фойдаланиб; диний ташкилотлардан, шунингдек чет эд давлатлари, ташкилотлари ва фуқароларидан олинган молиявий ёки бошқа маддий ёрдамдан фойдаланиб содир этища айбор деб топилган шахслар саккиз йилгача озодлиқдан маҳрум эйлиши ҳукм қилинishi мумкин. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдада қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдада қабул қилинган тўғрисида”ги қонуни.

<sup>143</sup> 1998 йилги Жиноят кодексига киритилган ўзгартиришлар, шунингдек, “диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастликни тарғиб қилиувчи” адабиётни импорт қилишини тақиқловчи янги таҳрирларни ҳам ўз ичига олган бўлиб, уни контрабандада деб ҳисоблабаб, ўн йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш жазосини беғлилаган. Жиноят кодексининг 246 моддаси, 1998 йилда киритилган ўзгартиришлар билан.

қилиш” ва “ваҳима солиш”га қаратилган материаллар билан бирлаштиради. Икки хил турдаги ифодаларнинг чалғитувчи аралашмаси “ақидапарастлик” тушунчасини зўравонликка даъват этиш билан боғлайди ва аслида баъзи диний ғоялар ва гуруҳларни қоралади.<sup>144</sup>

Худди ўша ноаниқ “экстремист” тушунчаси учрайдиган 244-2-модда муайян гуруҳларга аъзо бўлиш учун янада қаттиқроқ жиной жазоларни қўшади: “Диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш мулкни мусодара қилиш билан беш йилдан ўн беш йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади”.<sup>145</sup>

Агар улар “жиiddий оқибатларга” олиб келадиган бўлса, бу ҳаракатлар 15 йилдан 20 йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Ноқонуний диний ташкилотда иштирок этишини тақиқловчи 216-модда билан биргалиқда ушбу айблов 20 йил қамоқ жазосини келтириб чиқарди. Бу, аслида, қонун билан тақиқланган ғоялар тўпламини бошқалар билан сақлашни жиной қилмишга айлантиради. Жиноят кодексининг лойиҳаси “диний материалларни ноқонуний тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш” (амалдаги 244-3-модда) жиноятини бартараф этишда сезиларли яхшиланишни кўзда тутади, аммо уни Маъмурий кодексда сақлаб қолади.

244-1, 244-2 ва 1998 ва 1999 йилларда ўзгартирилган бошқа моддаларга қўшимча равища, ҳокимият “конституцияга ҳилоф” фаолият (159-модда) - баъзан “бузғунчилик” деб таржима қилинган нормасини жиной гуруҳни ташкил этиш (242-модда), баъзан еса этник, ирқий ёки диний адоват (156-модда) жинояти билан бир қаторда мустақил мусулмонларни таъкиб қилиш ва узоқ муддатга қамоққа олиш учун фойдаланиб келган.

## 159-МОДДА: КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТУЗУМГА ТАЖОВУЗ ҚИЛИШ

244-модда билан бир қаторда, “Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз қилиш” деб номланган 159-модда, шунингдек, баъзан

“бузғунчи фаолият” ёки “конституцияга ҳилоф фаолият” деб номланган, Ўзбекистонда диний ва сиёсий маҳбусларнинг аксарияти ҳукм қилинган жиноят нормалари ҳисобланади. 159-модда Жиноят кодексига қўшилганидан бери ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон судлари ушбу қонунни гумон қилинаётган ёки ҳақиқий диний ва сиёсий рақибларни қамоққа олиш учун мунтазам равища қўлладилар.<sup>146</sup> Афсуски, у президент Мирзиёев ҳокимиятга келганидан кейин ҳам, масалан, журналист Бобомурод Абдуллаевни таъкиб қилишда ҳам ишлатилган, бу эса Ўзбекистон хавфсизлик хизматининг ҳаддан ортиқ таъсири сақланиб қолаётганини акс эттиради.<sup>147</sup>

159-моддага кўра, “Ўзбекистон Республикасининг амалдаги давлат тузумини Конституцияга ҳилоф тарзда ўзгартиришга, ҳокимиятни босиб олишга ёхуд қонуний равища сайлаб қўйилган ёки тайинланган ҳокимият вакилларини ҳокимиятдан четлатишга ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудудий яхлитлигини Конституцияга ҳилоф тарзда бузишга очиқдан-очиқ даъват қилиш, шунингдек, бундай мазмундаги материалларни тарқатиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш — энг кам иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади”.

159-модда “конституциявий” ҳокимиятга қарши зўравонлик ҳаракати учун беш йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш жазосини назарда тутади. Аммо такорон ёки гуруҳ таркибида содир этилган шахс ўн йилгача озодлиқдан маҳрум этилиши мумкин. 159-модданинг фитна ҳақидаги қоидалари, айниқса мухим, улар ўн йилдан 20 йилгача қамоқ жазосига олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, бу ерда кўплаб диний виждан маҳқумларининг ҳикоялари кўрсатганидек, Ислом давлатини ташкил этишга, шу жумладан, халифаликни қайта тиклаш учун “Ҳизб-ут-Тахрир”ни тарғиб қилишга ҳар қандай даъватлар, ҳеч қандай таҳдид ёки зўравонлик бўлмаса, 159-модда бўйича жазоланади. Ўзбекистон диний маҳбусларининг кўпчилиги, шу жумладан, ушбу ҳисоботда баён этилган 81 нафари 159-модданинг фитна ёки рецидивлик тўғрисидаги қоидалари туфайли икки ўн йиллик ёки ундан ортиқ вақт мобайнида панжара ортида сақланди. Масалан, юқорида қайд этилган диний

<sup>144</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни.

<sup>145</sup> Ўзбекистон Жиноят кодесида белгиланган бир неча жазолар мол-мulkни мусодара қилишни назарда тутади. Ушбу ҳукмни бажариш маҳкумнинг оила аъзолари учун ҳам, шахснинг ўзи учун ҳам салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

<sup>146</sup> 159-модданинг диний қонунбузарлиқда айланган шахсларга нисбатан қўллашда асосан “Ҳизб-ут-Тахрир”га аъзо бўлиш билан боғлиқ қонунбузарликлар енгиллаштирувчи ҳолатларда содир этилганида истисно қилинади. Айниқса, агар гуруҳга аъзоликда айланган шахс, у “тасодифан” аъзо бўлиб қолганини таъкидласа, у аслида ҳеч қандай аъзо бўлмаган бўлса, ёки у гуруҳнинг ўкув машгулоатарига қатнишни тўхтатган ва гуруҳнинг адабиётларини тарқатишда иштирок этмаган бўлса, у хода бо шахс айрим ҳолларда 159-модда бўйича жинон жавоблагарликка тортимлайди ва кўпинча 216-модда бўйича ноқонуний диний ташкилотга аъзо бўлиш жазоси билан айланади, бу максимал қамоқ муддатининг пастроқ даражасини назарда тутади.

<sup>147</sup> “Ўзбекистон: жамоат ишларига ҳукм қилинганидан кейин озод этилган виждан маҳбус”, Халқаро амнистия, 2018 йил 7 май, <https://www.amnesty.org/en/latest/news/2018/05/uzbekistan-prisoner-of-conscience-freed-after-being-sentenced-to-community-service/>.

маҳбус Аваз Тўхтаходжаев ва Тоҳир Жумановлар ҳозирги вақтда “Ҳизб-ут-Таҳрир”га тахмин қилинган аъзоликда айбланган ва ҳозирги кунда қамоқда жазони ўтамоқда.

Ўтган йигирма йил мобайнида ҳукумат жамиятни Исломий тамойилларга мувофиқ қуриш гоясини муҳокама қилганликлари учун шахсларни таъқиб қилиш мақсадида 159-моддадан тез-тез фойдаланиб келган. 159-моддага кўра, шахслар ўртасидаги мунозаралар “ҳокимиятни қўлга олиш учун очиқдан очиқ даъват этиш”, деб нотўғри талқин этилади, бу эса Фуқаролик ҳукуқлари ва сиёсий ҳукуқлар тўғрисидаги Ҳалқаро Пактнинг сўз эркинлигининг кафолатларини бузади (Фуқаролик ҳукуқлари ва сиёсий ҳукуқлар тўғрисидаги Ҳалқаро Пактнинг (ICCPR) 19-моддаси). 159- моддада ҳам, 244-1-моддада ҳам зўравонликнинг ҳақиқий ҳаракатлари ва зўравонликка даъват этиши ўртасида аниқ фарқ ўрнатмайди. Биринчиси қонуний равишда жиноятдир, аслида фикр ва қарашларнинг тинч ифодаси жиноят ҳисобланмаслиги керак.

## 216-МОДДА: НОҚОНУНИЙ ЁКИ ДИНИЙ ТАШКИЛОТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

216-модда ноқонуний жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларни ташкил этиш, шунингдек уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш учун жиноят жавобгарликни (беш йилгача озодликдан маҳрум қилишни) назарда тутади. Ушбу қоидага мувофиқ, диний бирлашмаларнинг рўйхатдан ўтмаган гуруҳлари ёки аъзолари мунтазам равишида учрашиб, бошқалар билан диний масалаларни муҳокама қиладиган норасмий жамоалар ноқонуний ҳисобланади. Кўриниб турибдики, 216-модда сўз, виждон ва дин, тинч йигилишлар ва үшумалар эркинлиги ҳуқуқини (Фуқаролик ҳукуқлари ва сиёсий ҳукуқлар тўғрисидаги Ҳалқаро Пактнинг 18, 21 ва 22-моддаларини) бузади. Ўзбекистон Жиноят кодексининг лойиҳасида “диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчиликни бузиш” (амалдаги 216-2-модда) ва “диний таълимотдан сабоқ бериш тартибини бузиш” (амалдаги 229-2-модда) жинояtlари чиқариб ташланган, аммо бу жинояtlар Маъмурий кодексга мувофиқ қонунбузарлик сифатида сақланиб қолади.

## 242-МОДДА: ЖИНОЙ ҲУРУХНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

216-моддага қўшимча расмийлар “жиноий уюшма ташкил этиш” учун жазони назарда тутувчи 242-моддага ўхшаш моддадан кенг фойдаланганлар. Жамоат хавфсизликка қарши жиноят сифатида қаралиб, у “жиноий уюшма ёки гурух” ни ташкил этиш ёки бошқаришни тақиқлайди ва 20 йилгача озодликдан маҳрум этиш жазосини назарда тутади.

## 156-МОДДА: МИЛЛИЙ, ИРҚИЙ ЁКИ ДИНИЙ АДОВАТНИ ҚЎЗҒАТИШ

Диний эътиқодларига кўра жазоланган маҳбусларга нисбатан 159, 244, 242 ёки 216-моддаларга қараганда камроқ қўлланиладиган, аммо муҳим бўлган 156-модда миллий (этник), ирқий ёки диний адovat қўзғалишини тақиқлайди ва <sup>148</sup> беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини назарда тутади.<sup>149</sup> Бундан ташқари, бир гурух шахслар билан тил бириктириб, ёки бир гурух шахслар томонидан, ёки бошқа оғирлаштирадиган ҳолатларда жиноят содир этилган тақдирда, шахс ўн йилгача қамоққа олиниши мумкин.

Юқорида тавсифланган айрим қоидалар сингари, ҳукумат 156-моддасини тақиқланган адабиётга эгалик қилиш ёки тарқатиш учун кенг қўллади, баъзи адабиётларни гуруҳ ёки алоҳида шахснинг шон-шарафини камситувчи деб изоҳлади, ҳатто бу тушунчалар аниқ белгиланмаган ва ихтиёрий фойдаланиш учун кенг имкониятлар яратадиган бўлса ҳам. Ушбу қонунга мувофиқ, ҳукумат қўплаб мустақил мусулмонларни, шу жумладан, “Ҳизб-ут-Таҳрир”га аъзоликда гумон қилинган ёки ҳақиқий аъзоларини, фикр алмашиш, шу жумладан, халифалик фойдасига муҳокама қилиш учун жиноят жавобгарликка тортган.

Ушбу ҳисоботда юқорида иши кўриб чиқилган, ҳозирги кунда жазони ўтаётган 57 ёшли диний маҳбус Усмон Дарвишов бу айловдан фойдаланишнинг намунасиdir. Намангандик диндор мусулмон, Дарвишов енгил атлетика мактабида бокс бўйича мураббий бўлиб ишлаган. Хавфсизлик идоралари уни 2009 йил февраль ойида уйига қайтаётганида қўлга олишди. Дастлаб улар уни “кичик безорилик” да айлашди ва 15 кунлик маъмурий қамоққа ҳукм қилишди. У Наманганд

<sup>148</sup> Бу айловнинг бир қисми бўлган диний адovat, USCIRF ва бошқа етакчи диний эркинлик идоралари таъқидлаганидек, Ҳалқаро инсон ҳукуқлари стандартларини бузувчи, кўпинча ноаини таърифланган ва суннитеъмоллика тайёр бўлган муҳим қонун сифатида баҳоланади, чунки у ҳукуматларни лозим бўлмаган тарзда якунни ҳақиқатлар ёки диний таълимотлар учун ҳакам қиласди, номутаносиб равища диний озчиликларга ёки кўпчилик жамиятнинг норози аъзоларига нисбатан қўлланилади ва одатда қаттиқ жазоларни келтириб чиқаради. *Қаране:* “Қўфларнинг алоҳида ҳолатлари”, USCIRF, сентябрь 2017, <https://www.uscirf.gov/publications/selected-blasphemy-cases>.

<sup>149</sup> Бошқа шахсларнинг ҳукуқарини тўғридан-тўғри бузган ёки бошқаларга жисмоний зарар етказишига олиб келадиган ҳаракатларнинг қонунга хилоф деб ёзлон килинишидан ташқари, 156-моддада “миллий ирқий, этник ёки диний мансублигига қараб, адovat, муроносизлик ёки нифок қелитириб чиқариш мақсадида миллий шаън-шараф ва қадр-қимматни камситишига қаратилиб қасдан содир этилган ҳаракатлар... беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади”.

вилояти хавфсизлик хизмати тергов ҳибсонасида бўлган вақтида хавфсизлик хизмати ходимлари унга қўшимча равишда “миллий, ирқий, этник ва диний нафратни қўзғатиш” (156-модда), “конституциявий тузумни ағдаришга уриниш” (159-модда), “жиноий гурӯҳ ташкил этиш” (242-модда) ва “диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотларни ташкил этиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш” (244-2-модда) каби уйдирма айловларни қўйди.

Дарвишонинг ўғли Умархон Ёқубжонов хавфсизлик хизмати ходимлари, жумладан, Шоҳназар исмли офицер Дарвишовни ёлғон икror бўлиши учун қамоқقا ташлаганини маъдум қилди. Дарвишов адолатли суд жараёнининг халқаро стандартларига мос келмайдиган ёпиқ суддан кейин 16 йилга озодлиқдан маҳрум этилди. Қарши қамоқхонасида тўқиз юйл жазони ўтаган Дарвишов 2018 йилда очиқ турдаги манзил-колонияга кўчирилди. Дарвишов дарҳол озод қилиниши керак.

## ГИЁХВАНД МОДДАЛАР ВА ҚУРОЛ САВДОСИ АЙБЛОВЛАРИ

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, жорий диний маҳбусларнинг кўпларининг ишларида юқорида тасвиранган сиёсий ёки диний айловлар билан бир бирга уйдирилган ёки қасддан ташкил этилган сиёсий бўлмаган ёки унчали жиiddiy бўлмаган жиноятлар бўйича айловлари ўрин тутган. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ёки хавфсизлик идоралари бундай айловларни кўпинча қамоқ муддатини узайтириш, ҳибсга олинган шахсни обрўсини тўкиш ёки жиноий таъқибининг асл диний ёки сиёсий сабабидан эътиборни чалғитиши учун ишлатишган. Ушбу ҳисоботда кўриб чиқилган ва айбдорликнинг исботи келтирилмаган диний маҳбусларнинг айрим умумий айловлари гиёхванд моддаларни ноқонуний сақлаш (Жиноят кодексининг 273 ва 276 моддалари) ёки қурол ёки ўқдориларни ноқонунний сақлашдан (Жиноят кодексининг 248 моддаси) иборат. Жорий маҳкумлар Жамшидбек Ибойдулаевич Атабеков ва Иброҳим Ҳакимович Асронқуловларнинг 276-моддани ўз ичига олган айловлари ушбу ҳодисанинг ёрқин мисолидир.

# МИННАТДОРЧИЛИК

Ушбу ҳисобот жаноб Стив Свердлов (Steve Swerdlow), инсон ҳуқуқлари бўйича адвокат ва Жанубий Калифорния университетининг сиёсатшунослик ва халқаро муносабатлар бўлимининг инсон ҳуқуқлари амалиёти доценти томонидан ўрганилган ва ёзилган. Ҳисобот катта сиёсий таҳдилчи Кили Баккен (Keely Bakken); сиёсий таҳдилчи Джон Лехнер (John Lechner); тадқиқот ва сиёсат бўйича директор Элизабет Кессиди (Elizabeth Cassidy); ва АҚШ Халқаро диний эркинлик бўйича Комиссиясининг

назорат сиёсати бўйича таҳдилчиси Курт Вертмюллер (Kurt Werthmuller) томонидан таҳрирланган. Пол Родригес-Анте (Paul Rodriguez-Ante), Жанубий Калифорния университетида бакалавр даражасига номзод ҳам қимматли тадқиқот ёрдамини кўрсатди. Муаллиф ҳозирги диний маҳбусларнинг, сабиқ диний маҳбусларнинг, ҳуқуқ ҳимоячиларининг, адвокатларнинг ва бошқа эксперталарнинг кўплаб қариндошларига ўз тажрибаларини саховат билан баҳам кўришганлари учун миннатдорчилик билдиради.

*Бу саҳифа атайлаб бўши колдирилган.*

# МУАЛЛИФ ҲАҚИДА

Жаноб Стив Свердлов (Steve Swerdlow), Лос-Анжелесдаги (Калифорния штати) Жанубий Калифорния университетининг сиёсий ва халқаро алоқалар факултетида инсон ҳуқуқлари амалиёти бўйича доцент. Инсон ҳуқуқлари бўйича ҳуқуқшунос ва собиқ совет минтақаси бўйича эксперт Свердлов Хьюман Райтс Вотчда Марказий Осиё бўйича катта тадқиқотчи бўлиб, ташкилот ишини Ўзбекистон ва Тожикистонда бошқарib, Қирғизистонда унинг маҳаллий бўлимини ташкил этди. Свердлов Тошкентдаги Webster университетида доцент сифатида инсон ҳуқуқларидан дарс берган ва Бирлашган Миллатлар ташкилоти Тараққиёт дастури (БМТТД) ва Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) да маслаҳатчи бўлиб ишлаган. Аввалроқ, Свердлов Россияда АҚШ Давлат департаментининг “Давлат хизмати учун ёш раҳбарлар” дастурининг стипендиати бўлиб, Арманистон, Озарбайжон ва Грузияда Жанубий Кавказ бўйича

кузатувчи сифатида совет яхудийлари Иттифоқида (UCSJ), шунингдек, Россияда халқаро миграция ташкилоти (ХМТ) инсон ҳуқуқларини кузатиш бўйича кузатувчи сифатида ишлаган. Свердлов Сан-Францискода Lieff Cabraser Heimann & Bernstein, LLP компаниясида ҳуқуқшунослик соҳасида амалиёт юритган ва Калифорния Марказий округи АҚШ судининг фахрий судъяси Деан Прежерсоннинг (Dean Pregerson) котиби бўлиб ишлади. Свердлов мунтазам равишида Евроосиёда ва АҚШ ташқи сиёсатида инсон ҳуқуқлари бўйича нашрларни чоп этади. Свердлов Калифорния университети, Беркли ҳуқуқ факултетида докторлик даражасини ва Колумбия Университети Халқаро ва Жамоатчилик билан алоқалар мактабида (SIPA) халқаро муносабатлар бўйича магистр даражасини олган, Гарриман институтининг постсовет тадқиқотлари бўйича сертификатига эга.

# А-ИЛОВА: ЎЗБЕКИСТОН ҚАМОҚХОНАЛАРИ РЎЙХАТИ

## ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ КОЛОНИЯЛАРИ (ЖИЭК) ВА МАНЗИЛ- КОЛОНИЯЛАР (МК) НОМЛАРИ ВА ЖОЙЛАШГАН ЖОЙЛАРИ

Жазони ижро этиш Бош бошқармаси - Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги (ушбу ҳисобот муваллифига 2020 йил деқабрь ойида тақдим этилган)

T/p	Муассаса номи Қамоқхона колониялари	Жойлашган жойи
1.	1-ЖИЭК	Когон тумани, Бухоро вилояти
2.	2-ЖИЭК	Қарши, Қашқадарё вилояти
3.	3-ЖИЭК	Қарши, Қашқадарё вилояти
4.	4-ЖИЭК	Навоий, Навоий вилояти
5.	5-ЖИЭК	Қизилтепа, Навоий вилояти
6.	6-ЖИЭК	Поп тумани, Наманган вилояти
7.	7-ЖИЭК	Бўйтонлиқ тумани, Тошкент вилояти
8.	10-ЖИЭК	Косон тумани, Қашқадарё вилояти
9.	11-ЖИЭК	Навоий, Навоий вилояти
10.	12-ЖИЭК	Зарафшон, Навоий вилояти
11.	13-ЖИЭК	Чирчик, Тошкент вилояти
12.	14-ЖИЭК	Олмалиқ, Тошкент вилояти
13.	17-ЖИЭК	Қоровулбозор тумани, Бухоро вилояти
14.	20-ЖИЭК	Когон, Бухоро вилояти
15.	21-ЖИЭК	Зангиота тумани, Тошкент вилояти
16.	22-ЖИЭК	Зангиота тумани, Тошкент вилояти
17.	23-сонли маҳкумларга мўлжалланган ихтисослашган касалхона	Яшнобод тумани, Тошкент
18.	24-сонли тарбия колонияси	Зангиота тумани, Тошкент вилояти

T/p	Муассаса номи	Жойлашган жойи
Очиқ турдаги манзил-колониялар		
19.	27-МК	Кўнғирот тумани, Қорақалпоғистон Республикаси
20.	28-МК	Кўнғирот тумани, Қорақалпоғистон Республикаси
21.	29-МК	Жиззах, Жиззах вилояти
22.	30-МК	Зафаробод тумани, Жиззах вилояти
23.	31-МК	Зафаробод тумани, Жиззах вилояти
24.	32-МК	Муборак тумани, Қашқадарё вилояти
25.	33-МК	Муборак тумани, Қашқадарё вилояти
26.	34-МК	Қамаши тумани, Қашқадарё вилояти
27.	35-МК	Қарши, Қашқадарё вилояти
28.	36-МК	Зарафшон, Навоий вилояти
29.	37-МК	Пастдарғом тумани, Самарқанд вилояти
30.	38-МК	Самарқанд, Самарқанд вилояти
31.	39-МК	Сардоба тумани, Сирдарё вилояти
32.	40-МК	Гулистон тумани, Сирдарё вилояти
33.	41-МК	Шеробод тумани, Сурхондарё вилояти
34.	42-МК	Зангиота тумани, Тошкент вилояти
35.	43-МК	Бўка, Тошкент вилояти
36.	44-МК	Оҳангарон, Тошкент вилояти
37.	45-МК	Олмалиқ, Тошкент вилояти
38.	46-МК	Зангиота тумани, Тошкент вилояти
39.	47-МК	Юқоричирчиқ тумани, Тошкент вилояти
40.	48-МК	Оҳангарон тумани, Тошкент вилояти
41.	49-МК	Олмалиқ шаҳри, Тошкент вилояти
42.	50-МК	Пскент тумани, Тошкент вилояти
43.	51-МК	Яшнобод тумани, Тошкент шаҳри

# Б-ИЛОВА: ЎЗБЕКИСТОНДА ТЕРРОРИСТИК ЁКИ ТАҚИҚЛАНГАН ДЕБ ТОПИЛГАН ТАШКИЛОТЛАР РҮЙХАТИ

Ўзбекистон Олий судининг 2016 йил 26 сентябрдаги қарори муносабати билан қўйидаги ташкилотлар террористик гурухлар сифатида эътироф этилган ёки уларнинг фаолияти Ўзбекистонда тақиқланган:<sup>150</sup>

- |   |                                     |
|---|-------------------------------------|
| 1. Акромия                                  | 12. Шарқий Туркистон Ислом ҳаракати |
| 2. Туркистон Ислом ҳаракати                 | 13. Кулранг бўрилар (Боз гурд)      |
| 3. Исломий жиҳод                            | 14. Абу Сайяф                       |
| 4. Ҳизб-ут-Тахрир                           | 15. Жамиат Уламои-и-Ислом           |
| 5. Ал-Жиҳод                                 | 16. Ислом давлати                   |
| 6. Ал-Қоида                                 | 17. Тавҳид ва жиҳод                 |
| 7. Жаҳон жиҳод жамғармаси                   | 18. Имом Ал-Бухорий Котибати        |
| 8. Мусулмон биродарлар                      | 19. Жамаат э-Насруллоҳ              |
| 9. Таблиги Жамаат                           | 20. Джабхат ан-Нусра                |
| 10. Жамаат-и Ислами-И-Покистон              | 21. Жиҳодчилар                      |
| 11. Шарқий Туркистонни озод қилиш ташкилоти | 22. Нурчилар                        |

Изоҳ: АҚШ хукумати улардан фақат айримларини, жумладан, Абу Сайяф, Ал-қоида, ИДУ, ИШИД, Ал-Нусра ва бошқаларни Хорижий террористик ташкилотлар (FTO) деб таърифлаган. <https://www.state.gov/foreign-terrorist-organizations/>

<sup>150</sup> Ўзбекистон олий суди томонидан 2016-йил 26-сентябрда эълон қилинган Ўзбекистонда тақиқланган террористик ташкилотлар рўйхати, Link available upon request.

# С-ИЛОВА: ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТЕГИШЛИ ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВАКИЛЛАРИГА ТАҚДИМ ЭТИЛГАН САВОЛНОМА

23. 2019-йилги янгилик хабарларига кўра, ҳукумат ушбу маълумотни омма учун очиқ деб эълон қилганига мувофиқ, илтимос, Ўзбекистонда қамоқда сақданаётган маҳбусларнинг умумий сонини кўрсатинг.
24. 2019-йилги янгилик хабарларига кўра, ҳукумат ушбу маълумотни омма учун очиқ деб эълон қилганига мувофиқ, илтимос, Ўзбекистондаги қамоқхоналар ва манзил колонияларнинг умумий сонини кўрсатинг ва ҳар бир муассасаннг номини санаб ўтинг.
25. 2019-йилги янгилик хабарларига кўра, ҳукумат ушбу маълумотни омма учун очиқ деб эълон қилганига мувофиқ, илтимос, Ўзбекистонда қуидаги айловлар билан қамоқда сақданаётган маҳбусларнинг умумий ва айловнинг ҳар бир алоҳида тури кесимидағи сонини кўрсатинг.
- |                |                 |
|----------------|-----------------|
| a. 155-модда   | h. 216.2-модда  |
| b. 156-модда   | i. 221(б)-модда |
| c. 157-модда   | j. 223-модда    |
| d. 158-модда   | k. 242-модда    |
| e. 159-модда   | l. 244-модда    |
| f. 216-модда   | m. 244.1-модда  |
| g. 216.1-модда | n. 244.2-модда  |
4. Илтимос, 3-саволда санаб ўтилган айловларга кўра қамоққа олинган маҳбусларнинг 2016 йил сентябрь ойидан бўён амнистия, оқланиш, афв этиш ёки бошқа йўл билан озод қилинганларнинг умумий сонини кўрсатинг.
5. Илтимос, 3-саволда санаб ўтилган айловларга кўра қамоққа олинган маҳбусларнинг 2016 йил сентябрь ойидан бўён амнистия, оқланиш, афв этиш ёки бошқа йўл билан озод қилинган ҳар бирининг исмини келтиринг.
6. Илтимос, Президент аппаратига маҳбусларни озод қилиш, афв этиш ёки амнистия қилиш бўйича тавсиялар берадиган давлат муассасасининг номини кўрсатинг.
- USCIRF юқоридаги саволларга иложи борича қисқа вақт ичida тўлиқ жавоб юборилса жуда миннатдор бўларди, чунки бу маълумот USCIRFнинг диний эркинлик ҳақидаги йиллик хисботини тузиш билан бевосита боғлиқ. Қадрли ёрдамингиз учун ташаккур.

*Бу саҳифа атайлаб бўши колдирилган.*



## **PROFESSIONAL STAFF**

СПЕЦИАЛИСТ ПО СВЯЗЯМ С ОБЩЕСТВЕННОСТЬЮ	Danielle Ashbahian
КАТТА СИЁСИЙ ТАХЛИЛЧИ	Keely Bakken
ПОЛИТИЧЕСКИЙ АНАЛИТИК	Susan Bishai
ДИРЕКТОР ПО ИССЛЕДОВАНИЯМ И ПОЛИТИКЕ	Elizabeth K. Cassidy
ПОЛИТИЧЕСКИЙ АНАЛИТИК	Mingzhi Chen
ПОЛИТИЧЕСКИЙ АНАЛИТИК	Patrick Greenwalt
СПЕЦИАЛИСТ ПО КОММУНИКАЦИЯМ	Gabrielle Hasenstab
ДИРЕКТОР ПО ФИНАНСАМ И ОПЕРАЦИЯМ	Roy Haskins
ДИРЕКТОР ПО ПЕРСОНАЛУ	Thomas Kraemer
АНАЛИТИК ПО ВОПРОСАМ РЕГУЛЯТОРНОЙ ПОЛИТИКИ	Kirsten Lavery
СТАРШИЙ ПОЛИТИЧЕСКИЙ АНАЛИТИК	Niala Mohammad
СТАРШИЙ ПОЛИТИЧЕСКИЙ АНАЛИТИК	Jason Morton
ПОЛИТИЧЕСКИЙ АНАЛИТИК	Mohyeldin Omer
СПЕЦИАЛИСТ ПО СОСТАВЛЕНИЮ СПИСКОВ ЖЕРТВ И РАБОТЕ С НАСЕЛЕНИЕМ	Dylan Schexnaydre
СОВЕТНИК ПО ВОПРОСАМ РЕГУЛЯТОРНОЙ ПОЛИТИКИ	Jamie Staley
ИССЛЕДОВАТЕЛЬ	Zack Udin
СПЕЦИАЛИСТ ПО СВЯЗЯМ С КОНГРЕССОМ И РАБОТЕ С НАСЕЛЕНИЕМ	Nina Ullom
ПОЛИТИЧЕСКИЙ АНАЛИТИК	Madeline Vellturo
АНАЛИТИК ПО ВОПРОСАМ РЕГУЛЯТОРНОЙ ПОЛИТИКИ	Scott Weiner

